



ԿԱՄՈՒԿ ՆՍՏԱՐԱՐԱՆ
ՔԵՋԱՌԱՄԱՆԱՐԱՆ
ԵՐ ԿՐԿՐԱՄ
ՏԵՐԵՐԱՆՆԵՐ

А. ҲРОЛОВ, Д. НОЗИЛОВ,
А. ФАРМОНОВ, С. МАТЪЯЗОВ

ҚИШЛОҚ УЙЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҚУРИШ АСОСЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги "Меъморчилик", "Саноат ва
граждан қурилиши" ихтисосликлари бўйича таълим
олаётган талабалар учун ўқув қўлланма
сифатиди тавсия этган*

42032

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"
1994

Қўлланма Жиззах вилояти ичимлик суви ишлаб чиқариш ва таъминлаш трестининг қисман иқтисодий ёрдами билан чиқарилди

К 51 Қишлоқ уйларини режалаштириш ва қуриш асослари/А. Уролов, Д. Нозилов, А. Фармонов, С. Матъязов.— Т.: Ўзбекистон, 1994.

ISBN 5-640-01747-3

I. Уролов А. ва бошқ.

Ўқув қўлланма 1988 йилда "Меҳнат" нашриётида чоп этилган "Қишлоқ уйлари" илмий оммабоп китоби асосида ёзилган бўлиб, унда халқ меъморчилигидаги анъанавий ҳамда замонавий қишлоқ уйлари ва тураржойларнинг қурилишини режалаштириш, ободонлаштириш, район марказлари ва кичик шаҳарларга мўлжалланган шахсий биноларнинг янги типларини лойиҳалаш, тураржой гуруҳларини ташкил этишда миллий анъана ва маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олиш, уларни зилзилага бардошли қилиб яратиш услублари ҳақида қатор замонавий таклифлар ва қурилиш меъёрлари баён этилган.

Қўлланма олий ўқув юртларида "Меъморчилик" ҳамда "Санюат ва граждон қурилиши" мутахассисликлари бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, лойиҳачи меъморлар, қурувчилар ва уйларни яқка тартибда қурувчилар учун ҳам фойдалидир.

Основы планирования и построения сельских домов.

ББК 37.75

№ 43-94

Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон
Республикасининг
давлат кутубхонаси.

К 3303000000-91
М 351 (04) 94

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1994

КИРИШ

Жумҳуриятимизда ҳозиргача турмуш тарзи оғир кеч-
ётган ва айниқса маданий ҳаёти энг ночор аҳволда бўлган
омма бу қишлоқ аҳолисидир. Узоқ йиллар давомида ўз
мавқеини қўлдан бермай келган пахта яккаҳокимлиги
туфайли оғир қисматга ботган қишлоқ аҳолиси нафақат
маънавий ва экологик хасталиқдан, балки иқтисодий
қашшоқлик кучаларидан ҳам суруниб, талпиниб ўтиб
келмоқда.

Кейинги йилларда эсаётган мустақиллик шамоли ва
бозор иқтисодиётининг ижобий йўналишларигина қиш-
лоқликлар кўксига шабада тегизди. Улар аста-секин
ҳаётларидаги иқтисодий тангликдан қутилиш чораларини
топмоқдалар. Лекин ҳали амалга ошириладиган ишлар
жуда кўп. Қишлоқдаги ночор маданий ҳаёт, маънавият,
экология, халқ таълими ва айниқса қишлоқ меъморчили-
гини яхшилаш ишлари шулар жумласидандир.

Тўғри, жумҳуриятимиз ҳукумати ва халқимиз номзод-
лари олға сураётган ижтимоий ва иқтисодий тадбир ва
йўналишлар нафақат қишлоқ аҳолисини, балки бутун
юртимиз халқини янги ижобий изланишларга ундамоқда.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан барча
қишлоқ аҳолисини томорқа билан таъминлаш, қишлоқлар-
да томорқа майдонини кенгайтириш юзасидан катта тад-
бирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Натижада уй-жой режасини ҳал қилиш, оилаларнинг
озик-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлашлари-
ни яхшилаш, бозорларни тўлдириш, аҳолини иш билан
таъминлашни кучайтириш каби бир қанча ҳаётий муҳим
ижтимоий вазифалар бир-бирига боғлиқ ҳолда ҳал этил-
моқда.

Қишлоқларни ижтимоий-маданий ривожлантириш гоят
муҳим умумдавлат ва умумхалқ вазифасига, ҳуку-
матимизнинг ҳозирги даврдаги зироатчилик сиёсатининг
таркибий қисмига айланмоқда.

Меҳнаткашларнинг маданий турмуш шароитини юксалтиришда тураржойларнинг аҳоли учун энг мақбул бўлган лойиҳаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, яшашга қулай ва шинам тураржой биноларининг маданий-маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари ва оқилона ижтимоий бинолар билан мажмуа тарзда қурилиши ҳам бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Хўш, қишлоқлар, қишлоқ ноҳия марказлари ва кичик шаҳарчалар аҳолисининг бугунги ва эртанги кунни талабларига жавоб бериш учун уйлар қандай бўлиши керак? Замонавий қишлоқнинг янги тураржой бинолари қандай омиллар асосида ташкил топмоғи ва шаклланмоғи лозим? Уларнинг меъморий-режавий қиёфаси қай тарзда ечилиши керак?

Бугунги кунда бу саволларга қатъий жавоблар топилган бўлса-да, лекин уларга осонликча эришилган эмас. Бу ишга жумҳуриятимиз илмий-текшириш ва лойиҳалаш дорилфунунлари, олимлар, тегишли мутахассис кадрлар, меъморлар, қурувчилар, қишлоқ хўжалик ходимлари жалб қилинган. Тураржой бинолари соҳасидаги анъанавий халқ меъморчилиги ўрганилди ва ўрганилмоқда. қатор намунавий, хусусий тажриба лойиҳалари ишлаб чиқилди. Кўргазмали қишлоқлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилган уйлар мисолида ишлаб чиқилган лойиҳалар кенг жамоатчилик мулоҳазасидан ўтказилди.

Бу соҳада эришилган амалий ва назарий билимлар, тажрибалар асосида олимлар ва мутахассисларимиз қатор тавсияномалар, қўлланмалар, меъёр ва қоидалар ишлаб чиқдилар. Ҳаётий тузатишлар киритилиб янги лойиҳалар тайёрланди. Қишлоқ тураржой муаммоси, архитектураси ва режалаштиришга багишланган бир нечта илмий ишлар юзага келди. Собиқ Иттифоқда ва республикада танилган егук мутахассис олимлар А. А. Маҳкамов, Ф. М. Ашрафий, К. М. Мирзааҳмедова, Р. С. Белий, В. И. Немировский, Х. А. Салоҳутдинов, Х. И. Қажумов, К. Н. Файзиевларнинг қатор лойиҳа ва илмий ишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, меъморчилик фанлари доктори А. А. Маҳкамовнинг "Сельские жилые дома юга страны" монографияси бу соҳада муҳим илмий бурилиш ясади.

Олимнинг ушбу ишида ҳозирги даврнинг энг долзарб масалалари, жумладан, Ўрта Осиё жумҳуриятлари, хусусан Ўзбекистон қишлоқларида тураржой бинолари меъ-

морчилигининг типологик томонлари, уларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича тўпланган илғор тажрибалар, шунингдек, халқ меъморчилигидаги анъаналар, тураржой биноларининг иқлим шароити ҳар хил бўлган районлар бўйича янги зонал типларини яратиш, уларнинг меъморий ва функционал ечимларини, ҳажм режа параметларини такомиллаштиришга бағишланган қатор амалий таклифлар берилди.

Тураржой бинолари типларининг бундай табиий-иқлим районлари бўйича табақаланиши жумҳуриятимизнинг кейинги йиллар лойиҳалаш тажрибасида ва қишлоқ қурилишида кенг қўлланила бошланди. Уйларни бундай лойиҳалаш ва қуриш тартиби жойлардаги халқнинг қадимий илғор услубларини ривожлантиришни ва халқ меъморчилигидаги илғор анъаналарни қурилиш тажрибасига кенг ёйишга сезиларли даражада ёрдам берди.

Бугунги кунда қишлоқ уйларининг қурилиш сифатига қўйиладиган талаблар ортиб бормоқда. Жумладан, иқтисодий ва ижтимоий-демографик, меъморий-бадий ва табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлган ҳамда санитария-гигиена ва ёнғинга қарши кураш талаблари ва бошқалар. Ана шу талаблар мажмуи қишлоқ уйларининг шаклланишидаги ўзига хос замонавий омиллар сифатида рўёбга чиқди.

Шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ аҳолисининг меҳнат шароити ва турмуш тарзи яхшиланиб маданий савияси ошиб борган сайин, уларнинг тураржойларга ва умуман яшаш муҳитига бўлган бадий-эстетик талаблари тобора замонавийлашиб, кўп қиррали бўлиб бораверади.

Бундай шароитда қишлоқ қурилиши мажмуалари ва қишлоқдаги маданий ўзгаришлар уч йўналишда, яъни ижтимоий, иқтисодий ва меъморчилик соҳаларидаги янги йирик тармоқлар бўлиб юзага чиқади.

1984 йили республикамизда илк бор аҳоли маблағи ҳисобига якка тартибда уй-жой қуришнинг яна бир қулай шакли вужудга келди. Унинг моқияти шундаки, қурилиш шахсий уй-жойга эга бўлиш истагини билдирган ҳамқишлоқларнинг буюртмаси асосида маҳаллий пудратчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Ҳозирги кунларда жумҳуриятимиз қишлоқларида аҳоли ўз кучи билан якка тартибда йилига қарийб 2 млн. кв.м уй-жой барпо этмоқда. Ташаббускор халқимизнинг уй-жой қуриш тажрибаси шуни кўрсатадики, қулай ва соз қилиб

қурилайтган уй-жойлар билан бир қаторда, ҳажми, режаси ҳамда кўриниши ноқулай бўлган, ортиқча қурилиш материаллари, ишчи кучи, керагидан зиёд жой талаб қилувчи кўплаб уйлар ҳам қурилмоқда.

Аксарият ҳолларда уй қуришдек ташвишли, лекин қувончли жараён жойларда кўнгилдагидек ҳал этилмаётир.

Аҳолининг якка тартибда уй-жой қуришдаги сарф-харажатлари, зақматлари баъзан туғри йўлга йўналтирилмаётир. Кўпинча уй-жой қуриш бўйича мавжуд меъморий тартиб-қоидалар қўпол бузилмоқда. Натижада қурилайтган уйлар хўжаликларга ҳам, oilаларга ҳам иқтисодий ва маънавий жиҳатдан наф келтирмаётир. Бунинг сабабларидан бири қишлоқларни қайта қуриш, қишлоқ жойларда уй-жой муаммосини ҳал қилиш бора-сидаги ҳукуматимиз олдинга сураётган вазифаларни замонавий меъморчилигимиз талаблари билан чамбарчас боғлаб, тушунтириб берувчи амалий ва ўқув қўлланмаларининг озлиги ҳамдир.

Қўлингиздаги китобнинг йўналишини ва асосий мазмунини аниқлашда замонавий қишлоқ уйлари ва умуман тураржойларни режалаштиришдаги диалектик тартибот, яъни халқ анъанавий уйларининг шаклланиш асосларини урганиш, замонавий тураржойларни лойиҳалашда жумҳуриятимизнинг табиий-иқлим шароитларини, мавжуд ижтимоий-демографик ҳолатлар, қишлоқ турмуш тарзи таомилларини кенг ҳисобга олиш, қурилишда тежамкорлик ва мустаҳкамлик жабҳалари, ҳамда ҳукуматимизнинг кейинги йиллардаги қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш маданиятини ошириш ва яшаш шароитини яхшилашга қаратилган қатор талаблари асос қилиб олинди.

Қишлоқ ҳақида гапирар эканмиз, қишлоқ аҳлининг яшаш таомилига жуда яқин бўлган қишлоқ ва район марказлари ва кичик шаҳарлардаги уй-жойлар муаммосига ҳам тўхталиш айни муддаодир. Шунинг учун ҳам мазкур қўлланмада ана шунга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Ҳовлиларни янада кўркам қилиш ва уларни кўкаламзорлаштириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Жумҳуриятимиз сейсмик ҳудудда жойлашганлигини эътиборга олиб, қўлланмада қишлоқ биноларини зилзилага бардошли қилиб қуриш услублари ҳам алоҳида ёритиб берилди.

Қўлланма муаллифларнинг матбуотда бериб борилайтган маълумотларидан, ушбу мавзуга тааллуқли ойнома ва

китоблардан, амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларидан, Ўзбекистон Давлат қурилиши қўмитаси, собиқ иттифоқ ва республика лойиҳалаш ва илмий-текшириш институтлари ишлаб чиққан ва тузган курсатма ҳамда тавсияномалардан, альбомлардан фойдаланиб, шунингдек 1988 йилда "Меҳнат" нашриётида чоп этилган "Қишлоқ уйлари" илмий-оммабоп китоби асосида ёзилган. Қўлланмада қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибда тураржой қуриш тўғрисидаги Низом ҳамда муаллифларнинг олиб борган шахсий кузатишлари ва илмий-амалий ишларининг натижалари ҳам ўз аксини топган.

Қўлланма республикаимиз олий ўқув юртларида "Меъморчилик", "Саноат ва граждан қурилиши" ихтисосликлари бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган. Шунингдек, у қишлоқ хўжалик раҳбарлари, меъморлар, район ва вилоят меъморчилик бошқармаларининг мутахассис ходимлари ҳамда қишлоқлардаги якка тартибда ва кооператив уй-жой қурувчи ташкилотлар ва оилалар учун ҳам қизиқарлидир.

Қўлланма муаллифлар жамоаси томонидан ёзилиб, кириш ва II, III боблар А. Ўролов, I боб Д. Нозилов, IV боб А. Фармонов ва А. Ўролов, V боб С. Матъязов қаламига мансубдир.

ХАЛҚ МЕЪМОРЧИЛИГИДА АНЪАНАВИЙ УЙЛАР

Тураржой меъморчилиги қадимдан бой анъаналарга эга. Турар жой меъморчилиги халқнинг ижтимоий-иқтисодий кечинмалари, иқлим шароитининг таъсири остида ривожланган. Улар асрлар давомида шаклланган ва бизгача такомиллашган ҳолда етиб келган.

Турар жойлар ҳаётимизнинг кўп қисмини ўз ичига олган микродунё десак бўлади. Шу микродунёнинг қулай, шинам ва гузаллиги бизнинг маънавий, маданий ва ижтимоий ҳаётимиз кўзгусидир. Унинг гузаллиги ихчам бўлиши ҳозирги кунда ҳам, келажакда ҳам меъморларимиз, қурувчиларимиз, қолаверса, ҳар бир хўжалик учун муҳим бўлиб қолади. Шунини айтиш керак, ҳозирги ва бўлажак меъморчиликда ҳам хона тўрт девор, шифт ва полдан ташкил топганлигича қолади, лекин шу тўрт девор ва шифтни мустаҳкам, қулай, афзал ва осон ўрнатилиши учун материаллар конструкциялари замон талабига жавоб берадиган бўлиши, уни табиат билан мослаштириш, гузал ва шинам бўлишини таъминлаш зарур. Шунга кўра, ҳам маданий, ҳам тарихий бойлигимизга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб сайқал топиб келган анъаналарига қатъий амал қилмоғимиз керак.

Халқ меъморчилигида уй тархи ва тарзи ўша жой муҳити, табиати, иқлим шароити таъсири остида ривожланган. Ўзбекистон иқлим шароитини асосан уч қисмга ажратиш мумкин. Булар чўл, водий ва тоғ олди ҳамда баланд тоғли зоналардир.

Биринчисига чўл иқлимнинг фаол таъсиридаги районлар кирази. Бу районлар собиқ иттифоқ бўлимига биноан IV А ва қисман IV Г иқлим районларига кирувчи ҳудудларни ўз ичига олади. Ўзбекистон чўл зоналарига Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, Қарши, Мирзачўл воҳалари кирази. Бу зона иқлимига узоқ муддатли қуруқ ва иссиқ ҳаво ҳарорати характерлидир. Ўзбекистон чўл зоналарининг шимолий жанубий қисмлари ҳам ўзларининг иқлим

шароити билан бир-биридан ажралиб туради. Масалан, ўлкамизнинг шимолий қисмида қиш узоқ ва совуқ келади.

Ўзбекистон тоғ олди зоналари ва водийлари собиқ иттифоқ қудуди иқлим-шароити харитасида IV Г ва III Б қисмларни ташкил қилади. Бу зонага пастқам ва ўрта баландликдаги тоғлар киради. Ушбу зонага Фарғона водийси, Тошкент, Жиззах, Самарқанд вилоятларининг тоғолди районлари, Қашқадарё воҳасининг айрим районлари киради. Бу ноҳияларнинг иқлим шароити, чул зоналарига нисбатан яхши ҳисобланади. Тоғ олди воҳаларда ёзнинг иссиқ ҳарорати нисбатан пастроқ ва қисқа муддатли бўлади, қиш эса илиқроқ келади. Серсув сой ва чашма, булоқларнинг мавжудлиги бу ерларда ҳамма вақт атроф-муҳитнинг кўм-кўк бўлишига, ҳавонинг мулойимлиги уй ҳовлиларининг ярим ва бутунлай очиқ композицияда қурилишига сабаб бўлади.

Тоғ зоналари ўзининг иқлим шароити билан собиқ иттифоқ харитасидаги IB ва ПВ зоналарига тўғри келади. Тоғ зоналарига денгиз сатҳидан 2000 метр ва ундан юқори баландликдаги районлар киради. Тоғ зоналарига Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий қисмида жойлашган қишлоқлар киради. Тоғ шароитида қиш совуқ ва узоқ келади, ёз ойлари иссиқ бўлади. Шунинг ҳам эслатиш керакки, айрим қишлоқлар ҳамма томонидан тоғ билан ўралган дарада жойлашган. Бу жойларда қиш нисбатан илиқроқ бўлади, чунки қишлоқ совуқ шимолдан тоғ билан тўсилган. Бундай жойларда уйларнинг кўп қисмини очиқ ва ярим очиқ айвонлар эгаллайди. Ҳар бир зона ўзининг табиати, иқлим шароити билан бир-биридан ажралиб туради. Бу эса меъморчиликда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, чул зоналарида уйлар ҳамма томони берк кичик ҳовлилардан ташкил топган бўлса, водийларда уйларни кенг баҳаво ярим очиқ ҳовлилар қамраб олган. Тоғларда эса яхлит композициядаги уйлар қурилган. Шунингдек, халқ турар жой меъморчилигида қўлланиладиган қурилиш материаллари ҳам ўша жой табиий ресурсларидан келиб чиққан. Жумладан, чулларда пахса, хом ғишт, водийларда дарахтзорларнинг мавжудлиги синч дсворни кенг қўллашга имкон берган. Тоғларда тош кўплиги сабабли тош девор кўпроқ ишлатилган.


Ўзбекистон ҳудудининг чўл қисмида саҳро иқлимининг таъсири катта бўлган. Чўлларда ёз узоққа чўзилади. Ҳаво ҳарорати қуруқ ва жуда иссиқ бўлади. Тез-тез иссиқ шамоллар — гармселлар эсиб туради. Бу асосан Қорақумнинг жанубий шарқида Бухоро ва Сурхондарёнинг кам суғориладиган ҳудудларида Мирзачўл ва Қарши чўлларида аниқ сезилади. Ўзбекистон Шимолидаги чўл зоналарида киш узоқ ва совуқ келади. Шундай бўлишига қарамасдан Ўзбекистон ҳудудининг чўл районлари халқ тураржой меъморчилигида хоналарни кўпроқ иссиқ ҳаводан сақлаш чораларини қидиришган. Бунинг учун уйларни ҳамма томони берк кичик ҳовли тариқасида қуришга ҳаракат қилишган. Бунга Хоразм ҳовлилари мисол бўла олади. Хоразм ҳовлилари аксинча икки (ички ва ташқи хўжалик) қисмлардан иборат. Улар қалин ва баланд пахса девор билан уралган. Ташқи ҳовли атрофи хўжалик хоналар билан айланттирилган. Ички ҳовлида оддий хўжаликларда уч-тўрт хона, бадавлат оилаларда атрофи бўйлаб турархоналар жойлаштирилган. Уларда бир нечта оила яшаган. Ҳовлида ҳар бир оила учун бир ёки иккитадан айвон назарда тутилган. Бундай пайтда ички ҳовли девор ва айвонлар ёрдамида бир нечта қисмга ажратилган. Натижада ҳар бир оила ўзининг кичкина ҳовлисига ёки катта айвонига эга бўлган.

Хоразмнинг анъанавий уйларида хоналарни қишки ва ёзги гуруҳларга ажратишган.


Ёзги хоналар гуруҳи кўпроқ шимол ва шимолий шарққа қаратилган бўлиб баланд-баланд айвонлардан ташкил топган. Бу айвонлар уй тоmidан анча кўтарилган бўлиб, улар эсаётган шамол йўлини тўсиб ҳовлига йўналтиришга мўлжалланган. Айвонларнинг бир томони очиқ бўлиб, ўрта қисмида битта уймакорлик қилинган баланд устун жойлаштирилган. Қишки хоналар ёзги хоналар қаршисида қурилган. Улар композициясида ҳам айвонлар бўлган, лекин улар ёзги айвонлардан ўзининг пастқамлиги билан ажралиб туради.

Хоналарни қишки ва ёзги гуруҳларга ажратиб, уларни қулай иқлим йўналишига қаратишни Бухоро воҳалари тураржой меъморчилигида ҳам кўрамиз. Бухоро турар уйларида ёзги хоналар қишки хоналарга нисбатан баланд ва катта майдонга эга бўлган. Улар асосан шимол томонга қаратилган. Шунингдек, хоналар томи атрофи бўйлаб,

торғина ва пастҳам айвончалар қурилган (1-расм). Олимларимиз хоналарни қишқи ва ёзги гуруҳларга тақсимлаб ҳар қайсисини қулай иқлим шароитига қаратишни Эрон, Ироқ ва бошқа шарқ давлатлари меъморчилигида мавжудлигини кузатишган.



1-қават



2-қават


1-расм. Бухоро, уй тархидан нусха; А-ташқи ҳовли; Б-ички ҳовли:

- 1 — даҳлиз; 2 — ёзги хона; 3 — қишқи хона; 4 — мадон (ювиниш хонаси); 5 — меҳмонхона; 6 — ошхона;
7 — шохнишин; 8 — отхона; 9 — омборхона.

Саҳро (чўл) зоналарида иложи борича ҳовли қисмларини кичрайтиришга ҳаракат қилишган. Бу ҳолни В. Воронина ўлчаган Хива уйида яққол кузатишимиз мумкин (2 расм). Ҳовли ҳамма томонидан хоналар билан айлан-

тирилган, ўрта қисми эса иккига бўлинган бўлиб, бир қисми ёзги айвон, иккинчи томони қишки айвон билан ёпилган. Ҳовлининг сезиларли даражада кичрайишини Бухоронинг чанг тузон тез-тез кузатиладиган воқаларида ҳам учратиш мумкин.

Қаршида ҳам уйлар қичик ҳовли, хона, даҳлиз ва хонадан иборат бўлган. Улар кўпроқ шимол ва жануби-шарқ томонларга қаратилган. Айвон кам қўлланилган. Бўлган тақдирда хоналар оралигида, уй бурчагида қурилиши мумкин.



2-расм. Хива, Ёқубов уй тархи:

1-кириш жойи; 2 — даҳлиз; 3 — терс айвон; 4 — улу-айвон;
5 — сарой; 6 — меҳмонхона; 7 — ёнбош уй; 8 — ошхона; 9 — ҳаров
(тегирмон).

Ўзбекистоннинг жанубий қисмида очиқ ҳовлига кўпроқ эътибор берилган. Бу ерларда хоналар тўғридан-тўғри ҳовлига катта-катта деразалар ва тобдонлар билан қаратилган. Хонада салқин ҳароратни сақлаш учун кундузи

деразалар ёпиб қўйилган, кечқурун эса очиқ қолдирилган. Натижада хонада ҳаво алмашилиш жараёни рўй берган. Бундай уйларни Бухоро воҳасида учратамиз. Сурхондарё чўл зоналарида турар жой меъморчилигида икки томонлама ҳаво алмаштириш системаси кузатилган. А. Маҳкамовнинг ёзишича хона орқа деворининг пастки қисмига ўрнатилган кичкина туйнук орқали салқин ҳаво кирган. Эшик ва дераза устидаги тобадонлардан хонадаги иссиқ ҳаво чиқиб турган.

Текис географик районларда, водийларда хона эшиги устида панжарали тобадон ўрнатиш кенг одат бўлган. Тобадон ёғочдан, ганчдан бўлиши мумкин. Панжарали тобадоннинг ҳам хона ҳароратини салқин сақлашда хизмати катта. У қуёш нурунинг хонага тик тушишини қайтаради, шунингдек хонада доимий ҳаво алмашилиб туришига имкон беради, Сурхондарёнинг Саловат қишлоғида, Қашқадарёнинг Қарши ноҳиясида, Тожикистон, Туркменистоннинг жанубий ноҳияларида гумбазли уйлар кенг учрайди. Мазкур районлар ўзининг иқлим шароити жиҳатидан бир-бирига ўхшашлиги, яъни ёз ойларининг жазирама иссиқлиги ва илиқ ҳаво, гармсел шамолининг тез-тез эсиб туриши билан қолган ноҳиялардан фарқ қилади. Бундай жойларда хона ҳароратини нормаллаштириш учун уйлар гумбаз билан ёпилган. Гумбаз текис томга нисбатан ўзининг силлиқ ва қия сирти билан шамолининг тусиқсиз айланиб ўтишига ёрдам берган. Шунингдек, гумбаз юзаси эгри чизиққа эга бўлганлиги учун қуёш нури унинг ҳамма томонига бир вақтда тик тушмайди. Натижада хона ичидаги ҳарорат узоқ вақтгача бир хил бўлади. Шунини ҳам айтиш керакки чўл зоналарида ёзда хонада салқин ҳароратни, қишда иссиқ ҳавони сақлашда айвонларнинг мавжудлиги, хоналарни қишки ёзгига ажратишдан ташқари бошқа омилларнинг ҳам таъсири эътиборга олинган. Жумладан, чўл зоналарида қурилиш материаллари сифатида асосан пахса девор ёзда дала иссиқ ҳароратини секин ўтказган. Қишда эса хонада иссиқ ҳавони узоқ сақлаш имконини берган. Ўрта Осиё халқ меъморчилигида томга вассалар устида бордон бўйра ёки қамиш қиёқ ётқизишган, сўнг устидан тупроқ тўкиб сувашган. Қамиш қадимдан халқ меъморчилигида хонада иссиқликни (изоляцияси) сақловчи материал сифатида ишлатилган.

Хона поли сатҳига хом гишт ётқизилган. Пол остида полиз-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун ўралар қол-

диришган. Шунингдек, салқин ҳароратни сақлаш учун хона поли остида ертўлалар қазилган. Хоразмда қишқи хонада иссиқ ҳавонинг узоқ сақланиши учун унинг поли бошқа хоналар сатҳидан пастроқ қилинган. Хонанинг ёзда салқин, қишда иссиқ бўлишида туйнук, деразаларнинг кун чиқиши ва ботишига нисбатан қаратилиши, яъни ориентацияси, катта-кичиклиги ҳам аҳамиятли бўлган. Шунингдек хона деворлари юзасининг катта-кичиклиги ва қуёш чиқишига қаратилиши ҳам катта аҳамиятга эга, жумладан, кўпгина ноҳияларда шамол эсадиган томонга хонанинг қисқа деворини қаратишган. Хоналарни қуёш тафтидан асраш учун ҳам худди шундай тадбир қўлланилган. Шунингдек, уйнинг қуёшга қараган томонига дарахтлар ўтказиб уйни қуёш тафтидан асрашган. Уй ҳажмининг кичик-кичик шакллардан ташкил топишига ҳам эътибор беришган. Уйларнинг бир-бирига қўшилиб кетиши ҳам хона ҳароратини нормал сақлашда ижобий роль ўйнаган. Хонадон фарзандлари улғайиши билан эски уй ён деворига қўшилган ҳолда, ёки бироз жой қолдирилиб ўша қаторда янги уй қурилган. Шу тариқа қишлоқ композициясида кўчалар ташкил топган. Икки томони уйлар билан чегараланган тор кўчалар ҳам муҳитни гармсел, совуқ шамоллардан сақлашга ёрдам берган. Кўчалар қишлоқ шароитини, боғлар ҳовли шароитини яхшилашда катта ёрдам кўрсатган. Шунинг учун сув билан таъминланган қишлоқларда уй орқа ёки олд қисми боғ билан туташиб кетган

Текис чўл зоналарида уй тарзи, умумий кўриниши, композицияси оддийлиги билан ажралиб турган. Кўпинча кўчага уйнинг паст-баланд ҳажмлари девори чиққан. Уларнинг тарзи кириш эшиги ва бўртиб чиққан соябони билан жонлантирилган. Шамоли кучли эсадиган ноҳияларда томлар бўғотсиз ишланган. Хива уйларида катта айвон ўзининг жойлашиши, ўймакорлик қилинган баланд устун билан ҳовли композициясини безаб туради. Ташқи томонида минорадек кўтарилган айвон уйнинг қолган қисмларини ўрта марказ билан бир хил бўлишини таъминлайди.

Бухоро уйларида ҳовли композицияси жуда чиройли айвонларнинг узун устунига нақшлар уйилган, дераза ва эшикни хоналар ва улар устига чиқарилган айвончалар ўзаро мутаносибликлари билан киши диққатини ўзига жалб қилади. Ташқи томони эса иложи борича берк

қурилган бўлиб, кўпроқ баланд қўрғонни эслатади. Унинг асосий тарзи (фасади) юзаси фақат ўймакорлик қилинган дарвоза ва иккинчи қаватда жойлаштирилган бағдоди эшиклар ҳисобига уйғунлаштирилган.

Шаҳардан ташқарида ва қишлоқ жойларда қурилган қўрғонлар девори юзаси ташқаридан геометрик, ўсимликсимон нақшлар билан тўлдирилган. Бурчаклари минорага ўхшаб кетган гулдасталар билан чегараланган, қолган қисмларида ҳам ҳар тўрт метр оралиқда гулдасталар жойлаштирилган.

Хива қўрғонларида гулдасталар ўзининг кентлиги, усти гумбаз шаклида тутаганлиги сабабли минораларга ўхшаб кетади. Самарқанд қўрғонлари деворларидаги гулдасталарининг анча нафислиги ва ихчамлиги, манзаралилиги билан фарқ қилади. Нақшлар айлана, тўғри тўртбурчак учбурчак ва ромб шаклида ўйилади.

Шундай қилиб чўл зоналари халқ меъморчилигида уйларни ёзнинг иссиқ ҳароратидан, қишнинг қаҳратон совуғидан асраш учун барча чора-тадбирларни яратишган. Бу иморатнинг композициясида, айвонларнинг жойлашишида, ҳовлиларнинг катта-кичиклигида, қурилиш материалларида, уйларнинг жойлашишида ўз ифодасини топган.

ТОҒОЛДИ ВОҲАЛАРИ ВА ВОДИЙЛАРИДАГИ УЙЛАР

Водий ва тоғолди районлари яхши иқлим шароитга ва қулай ландшафтга эга. Бу ноҳияларда ёзнинг иссиқ кунлари деярли қисқа, қиш ҳам илиқ келади. Водий ва тоғолди районларининг қулай иқлим шароити халқ тураржой меъморчилигида инobatга олинган. Бу жойларда баҳаво боғ ҳовлидан фойдаланиш қўл келган. Шунинг учун водий ва тоғ олди воҳалари уй композициясида ҳовли асосий ўринни эгаллайди. Бу жойларда ҳовлидан ёз ойларида ҳам кун бўйи фойдаланилади. Шунинг учун водий меъморчилигида уйларни ҳовлисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳовли нафақат холи ҳаёт кечиришга, балки яна иқлим ва табиат билан боғлиқ бўлган кўпгина тадбирларни ҳам мувафаққиятли ҳал этишга имкон берган. Ҳовли хоналарни ташқи муҳитдан сақлаган, хоналарда эрталабки салқин ҳавонинг узоқ сақланишига ёрдам берган, ҳамда хонадоннинг кўча шовқинидан осойишталигини, холилигини таъминлаган. Ҳовли атрофи бўйлаб хоналарга кириш эшиклари фақат эрталаб, кечкурун очил-

ган. Куннинг иссиғида улар ёпилган, хона анча салқин, бўлган. Қишда эса эшиклар ёпилиб хонага совуқ ҳаво киришидан сақланган. Водийларда, тоғ олди воҳаларда ҳам ҳовли яшаш хўжалик қисмларга ажратилган. Ҳовли бир неча қисмга ажратилган. Очиқ майдон кўпроқ уй олдида бўлган. Ҳовли уй олди очиқ майдони ва йўлаклари пишиқ ғиштдан супа шаклида кўтарилган. Бу ҳовлининг боғ қисмини майдондан ажратган. Шунингдек, ҳовлининг саранжом-саришта ҳамда тантанавор бўлишига ёрдам берган. Унда сўри-кроватьлар ўрнатилиб ёз ойлари дам олишган. Ҳовлининг ўрта қисми боғ, гулзор ёки полиз вазифасини ўтаган. Ҳовли атрофи бўйлаб йўлаklar қолдирилган. Водийларда уй ҳовлилари (яшаш, хўжалик, боғ-ҳовли) бир-бирига туташган ҳолда келиши мумкин. Бундай уйларда боғ ҳовли уй орқасида, ёнида жойлашган бўлади. Хўжалик ҳовли ҳам икки ҳовли оралиғида уй орқа деворига туташган ҳолда қурилган.

Фарғона водийсида турар уйлар ҳовлининг бир ёки икки-уч томонини эгаллайди (3-расм).




3-расм. Кўқон уй тархи:

I — ташқи ҳовли; II — ички ҳовли; III — иккинчи қават.

1 — дарвозахона; 2 — омборхона; 3 — ошхона; 4 — даҳлиз; 5 — хона;
6 — айвон; 7 — меҳмонхона; 8 — долон; 9 — устакхона.

Ҳовли композициясида уйнинг асосий қисми ўзининг ҳашамлари, салобатлилиги билан ажралиб туради. Ҳовлининг қолган қисмлари анча оддий, ташқи томон композицияси ҳам оддий, фақат дарвозалар, айрим ҳолларда дарвозахона устида раволи айвонлар мавжуд.



4-расм. Фарзона Шайхатола қишлоғи. Уйнинг тарзи
 1 — хона; 2 — даҳлиз; 3 — айвон; 4 — меҳмонхона; 5 — ошхона;
 6 — омборхона; 7 — молхона.

Фарғона уйлари тузилишида кўпроқ икки хона даҳлиз ёки чуқур айвон ёки учаласи ҳам ҳовли томонидан узун пешайвон билан тўзилган ҳолда келади. Ёз ойларида хонадон кўпроқ пешайвонда ўтирган, баҳор ва куз ойларида икки хона ўртасидаги айвонда кунни ўтказган. Айвон кўпинча кўтарилиб тушириладиган ёғоч панжара равон билан тўзилган. Фарғона водийсида пешайвонлар кўпроқ шарққа қаратилган. Ёзда хоналарга қуёш нури фақат эрталаб тушган. Хоналарнинг айвон билан туташган ён деворлари мағзида ўчоқ жойлаштирилган. Фарғона тоғ олди қисмларида ҳам уй тархи худди шундай бўлган. Бу ерда ҳовли кичикроқ бўлиши мумкин. Шунингдек рельеф қиялиги ҳисобига ҳовли паст-баланд қисмларга бўлиниб бир неча ярусда қурилиши мумкин. Тоғ ёнбағирларида хоналар нисбатан кичикроқ, улардаги деразалар ҳам кичикроқ бўлган (4-расм).

Тошкент тураржой меъморчилигида даҳлиз бир хона билан ёнма-ён икки хона оралиғида ёки уч хона бурчагида бўлади. Айвон ҳам бир хона ёнида, икки хона ўртасида, икки-уч хона бурчагида қурилади. Шунингдек юқорида келтирилган тарздаги уйлар олд томонидан торроқ айвон билан бирлаштирилган ҳоллар кўп учрайди. Айвон ва даҳлиздан иборат бўлган уйларда даҳлиз кўпинча айвонга яқин солинади. Қашқарча айвон ҳам худди оддий айвондек бир хона ёнида, икки хона оралиғида, иморат бурчагида қурилган. Қашқарча айвони бўлган уйларнинг оддий айвони ҳам бўлади. Оддий айвон қашқарча айвон билан ёнма-ён қурилиши ҳам мумкин ёки уй олди бутунлай узун айвон билан умумлаштирилган ҳовлиларни кўп учратамиз. Тошкентда ҳам ташқи ҳовли уйлари кўпинча икки қаватлидир (5-расм).

Тошкент ҳудуди пастқам тоғ ва тоғ олди зоналарида яшаш хоналари ҳовлининг бир ёки икки томонини эгаллаган. Бу ерда худди Фарғонадагидек икки хона ўртасида чуқур айвон ва учаласи ҳам ҳовли томондан узун пешайвон билан бирлаштирилган бўлиши мумкин (6-расм). Тошкент тоғ ва тоғолди қисми халқ турар уйлари тархида томонлари тенг катта хона назарда тутилган. Бу хонада кўпроқ эртабаҳор ва кузда ўтиришган. Сурхондарё, Қашқадарё тоғолди зоналарида хоналар узунасига бир қаторда жойлаштирилиб олди узунасига пешайвон билан бирлаштирилган. Бу ерда ёзги — қишки хоналар бир-биридан ён деворида жойлаштирилган ўчоқ билан ажралган.




5-расм. Тошкент. Уйнинг умумий кўриниши.

Шунингдек, қишки хоналарда деразалар кичикроқ бўлган. Водийларда уйнинг яшаш хоналари катта-катта деразалари ёки баланд пешайвон билан ҳовли томон очилган.

Водийларда ва тоғолди ҳудудларида ҳам хоналарнинг ёзда салқин, қишда иссиқ бўлиши учун талайгина чора тадбирларга эътибор беришган. Биринчи навбатда ҳовлиларда сўри, шийпон алоҳида ўринни эгаллайди. Шийпонлар кўпроқ тўрт томони очиқ ҳолда қурилган. Фарғона водийсида бир ёки икки томони ойнабанд қилинган токча, тахмон жойлаштирилган шийпонларни кўрамиз. Андижонда бурчак устунлари билан 2—3 м га кўтарилган шийпонлар — баланд сўрилар ҳам учрайди. Шунингдек, дарвозахона устида қурилган шийпонларни Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида кўрамиз. Усти очиқ сўриларни томга кўтарилган ток ишқомлари тагига ўрнатишган. Сўри, шийпонлар ҳовлининг боққа яқин қисмида моҳирлик билан бир-бирига боғлиқ ҳолда жойлаштирилган бўлиб, ҳовли композициясига тантанаворлик бағишлаган.

Ҳовлиларнинг ёзда салқин бўлишига сув тармоқларининг аҳамияти катта бўлган. Шунинг учун ҳовлидан сув



6-расм. Тошкент, Пском қишлоғи. А-биринчи қават.

Б-иккинчи қават:

- 1 — хона; 2 — айвон; 3 — меҳмонхона; 4 — ошхона; 5 — омборхона; 6 — дарвозахона; 7 — долон; 8 — молхона; 9 — ўтинхона.

оқиб ўтишига алоҳида эътибор берилган. Бу ўринда Нурота шаҳри ҳовлилари қизиқарлидир. Шаҳар халқи қадимдан табиий чашмадан сув ичган. Чашма бутун шаҳарни сув билан таъминлаган. Чашма суви тўрт ариққа тақсимланиб, ҳар бир ҳовлини кесиб ўтади. Айрим жойларда эса кучага оқиб кичкина ҳовузчага қуйилади.

Сув танқис қишлоқ ва маҳаллаларда хонадонлар ўз ҳовлисида, яъни кўпроқ уй олди майдонининг полизга ўтиш жойида қудуқ қазишган. Бу қудуқ суви полизни суғориб туришга ҳам қулайлик туғдиради.

Водийларда ҳовлининг кириш қисми дарвозахона ва усти болохона шаклида қурилган. Дарвозахона куча қисмининг икки ёнига кичкина супача қурилади. Икки табақали уймакорлик билан безатилган дарвоза бироз



а)



б)



в)



г)



д)

7-расм. Халқ меъморчилигида уйлардаги асосий кириш қисмининг оригинал шаклларда ечилиши.
а), г) "дарвозахона"; б) "болохона", в) "долон"; д) "соғабон" услубида

ичкарига томон силжитилган. Устки қисми ҳам шаклдор тўсинлар билан бўртиб чиққан соябон каби ишланган. Соябон ўзининг функционал вазифасидан ташқари, ўз сояси билан дарвозахона композициясини жонлантириб юборган (7-расм). Умуман дарвозахоналар нафақат уйга, балки кўча ҳуснига ҳам ҳусн қўшган. Шунингдек ҳовлини қишнинг совуқ шамолидан, ёзнинг жазирама иссиғидан асраган.

Дарвозахоналарни тоғ олди қишлоқларида ва ҳатто тоғ меъморчилигида ҳам кўриш мумкин. Ҳозгон қишлоғида дарвоза устида ҳовлига очилган кичкина айвон — токчани учратиш мумкин. Унда ҳар хил хўжалик буюмлари сақланган. Дарвозахона ўзининг вертикаллиги билан уй композициясига кўчадан ажойиб кўркемлик бағишлаш билан бирга кичкина антресол — омборча вазифасини ҳам утаган.

Ўзбекистон иқлим шароити ҳовлида ёзги ошхона бўлишини тақозо қилади. Шунинг учун ҳар бир хонадоннинг қишки ошхонасидан ташқари ёзги ошхонаси бўлган. Ёзги ошхоналар ҳовлининг бир бурчида турар уйга яқин, у билан бир қаторда, ён қисмидан қўшилган ҳолда учрайди. Уларнинг томи бутунлай ёки қисман ўртаси тўғри тўртбурчак шаклида бироз кўтарилган бўлиб, ён деворларига учбурчак, тўртбурчак, квадрат шаклида, бирикки, уч-тўрт қатор хаштияк-тешикчалар қолдирилган. Улар ошхонадаги тутуннинг чиқиши учун мўлжалланган. Шу билан бирга нафақат ошхона, балки бутунлай уй композициясини ҳам ҳовли, ҳам кўча томондан жонлантириб юборган.

Ўзбекистон ҳудудининг кўп ёмғир ёғадиган воҳаларида, жумладан, Тошкент вилояти тоғолди районларида, Шаҳрисабзда уй деворини намдан асраш учун том бўғотини девордан анча ташқарига чиқаришган. Тошкент вилояти тоғолди турар жой меъморчилигида том бўғоти бир метргача ташқарига чиқарилган уйларни учратиш мумкин.

Мазкур ноҳиялар турар уй томи қатламлари қалинлиги 0,5 метрдан ошган. Ёгингарчилик кам кузатиладиган ноҳияларда том қалинлиги 15—20 сантиметрни ташкил қилади. Бунга Хива уйлари мисол бўла олади. Томнинг қалинлиги уй деворининг мустаҳкам бўлишини тақозо қилади. Шунингдек, ер қимирлаш хавфи сезиладиган ноҳияларда деворнинг қалин, мустаҳкам бўлишига эътибор беришган. Жумладан, Фарғона водийсининг Марғилон,

Қўқон, Наманган шаҳарлари 8 баллик, Тошкент 8 баллик ер қимирлаш тизимига киради. Шунинг учун бу жойларда уйларнинг тўрт девори ҳам қўш синч (икки қатор) қилиб қурилган.

Синч деворли уй водий ва тоғолди халқ меъморчилигида кенг қўлланилган. Синч девор хонанинг кенг, баланд умуман баҳаво бўлишини таъминлайди. Унда чириган ёки шикастланган қисмларини алмаштириш осон бўлган. Бундан ташқари, улар токча, тахмон ўрнатишга қулайлик туғдиради. Синч девор якка синч, қўшсинчли бўлиши мумкин. Токчалар қўшсинч томонда ўрнатилган. Синчдевор юқорида уқтириб ўтилган ижобий томонлардан ташқари, ер қимирлашга бардошлидир. Қўшсинч деворнинг бурчак ва ўрта устунлари ховон ва пушталар билан мустаҳкамланади. Ховон ва пушталар девор конструкциясини кўндаланг йўналишдаги ер қимирлашларга бардошли қилади. Демак, синчдевор чўзилиш, эгилиш ва сиқилиш, деформацияланиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё халқ меъморчилигида синч девор кенг қўлланилган.

Водийларда уйлар ташқи ва ички томондан анча бой композицияга эга. Дарвозахона ташқи томонидаги супачалар, соябонлар, панжаралар, дарвоза устидаги болохоналар, шийпонлар уй композициясини жонлантириб юборади. Уйларнинг ҳовли қисми ҳам узининг баланд айвонлари ва уларнинг уймакорлик қилинган устун, эшик, тобадонлари ҳисобиغا шинам композицияни ташкил қилади.

Тоғолди турар жой меъморчилигида ҳовлиларнинг гузал, шинам, киши кўзига жозибали кўринишига мўъжаз меъморий шаклларнинг ҳам таъсири катта. Шулар қаторига иккинчи қаватга чиқиладиган ёғоч зинапоя, йўлаклардаги зина ва ҳовлини кесиб ўтган ариқча устидаги кўприкчалар, ҳовузчалар киради. Улар ҳам халқ меъморчилигида дид билан ишланган.

Фикримизнинг охирида шуни айтиш керакки, ота-боболаримиз водий иқлим шароитининг мўътадиллигидан унумли фойдаланишган. Хоналарни кенг баҳаво қилиб қуришган. Уларни баланд айвонлар билан ҳовли манзарасига боғлашга ҳаракат қилишган.

Тоғолди тураржой меъморчилигида ҳам табиатнинг таъсири инобатга олинган. Ҳовлилар кичик қияликлар ҳисобида бир-биридан зина шаклида кўтарилиб борган. Турар хоналар ҳовлининг энг юқори қисмида қурилган.

Бундай пайтда турар хоналарга қишда совуқ шамолнинг таъсири бўлган. Шунинг учун ҳам тоғолди ҳудудларида турар хоналар водийлардагига қараганда кичикроқ ва деразалар ҳам кичик ва камроқ қўйилган.

ТОҒЛИ РАЙОНЛАРДАГИ УЙЛАР

Ўзбекистон ҳудуди тоғ қисмининг иқлим шароити чўл, водийларга нисбатан ўзгача бўлади. Тоғларда ёз иссиқ келади, лекин қиш узоқ ва совуқ бўлади. Шунинг учун ҳам текисликлардаги уйларда хоналарни ёзнинг иссиғидан асрашга чоралар кўрилган бўлса, тоғ халқ меъморчилигида аксинча хоналарни қишнинг совуғидан муҳофаза қилишга алоқида эътибор беришган.

Тоғ уйлариغا хос хусусиятлардан асосийси уларнинг компактлигидир, улар ихчам ва берк композицияда қўрилган. Масалан, Қашқадарёнинг тоғ уйларида ихчам яхлит, композиция яққол сезилади. Улар ўртадаги айвон атрофида жойлаштирилган 3—4 хонами ташкил қилади. Сурхондарёнинг кўпгина баланд қишлоқларида бир қаторда жойлаштирилган 3—4 хона олди узун пешайвонга эга бўлган, лекин пешайвоннинг икки ёни ва икки бурчак қисми олд томондан девор билан тўсилган. Натижада узун айвоннинг фақат ўрта қисмигина очиқ бўлган. Шунингдек, айвон кўпроқ қуёш чиқиш томонга қаратилган. Қашқадарё, Сурхондарё тоғ меъморчилигида ҳам қишки ва ёзги хоналар бўлган. Айвон тўғрисидаги хона қишки хона бўлиб унинг ён деворида ўчоқ-мури ўрнатилган.

Тоғ дараларининг юқори қисмида жойлашган қишлоқ уйларида айвон жуда кам ишлатилган. Бунга Сурхондарёнинг Хўжа Асмин қишлоғи мисол бўла олади. Бу ерда хоналар оралиғида айвон деярли ишлатилмаган, лекин ингичка пешайвон учраб туради. Кўпчилик уйларда хоналар ҳовлига тор қисми билан чиқарилган. Узун девори билан ҳовлига қаратилган уйларда хоналар жуфт бўлган. Иккала турдаги уйда ҳам ҳар бир жуфт хона оралиғида узун долон — коридор қолдирилган. Бу узун долон икки томондаги хоналарга кириш имконини беради. Иккала турдаги тархда ҳам уй яхлит томонлари бир-бирига яқин композицияни ташкил қилади. Хоналарнинг қисқа деворини ташқарига қаратишдан мақсад уларни қишнинг бўронли шамолидан асраш бўлган.



Нурота тоғ қишлоқларида кўпроқ икки хона ўртасида дахлиали тарх кенг тарқалган.

Тоғ меъморчилигида деразалар ўрни жуда кичик ҳолда қолдирилган. Тоғ баландлиги ошгани сайин деворларда дераза ўрнатиш йўқолиб боради. Ўрнига шифтда каттагина туйнук қолдириш анъанаси ривожланган. Юқори Зарафшон тоғ меъморчилигида "мур" деб аталувчи қишки хона уйнинг тўрида жойлаштирилиб, унда дераза умуман қўйилмаган. Томда туйнук қолдириш одати асримиз бошларида ҳам Нурота тоғ меъморчилигида бўлган. Бу ерда шифтдаги туйнук "токчи сар" дейилган. Ёгингарчилик пайтида унинг қопқоғини ёпиб қўйишган. Бу анъана қадим замонларда Ўрта Осиёнинг кўпчилик ноҳияларида бўлган, лекин кейинчалик йўқолиб борган.

Томда туйнук қолдириш анъанаси ҳозирги кунда ҳам Тоғли Бадахшон меъморчилигида мавжуд. Бу ерда турар хоналар жуда катта бўлади. Хона юзаси 100 м² дан зиёд бўлиши мумкин. Хона ўртасидаги пастлик пойгоҳ вази-фасини бажарган. Унинг атрофи бўйлаб поли сатҳи ҳар хил баландликдаги суфалар ёрдамида бир неча қисмга бўлинади. Бу уйда меҳмон ўрни, оила аъзолари ўрни аниқ ажратилган. Хона ўртасида бешта, Қоратегин, Дарвозда учта устун бўлган. Хона шифтида устунлар оралигида туйнук устма-уст жойлаштирилган ёғоч квадратлар ёрдамида қурилган. Квадратлар юқорига кўтарилган сайин кичрайиб борган ва бир-бирига нисбатан (диоганал) кўндаланг қўйилган. Натижада устунлар орасида ўртаси очиқ ёғоч гумбаз пайдо бўлган (8-расм). Бундай уйларда хона ҳавоси вертикал йўналишда алмашган. Хонада ҳамма вақт тоза ҳаво сақланган.


Тоғларда уйлар баландлиги текисликлардагига нисбатан пастроқ қилиб қурилган. Помирда эса уй поли ер сатҳидан анча пастга туширилган. Бу тадбир хоналарни қишнинг совуқ шамолидан асрашга, шунингдек хонада илқ ҳавонинг узоқ сақланишига ёрдам беради.

Тоғ меъморчилигида ўша жой ландшафтининг, рельефининг таъсири катта бўлган. Рельефи оғир қишлоқларда катта оилали хўжаликларнинг уйлари бир-бирига туташиб кетади. Натижада уй мураккаб комплексни ташкил қиладди. Уй комплексида хўжалик ва турар уйлар бирикиб кетади. Шундай бўлишига қарамасдан қишлоқ комплек-



8-расм. Тоғли Бадахшон. Шугнон. Бидез қишлоғи. Уйнинг умумий кўриниши ва тархи.
 1 — асосий хона — чид; 2 — даҳлиз; 3 — айвон; 4 — меҳмонхона;
 5 — ошхона; 6 — уй, дон сақлайдиган хона.

сидаги ҳар бир уйда турар хоналар, уй майдони, салобатлиги ва жойланиш жойи билан ажралиб туради (9-расм).



9-расм. Қашқадарё. Жавз тоғ қишлоғи. Уйнинг умумий кўриниши ва тархи
1 — хона; 2 — даҳлиз; 3 — ошхона.

Тоғ зоналарининг текисроқ жойларида уйлар ҳамма томони берк ҳовли тариқасида қурилган. Тоғ ёнбағрининг қияроқ жойларида уйлар зина шаклида икки-уч қават қилиб қурилган. Тоғли районлардаги халқлар кўпинча чорвачилик билан шуғулланишган. Бунинг таъсири меъморчиликда ҳам ўз ифодасини топган. Уйларнинг пастки қаватлари бутунлайича чорва молларини ва уларнинг емишларини сақлашга ажратилган. Яшаш хоналари юқори қаватда жойлашган. У ўзининг тузилиши, салобатлиги билан пастки қаватлардан ажралиб туради.

Тоғларда сойнинг икки ёни боққа айланттирилган. Хўжаликлар баҳорда боғга кўчиб ўтишган, кузда яна қишлоққа — қишки уйларига кўчиб чиқишган. Боғда боғхоналар қуришган. Боғхоналар кўпинча айвон, хона ёки айвонли хонадан иборат бўлган. Айрим хўжаликлар боғнинг бир бурчагида қишки уйлар ҳам қуришган. Мисол тариқасида Нуротадаги Синтаб қишлоғининг юқори қисмида жойлашган Э. Тўлибоев уйини келтирсак бўлади. Боғхона икки турархона ва айвондан иборат. Уларга олд томондан ошхона, омборхона қўшилган (10-расм).



10-расм. Нурота. Синтаб тоғ қишлоғи. Боғ уйининг умумий кўриниши

Тоғликларнинг уйлари сой бўйидан анча баландда бўлишига сабаб, биринчидан сой бўйидаги суғориладиган ерларни боққа айлантиришга, иккинчидан селдан сақланишига имкон берган. Шунинг учун қишлоқ уйлари тоғ ёнбағрига чиқарилган. Бундай пайтда уйларнинг олдини, тарзини, асосан, сой, яъни қиялик томон қаратишган, чунки биринчидан рельеф имкон бермаган, иккинчидан тоққа қаратилган тақдирда уй олди, яъни ҳовли қор билан тўлиб, уйга ёмғир сувлари оқиб кириши ҳам мумкин. Демак, тоғ қишлоқларида уйни қайси томонга қаратишга рельефнинг ҳам таъсири бўлган.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки совуқ шамол кўпинча дарз бўйлаб эсган. Тоғ ёнбағридаги уйларнинг ён томони шамолга қаратилган. Бу эса уйнинг асосий қисмини, яъни олд томонини, шамолдан асраш имконини беради. Ундан ташқари доимий кузатиладиган шамол йўналишини қўшимча хўжалик хоналарнинг қўшилиши билан тўғридан тўғри уй олд қисмини елиб ўтадиган қишнинг совуқ шамолидан асраш имконини беради.

Уйлар ўта зич қурилган қишлоқларда кўчаларнинг кўпгина қисми узун долон шаклидаги томга эга бўлган. Хонадонлар кўча томининг ўзларига яқин қисмига супа, енгил айвонлар ўрнатишган. Умуман кўча тоmidан ҳам унумли фойдаланишган. Кўчанинг айрим қисmlарини том билан тўсиш каби тадбирларни Фарғона водийсининг Ашт тоғ қишлоғида, Фалғар воҳасининг Хўжакент ва бошқа қишлоқларида учратдик. Бу тадбир нафақат қурилиш учун ер тежашни, балки қишлоқ иқлим шароитига ҳам таъсири бўлган. Жумладан, совуқ шамолни қайтарган, қишлоқ иқлимининг бироз мулойим бўлишига ҳам сабаб бўлган.

Ўзбекистоннинг кўпгина қишлоқларида уй орқасини узунасига долонга айлантиришган. Бундай пайтда уй томи давом эттирилиб рельеф устига ётқизилган. Бундай долонлардан омбор, ўтин сақлаш, айрим ҳолларда ошхона сифатида фойдаланилган. Уй орқасидаги долонлар уйни нафақат қўшимча хона, балки орқа томондан келадиган совуқ шамол, ёмғир сувларидан сақлаган. Долонлар хоналар ўртасидаги айвон билан ингичка йўлак (раҳрав) орқали ёки эшикли девор ёрдамида боғланган.

Ундан ташқари уйларни қор-ёмғир таъсиридан ва намдан сақлаш учун уйнинг уч томонини, яъни икки ён ва орқа томонини қўшимча пахса девор билан айлантириб ўраб чиқилган. Деворлар оралиғи 40—50 сантиметр бўлиб, усти ҳам том билан ёпилган. Бундай қўшимча деворни Сариосиёнинг Хуфар, Нилу қишлоқларидаги уйларда кўрамыз. Ички девор синч, ташқи девор пахсадан қурилган.

Тоғларда қурилиш материали сифатида синч, пахса, гувалалар ва тош девор ишлатилган. Нурота, Фориш, Қўшработ ноҳиялари дараларида тошнинг кўплиғи туфайли, тоғ қишлоқларида тош девор кенг қўлланилган. Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона тоғ қишлоқларида уй пойдевори тошдан қурилган. Унга синч деворнинг тагкурси қисми жойлаштирилган. Нурота тоғ қишлоқларида ҳам тош девор катта юзали хоналарда танҳо ишлатилмаган, чунки бундай хоналар деворини ҳам баланд қилиш керак бўлган. Бунда деворнинг мустаҳкамлиғи, сейсмик бардошлилиғи камаяди. Шунинг учун катта хоналар ички, айрим пайтларда эса қисман ташқи томонидан синч девор билан ёки хона атрофи бўйлаб деворга қапиштирилган ҳолда қўшимча устунлар билан айлантириб чиқилган. Тош уйлар ёз ойларида кундузи анча салқин бўлади. Кечаси

салқин туша бошлаши билан тош дсвор иссиқлик тафтини ўзидан чиқара бошлайди. Шунинг учун тоғликлар ёз ойлари боғда, қишлоқда қолган хўжаликлар уй айвонида ёки яшаш хоналари учун майдон вазифасини бажарувчи пастки қават томида ўрнатилган сўри — қаватларда дам олишган.

Тоғларда рельеф, шамолнинг йўналишидан ташқари сел, қор силжиши, тош қулашлари каби табиий офатларни ҳам эътиборга олишган. Улар уйни баланд хавфли тош қоялар остидан узоқроққа қуришган, чунки бундай жойларда ер қимирлаши натижасида тошлар думалаши мумкин. Шунингдек, шохобчаларнинг ўрта қисмида уй қуриш хавфли. Чунки ёмғир кўп ёққан йили кичкина шохобчалардан ҳам сел келиб уй пойдеворига зиён етказди.

Уй эгалари катта қияликда қурилган ўз уйлари орқасига узунасига хандақ қазिशган. Ёмғир суви уйга зиён қилмасдан хандақ орқали кўча ариғига қўшилиб кетган. Шундай тадбирларни тоғ ёнбағрининг энг баланд қисмида қурилган уйларда кенг қўллашган. Бундай хандақлар бутун қишлоқ учун ҳам аҳамиятли бўлган, яъни уйлар пойдеворига яқин жойдан тоғ ёнбағри бўйлаб узунасига ариқ ўтказилган. Натижада тоғдан оқиб кетаётган ёмғир, эриётган қор суви ариққа тушиб қишлоқ уйлари бўйлаб оқиб катта ариққа ёки боғларга қуйилган.

Тоғ халқ меъморчилиги ўзининг ташқи кўриниши билан ажралиб туради. Рельеф ҳисобига қаватма-қават жойлашган уйлар ўзаро боғланиб бир композицияни ташкил қилади. Улар бир-биридан орқага силжитилган бўлади. Шунинг учун ҳам қишлоқ уйларининг яхлит композицияси баланд уйларни эслатади. Уйларнинг айвонлари, дераза, эшиклари, қисмларининг бир-биридан баланд-пастлиги ва олдинга-орқага қараб силжитилганлиги билан қишлоқ умумий композициясини жонлантириб юбаради.

Тоғ халқ меъморчилигида ҳам майда меъморий шакллар киши диққатини ўзига тортади. Бу ерда ҳам ҳовлига чиқиш учун, боққа олиб тушувчи ёғоч ёки тошдан терилган пиллапоялари, биринчи қават томлари олд томони оддий ёғоч панжаралар билан ўралганлиги, бир неча ярусда ишланган таянч деворларнинг кенг қўлланилиши тоғ уйлари ҳуснига ҳусн қўшиб туради.

Шундай қилиб иқлими, рельефи оғир тоғ шароитида ҳам ота-боболаримиз яшаш учун қулай уйлар қуришган.

Тоғ халқ меъморчилигида даранинг иқлим шароити, рельеф, шамол йўналиши, табиий офатларнинг хавф-хатари эътиборга олинган. Шунингдек, тоғларда қурилиш сифатида бу ердаги табиий ресурслардан шу жумладан, тошдан унумли фойдаланиб шинам, чиройли композицияли комплекслар барпо этишган.

Ўзбекистон ҳудуди иқлим шароитини, табиатини инобатга олган ҳолда халқ тураржой меъморчилигини умумлаштириб уч турга ажратдик. Халқ тураржой меъморчилиги чўл, водий, тоғолди ва тоғли районларнинг иқлим шароитига, табиатига мос ҳолда ривожланган. Текисликларда ҳамма томони берк ҳовли уйлар, водийларда ва тоғолди районларда нисбатан очиқ ва ярим очиқ ҳовлили уйлар, тоғларда эса ихчам тарздаги уйлар қурилганлигининг гувоҳи бўлдик. Иссиқ иқлимли ҳудудларда уйни қуёш тафтидан, гармселлардан асраш учун иложи борича берк бўлишига ҳаракат қилишган.

Водийларнинг уй композициясида ҳовлининг роли катта бўлган. Хоналарга ҳовли томондан катта-катта деразалар ўрнатилган. Ҳовли боғзор, гулзорга айлантирилган. Унда сўри, шийпонлар жойлаштирилган. Тоғларда эса қишнинг совуғидан, совуқ шамоллардан асраш учун яхлит композициядаги уйлар қуришни лозим топишган. Тоғларда уй композициясининг яхлит бўлишига, шунингдек, рельефнинг ҳам таъсири бўлган, албатта. Бу ерда уй комплексида ёзги хоналар сони деярли қисқартирилган, уй деразалари кичрайтирилган. Турар хоналар атрофи хўжалик хоналари билан ўралган. Шунингдек, рельеф уй комплексини алоҳида-алоҳида бўлаклардан ташкил топишга ундаган. Бўлаклар рельеф ҳисобига бир-биридан олдинга — орқага бироз силжитилган, юқорига кўтарилган ёки пастга туширилган ҳолда қурилган. Бу эса ўз навбатида уй композициясини бойитган ва хоналарни совуқ шамолдан тўсиш имконини берган.

Тоғолди зоналарда ҳам рельефнинг таъсири бўлган албатта. Бу ерда ҳам уйлар композицияси ҳар хил бўлаклардан ташкил топган, лекин улар комплексида очиқ хоналар сони кўп бўлган. Шунингдек бу зоналарда очиқ ҳовлиларни яратишга эътибор катта бўлган.

Халқ меймончилигида кўриб ўтилган анъаналар замонавий уйларда ҳам ўз ифодасини топиши керак. Унда халқимизнинг турмуш тарзи, миллий таомили ва ижтимоий ҳолатлари эътиборга олинishi лозим. Ана шундагина замонавий уйлар халқ талабига жавоб бера олиши мумкин. Замонавий турар уй лойиҳаларида ҳудудимиз иқлим шароити инобатга олинishi керак, яъни чўл зоналари учун иложи борича ёпиқ композицияда, водий тоғолди зоналар учун очиқ ва ярим ёпиқ уйлар, ҳовлилар ва тоғ зоналари учун яхлит композицияли уйларни лойиҳалаш лозим. Албатта ҳар бир ноҳия учун бир неча вариантдаги уйларни лойиҳалаш мумкин, лекин уларнинг ҳар қайси-сида юқорида айтиб ўтилган принциплар ўз ифодасини топган бўлиши лозим.

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ УЙЛАРИ ВА ТУРАРЖОЙЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ


ҚИШЛОҚ УЙЛАРИ, УЛАРНИНГ ЖОЙЛАНИШИ ВА АРХИТЕКТУРАСИ

Замонавий қишлоқ қурилишида асосан уч хил кўринишдаги тураржой биноларини учратамиз: ҳовлиси якка ҳамда жуфт хонадонли туташтирилган (блокировкаланган) уйлар ва кўп хонадонли ҳовлисиз уйлар. Шулардан ҳозирги даврда республикамиз қишлоқ қурилишида энг кўп тарқалган уйлар типи — бу ҳовлили якка ва жуфт хонадонли (котэдж) уйлардир.

Ҳовлили якка ҳамда жуфт уйлар аксарият ҳолларда бир ва икки қаватли, бир ёки икки оилага мўлжалланган алоҳида жойлашган уйлардир. 11-расмда икки оилага мўлжалланган жуфт хонадонли ҳовлили уйга мисол келтирилган бўлиб, уй ташқаридан кўча, ичкаридан эса яшаш ҳовлиси, хўжалик иморатлари билан чегараланиб, боғ ва полиз экинлари учун жой ажратилган. Уй ҳовлининг бош қисмига жойлашган бўлиб, тархи ва асосий кириш жойи билан кўчага қаратилган. Бундай уйларда хоналарни қайси тарафга ориентация қилиш катта аҳамиятга эга бўлмасда, ошхона, айвон, яшаш ҳовлисининг ориентациясига эътибор берилиши керак. Умуман ҳовлили уйларнинг ориентациясини улар таркибидаги ёзги хоналарнинг ҳолатига қараб аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Иқлим шароити қулай бўлган районларда уйларнинг ёзги хоналарини жануб, жануби-шарқ ва шарқ томонларга ориентация қилиш лозим. Шимол томонга эса уйдан алоҳида турган, лекин ҳовли сатҳида жойлашган ёзги хоналарни ориентация қилиш мумкин.

Ҳовлили уйлар ҳозирги вақтда 3—6 хонали қилиб бир қаватла ёки 5—6 хонали қилиб икки қаватда жойлашган хонадонлар типда лойиҳаланмоқда. Икки қаватли уйларда зинапоя хонадон ичига жойлаштирилди. Бундай хонадонлар одатда кўп болали ёки катта, 2—3 авлоддан тузилган кўп оилаларга мўлжалланган бўлади.

Ҳовлили уйларни кўча қизил чизиғи (красная линия)дан 4—5 м ҳовли ичидан жойлаштириш ва уйдан кўча чизиғигача бўлган ер участкасига манзарали дарахтлар, майса ва гуллар экиб, уй олди "боғи"ни ташкил қилиш, лойиҳалаш тажрибасида ва айрим қишлоқларда амалий тураржой қурилишида ҳам қўлланилиб келинмоқда. Лекин



11-расм. Ҳовли иморатлари бўлган икки оилага мўлжалланган бир қаватли жуфт хонадонли тўрт хонали уй. "Узгипросельстрой" ишлаган типовой лойиҳа тарзи ва тархи:

1 — умумий хона; 2 — хоналар; 3 — ошхона; 4 — даҳлиз; 5 — айвон;
6 — хўжалик хонаси; 7 — ёзги ошхона; 8 — тандирхона; 9 — анж-
омлар ва ўтин сақлаш хонаси; 10 — молхона; 11 — товуқхона; 12 —
гараж; 13 — ҳовли; 14 — ишқом.


қурилишда ҳолларда, айниқса яқка тартибдаги тураржой қурилишида одатда бунга амал қилинмаётир.

Мутахассисларимизнинг фикрича, уйнинг қизил чизигидан ҳовли ичкарасига 3—6 м ва ундан кўп масофага сурилиш ҳовлидаги функционал қисмлардан фойдаланишни қийинлаштиради. Уйнинг кўча қизил чизигидан бошлаб қурилиши, ҳовлини сезиларли даражада функционал қулай, иқтисодий жиҳатдан сифатли қилишга ва ундан серунум фойдаланишга ёрдам беради. Аммо бу фикрни қишлоқ тураржой қурилишининг ҳамма ҳолатлари учун ҳам бараварига яроқли деб қараш бироз мунозаралироқ кўринади.

Бизнинг фикримизча, давлат ва кооператив қурилишда, қишлоқ аҳоли пунктларининг марказий қисмларидаги қурилишларда, колхоз ва совхоз марказларида уйлар (айниқса икки қаватли қурилганда) кўча қизил чизигидан 3—6 метр ичкарига киритилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, кўча қизил чизиги одатда тротуар ёнидан ўтган бўлиб, уйлариинг бевосита тротуардан бошланиб кетиши уй деразаларини кўздан холи қилишда, кўча шовқини ва чапгдан сақланишда бир қанча ноқулайликларга олиб келади. Бундан ташқари, уйлар табиат билан қўшилиб кетмаган, кўча силуети ва кўлами бироз тор кўринишга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам юқоридаги фикр, яъни уйларни бевосита кўча қизил чизигидан бошлаб қуриш, қишлоқ четларидаги тураржой кварталларида, бир қаватли якка тартибда тураржой қурувчилар учун тавсия этилганда тўғрироқ бўлиши мумкин.


Эни унча катта бўлмаган участкаларда (16—20 м) уйни участканинг ён чегарасига яқин жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Уй бундай жойлашганда участкадан ўринли фойдаланишга имкон яратилади: ҳовли юзини кузатишга яхши шароит туғилади, ҳовли ичи йўллари қисқаради, уй олди муҳити анча кенгайиб, келажакда уйни катталаштириш ҳам мумкин бўлади.

Ҳовлили уйлар қишлоқ аҳолисига ўзининг иқтисодий, функционал ва конструктив қулайликлари билан афзал бўлмоқда. Бундай уйларни қуриш ҳозирги вақтда қишлоқ қурилишининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, у давлатимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Қурилиш ишлари давлат қўмитаси қишлоқларда давлат, жамоа, кооператив усулида ва якка тартибда тураржой қурувчилар учун ҳовлили уйларнинг қатор намунавий ва хусусий ҳамда тажриба лойиҳаларини тасдиқлади. 12—13-расмларда шундай лойиҳалардан намуналар келтирилган. Туташтирилган уйлар жуфт хонадонли хусусий уйлардан фарқ қилиб, одатда икки қаватли 2,4,6 ва ундан кўп бир-бирига туташтирилган уйлардир. Ҳар бир хонадон икки сатҳда: биринчи ва иккинчи қаватларда жойлашади. Биринчи қаватда умумий яшаш хонаси, ошхона, терраса, санузел, ётоқхона, иккинчи қаватда эса фақат ётоқхоналар жойлашади. Бу ерда ҳар бир хонадонга икки томондан: уйнинг кўчага чиқувчи томонидан ва уйга ёндошган орқа





1-қабат piani

2-қабат piani




12-расм. Икки қаватли жуфт хонадонли беш хонали уй. "Ўзгипрос-елстрой" ишлаган "Меҳнат", ишорали лойиҳа. Тарзи ва тархи:
 1 — умумий хона; 2 — терраса; 3 — ошхона; 4 — ванна; 5 — санузел;
 6 — даҳлиз; 7 — омборхона; 8 — уй иситиш қозонининг жойи; 9 — гараж; 10 — хоналар; 11 — айвон.



13-расм. Икки оилага мўлжалланган бир қаватли жуфт хонадонли
тўрт хонали уй. "Ўзгипросельстрой" ишлаган 058—112—74 шифрли
экспериментал лойиҳа. Умумий кўриниши ва тарҳи
1 — даҳлиз; 2 — ҳолл; 3 — ошхона; 4 — умумий хона; 5 — хоналар; 6
— терасса.

томондаги участкадан кирилади. Хонадонлар бир-бири билан узлуксиз берк деворлар билан туташтирилган. 14-расмда бундай уйларга хос блок — хонадоннинг лойиҳаси кўрсатилган.



14-расм. Икки қаватли икки саҳнда жойлашган блок хонадон. "ЦНИИЭП граждaнсeльcтpой" ишлагaн типовой лойиҳa. Тaрзи, тaрхи вa қирқими:

1 — умумий хона; 2 — хоналар; 3 — ошхона; 4 — терраса; 5 — санузeл вa душ; 6 — санузeл вa вaнна; 7 — дaҳлиз.


Блокировкaланган уйлар кўчa бўйлаб ёппасига, oдатдa кўчa қизил чизигидан 4-6 м ичкаригa қурилади. Кўчa томондaн уй oлдигa кичик боғчa, ҳовли томондaн ҳар бир хонадонгa ёндошган ҳoлдa боғ вa полиз экинлари учун участкалар ажратилади. Уйлардaги хоналар уйнинг ҳар икки тарафигa чиққанлиги сабабли блокировкaланган уйларни ҳовлили яккa вa жуфт уйлар каби эркин ҳoлатдa

ориентация қилинади. Ҳар қалай ёзги хонани гарбга қаратиб ориентация қилиш тавсия этилмайди. Чунки бундай қилинганда иссиқ қуёш нури ёзги хона ичига чуқур тушиб уни ҳаддан зиёд иситиб юборади. Ёзги хона ортида турган яшаш хоналарига ҳам осон кечмайди. Блокировкаланган уйлар қошидаги участкаларда ҳам оила шахсий ёрдамчи хўжалигини юритиш мумкин. Бундан ташқари, блокировкаланган уйларнинг қурилиш зонасида қурилишнинг кўча бўйлаб чизиқли зичлиги 2—3 марта ошади. Бу эса тураржой қурилишига сарфланадиган муҳандислик ва коммунал ободонлаштириш харажатларининг анча камайишига олиб келади.

Блокировкаланган уйларнинг умумий узунлиги ҳовлили якка ва жуфт уйларга нисбатан катта бўлганлиги сабабли улар тураржой қурилишига маълум жиҳатдан тантанаворлик бахш этади, қурилишнинг ҳажм-кўлами бадийлигини кучайтиради ва кўча силуэтини яхшилади.

Шулар билан бир қаторда, блокировкаланган уйлар участкаларига кўча томондан транспорт ёки мол-ҳоллар кириши мумкин бўлмаганлиги сабабли участка ортидан ёки уйдан кейин (участка билан уй оралигида), юк келтириш, махсус йўлак ташкил қилиш керак бўлади. Шунингдек, хонадон қошида гараж ташкил қилиш ҳам қийин. Бундан ташқари, блокировкаланган хонадонлар қошидаги участкалари ҳовлили уйларникидан деярли икки марта кам, яъни 600 кв. метрдан ошмайди. Мазкур камчиликлар блокировкаланган уйларнинг сўнгги йилларда республикамиз қишлоқларида кенг тарқалмаганлигига сабаб бўлди.

Шу билан бирга кейинги йиллар тураржой қурилиши ва лойиҳалаш тажрибасида ҳовлили уйлар режасининг қулай усуллари: уйни кўча қизил чизигидан бошлаб ҳовлига ўтиш, кириш, шахсий транспорт воситасини сақлаш ва гараж вазифаларини бир йўла бажарувчи "блок-вставка"лардан фойдаланиш усуллари қўлланилмоқда. Бу услублар тураржойнинг кўча бўйлаб узлуксиз қурилишини, уйларни кўча томондан тўсувчи анъанавий деворларсиз блок-вставкалар ёрдамида бир-бирига блокировкалаштиришни ҳамда яшаш ҳовлисининг осойишталигини таъминламоқда. Бир ёки икки хонадонли ҳовлили уйларни блок-вставкалар: усти ёпиқ дарвозахоналар, йўлаклар, ёзги хоналар, гаражлар ва шунга ўхшаш иморатлар орқали узлуксиз туташтириб қуриш, айни




15-расм. 12 хонадонли галереяли уй. Тарзи ва тархлари: А) 1-қават тархи, б) 2-қават тархи. ТашЗНИИЭП ишлаган типовой лойиҳа: 1 — даҳлиз; 2 — хоналар; 3 — ошхона; 4 — омборхона; 5 — санузел.

вақтда ҳам ҳовлили уйларга, ҳам блокировкали уйларга хос бўлган барча қулайликлардан фойдаланиш имконини бермоқда.

Қишлоқ тураржой қурилишида кенг тарқалган ҳовлили якка уйлар билан бир қаторда кўп хонадонли ҳовлисиз уйлар ҳам қурилмоқда. Улар айниқса, район ва давлат ҳужалиги марказларида қурилатган икки қаватли секция ва галерея типдаги уйлардир (15-расм).

Бундай уйларда хонадонлар алоҳида қаватларда жойлашган бўлиб, ҳар бир қаватда секцияли уйларда иккитадан тўрттагача хонадон, галереяли уйларда эса 4 ва ундан кўп хонадонлар, секциялардаги зинапоя ва умумий галереялар билан бирлаштирилган. Секцияли уйлар 1, 2, 3 ва ундан кўп секциялардан тузилган бўлиб, хонадонлар 3, 4, 5 хонали бўлиши мумкин.

Галереяли уйлар эса 1—2 хонали хонадонлардан иборат бўлиб, асосан кичик oilалар учун мўлжалланган. Секцияли уйлардаги хоналар секциянинг (ҳар қаватида иккита хонадон бўлганда) ҳар икки томонга чиққанлиги учун уй эркин ориентацияга эга бўлади. Қурилиш меъ-



16-расм. Хоналарнинг ориентациялари.

ёрлари ва қоидалари бўйича яшаш хоналарининг деразалари бир томонга қараган хонадонларни секцияли уйларда 310° дан то 50° гача (16-расм, А сектор) ҳамда 200° дан 290° гача бўлган секторларга (16-расм, Б сектор) ориентация қилиш ман этилади.

Яшаш хоналарининг деразалари қарама-қарши томонларга қараган икки хонали уйларда юқорида кўрсатилган секторларга шу хоналарнинг биттасини, уч ва тўрт хонали уйларда иккитасини, беш ва ундан кўп хонали уйларда учтасини ориентация қилишга рухсат берилади. Галереяли уйларда эса яшаш хоналарининг деразалари жанубга қаратилиши керак.

Қишлоқларда кўп хонадонли секцияли ҳовлисиз уйларда яшовчиларга шахсий ёрдамчи хўжалик учун томорқа тураржой даҳасидан ташқарида жойлашган қишлоқ ерларидан берилиши мумкин. Томорқада боғ ва полиз экинлари экиш ва хўжалик ишларини юритиш учун тегишли

Шундай уйларда яшаш хоналарининг деразалари қуёшдан сақланувчи қурилмалар билан жиҳозлангандагина ёки дарахлар билан тўсилгандагина хоналарни 200° дан 290° гача бўлган секторларга ориентация қилишга рухсат берилади.

иморатларни солишга рухсат берилади. Кўп хонадонли ҳовлисииз уйларда яшовчи оилаларнинг шахсий транспорт воситалари ва моллари учун ҳўжалик саройларига энг четки уйдан 10—15 минутлик пиёда йўл узоқлигида тураржой даҳаси территориясидан махсус жой ажратилиб, уларни шу ерда блок системасида бирлаштириш тавсия этилади. Ҳўжалик блоклари кўп хонадонли уйлар ва бошқа транспорт йўллари билан қўлай боғланган бўлиши керак. Лекин бу ерда тураржой биноларидан узоқда ва умумий бўлганлиги (очиқ жойдан ажратилганлиги) учун фойдаланиш жараёнида маълум қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳамда маълум бўлган бошқа функционал ва конструктив ноқўлайликлар (хоналар сонининг) чекланганлиги, конструктив стабиллик ва шунга ўхшашлар туфайли кўп хонадонли ҳовлисииз уйлар республикамиз қишлоқларида ҳовлили якка ва жуфт уйларга нисбатан кам қўлланилиб келинмоқда.

Келажакда тураржой биноларининг қавати ва узунлигининг ошиб бориши билан замонавий қишлоқ муҳити ҳам йириклашиб бориши мумкин. Лекин, бари бир унинг ҳажмий кўлами қозирда ҳам, келажакда ҳам шаҳар даҳасининг муҳитидан кескин фарқ қилиши керак. Бу эса қишлоққа хос ҳаётий ва маъмурий муҳит яратишни тақозо этади. Бу муҳит шаҳардаги афзалликларни ва қишлоққа хос табиий жозибадорликни, гузал манзарани ўзида мужассамлаштириши керак бўлади.

Умуман олганда, блокировкаланган ва кўп хонадонли (секцияли ва галереяли) уйлар, саноатлашган район марказлари, қишлоқ деҳқончилик саноати комплекслари, совхозларнинг йирик марказий посёлкалари учун тавсия этилиши мумкин. Чунки, бундай аҳоли пунктларидан кичик оилалар, ёшлар, қишлоқ интеллегенцияси, механизаторлар оилалари фойдаланиши мумкин. Улар юқори даражада ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари билан таъминланади.

Кейинги йилларда республикамиз лойиҳачилари ва меъморлари томонидан тураржой биноларининг бир қатор янги ечимлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Шулар жумласига қишлоқ оилаларининг мураккаблигини, лойиҳалашдаги такомиллашган услубиятларни (масалан, блок-квартира, блок-вставка) ва қурилиш рельефини эътиборга олиб ишланган уй-жойлар лойиҳалари ҳамда иссиқ

сув билан таъминлашда қуёш энергиясидан фойдаланишга мўлжалланиб қурилган уйлар киради.

Бу уйларда қишлоқ ҳаётининг ижтимоий ва маданий жиҳатлари табиий-иқлим шароитлари билан бир қаторда тежамкорлик омиллари илғор техник ва конструктив ечимлар, замонавий меъморий-бадний талаблар ҳам эътиборга олинган.

Сўнгги йилларда махсус илмий адабиётларда, тавсияномаларда, лойиҳа тажрибаларида ва конкурс дастурларида республикамиз қишлоқ шароити учун "ўсувчи" уй ғояси илгари сурилмоқда. Бу ғоя асосида анъанавий халқ уйларидаги тураржой ва хўжалик иморатлари тузилишининг оила талабига аста-секинлик билан мослашиб бориши, оилада сон ва сифат ўзгаришлари рўй берганда ҳовли ичидаги қурилишнинг такомиллаштирилишини эътиборга олиш ётади. Дарҳақиқат, қишлоқ жойларида ҳовли майдонининг етарли эканлигини эътиборга олиб, ҳар бир хонадон қўшимча яшаш хоналарига муҳтожлик сезганда шаҳарликларга ўхшаб уй-жойни алмаштиришга эмас, балки ҳовли ичидаги асосий уйга қўшимча қилиб, янги иморат, яъни ҳовлида кириб-чиқиш жойи алоҳида бўлган ячейка солишга ҳаракат қилади. Бу асосан, ўғил ва қизлар балоғатга етиб мустақил ҳаёт бошлаганларидан кейин бажарилади. Хуллас, халқ анъанавий уйлари оила талабларига мос ва ҳажмий кенгайиш имкониятларига эга бўлиб, бу ўсиш ҳовлининг катта-кичиклигига қараб икки ёки уч мартагача такрорланиши мумкин.

Бу имконият қишлоқ оилалари учун жуда қулай бўлиб, муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам ўсувчан уй ғояси замонавий тураржой лойиҳалаш тажрибасида асосий принциплардан бири бўлиб қолиши керак.

1984—1986 йилларда қишлоқларда якка тартибда қуришга мўлжалланган замонавий ҳовлили уйларнинг қатор намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бу уйлар асосан бир қаватли, бир ва икки оилага мўлжалланган, якка ёки жуфт хонадонли 3, 4, 5 ва 6 хонали кўринишларда ишланди. Аксарият уйлар ҳовли хўжалик иморатлари билан бирга лойиҳаланиб, деворлари оддий ғиштдан қуришга мўлжалланган. Улар орасида республикамизнинг турли хил табиий-иқлим зоналарига мослаб ишланган лойиҳалар бор. Уйлар 7 ва 8 балли зилзилага бардошли қилиб лойиҳаланган. Якка тартибда қуришга мўлжалланган уйлар шахсий оила аъзолари кучи билан қурил-

ганда уларнинг нархи тахминан 2—2,5 баравар арзонлашиши мумкин. Бундай пайтда уй деворлари маҳаллий шароитларга қараб хом гиштда, синчда ёки тош деворларда ишланиши ҳам мумкин.

Республикада қишлоқ оила аъзолари кучи билан якка тартибда ва маҳаллий қурилиш материаллари асосида қуришга мўлжалланган, нархи янада арзонлашган янги уй-жой лойиҳаларини ишлаб чиқиш устида кенг иш олиб борилмоқда. Уларда маҳаллий иқлим ва қурилиш шароитлари, халқимизнинг анъанавий қурилиш услублари, қурилиш таннаркини камайтириш омилларини эътиборга олиш назарда тутилган.

ҚИШЛОҚ УЙЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШДАГИ АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

Ҳар бир муайян уй маълум бир иқлим шароити ва географик жой учун мослаштирилиб лойиҳаланиши ва қурилиши лозим. Шунингдек, у, унда яшовчи оиланинг турмуш тарзи, миллий таомили ва ижтимоий ҳолатларини ҳам эътиборга олиши шарт. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги вақтда республикада тураржой биноларини, шу жумладан қишлоқ уйларини ҳам табиий-иқлим шароитлари ва қадимдан уй-жой қурилиши бир-биридан изчил фарқ қилувчи қурилиш районлари талабларига мослаб лойиҳалаш амалга оширилмоқда. Бунда республикада ҳудуди шароитлари бир-биридан кескин фарқ қилувчи қуйидаги қурилиш-иқлим зоналарига бўлинган (17-расм).

I зонага чўл иқлимнинг фаол таъсиридаги районлар кириб, улар республикада паст текисликларида жойлашган собиқ Иттифоқ миқёсидаги IV А иқлимга мансуб ҳудудларни ўз ичига олади;

II зонага — қулай ландшафтли район тоғ этагида жойлашган воҳа ва водийлар киради (бу районлар қисман IV Г ва III Б иқлим районларига кирувчи ҳудудларни ўз ичига олади);

III зонага тоғли районлар киради.

I зонадаги районлар иқлимига мунтазам иссиқ қуруқ шамолли об-ҳаво; гармсел, чанг тўзонли бўронлар таъсири, қурғоқчилик, ташқи ҳавонинг юқори ҳарорати характерлидир. Бундай гармселли қуруқ иқлим айниқса Қорақум чўлининг жанубий-шарқий қисмига, кам сугориладиган текисликдаги районларга, хусусан, Бухоро ва



17-расм. Қишлоқ уйларини қуришда республика ҳудудининг шароитлари бир-биридан фарқ қилувчи қурилиш-иқлим зоналарга бўлиниши: I зона-чўл ва дашт иқлимининг фойдаланиш зоналари; II зона-қулай ландшафтли ва иқлим шароитли район; III зона-соғуқ қишчи баланд тоғли районлар.

Сурхондарё воҳалари ҳамда Қарши ва Мирзачўл массивларининг ўзлаштирилаётган районларига мансубдир (I-иловага қаранг). Биз биринчи бобда бундай ноҳиялардаги халқ уйларининг меъморий ечимларида салбий иқлим таъсиридан сақланишга, яшаш учун мос ёпиқ муҳит яратишга интилиш катта эканлигини кўрдик. Кундуз кунини ҳовли ва яшаш хоналарини ёпиқ фойдаланишга мослаштириш, атрофида хоналар билан тўла ёки ярим чегараланган ёпиқ ҳовли муҳитини ташкил қилишлар ушбу зонага хос анъаналар ҳисобланган.

Республикаимизнинг жанубий чўл районларидаги уйларда эса яшаш хоналари олдида қўйиладиган ёзги хоналар хос эмас. Чунки бу уйлардаги яшаш хоналари тўғридан-тўғри ҳовли билан боғланган. Бунинг сабаби хоналарнинг ҳовлидаги тунги салқин ҳаво билан алоқа самарасини яхшилашдир. Кундуз эса хона деразалари махсус тўсинлар билан ёпилиб, фақат қуёш қайтгач кечқурунга бориб очилган.

II зонага кирувчи тоғолди районлари чул таъсирига кам миқдорда берилган бўлиб, асосан қулай ландшафтли яхши иқлим шароитларига эга. Бу районлар гармселли об-қаводан бутунлай мустасно, об-ҳавонинг иссиқ даври ҳам деярли қисқа. Ёз шароити нисбатан соз, қиши илиқ, оқар сувлар, кўкаламзорлар, тоғ-водийсининг тезгин ва мунтазам шабадаси бу зонадаги анъанавий халқ уйларида ёзги хоналарнинг кенг шаклланишига олиб келган. Ушбу зонага Фарғона водийси, Тошкент, Жиззах, Самарқанд вилоятларининг тоғолди ноҳиялари, Қашқадарё воҳасидаги айрим районлар киради.

Бу районлардаги уйларнинг меъморий тузилишига яшаш хоналарининг ҳовли ичига тўлиқ очилиши, очиқ ва ярим очиқ (айвон типдаги) ёзги хоналардан, ҳовли сатҳи майдонидан фаол фойдаланиш ута характерлидир. Очиқ ҳовли-боғ ва унинг атрофидаги алоқида яшаш хоналари гуруҳи, уларнинг даҳлиз ва айвонлар орқали умумий ҳовли ва бошқа хўжалик хоналари билан узвий боғланиши бу районлардаги анъанавий уйларда ўзига хос очиқ меъморий ечимларни шакллантирган (I-бобга қаранг).

III зона баланд тоғли (денгиз сатҳидан 2000 м баландликда жойлашган) районларни ўз ичига олади. Бу районлар ҳудудидаги об-ҳаво жойларда бир-биридан кескин фарқ қилади. Зарафшон водийси ва Ҳисор тизма тоғларининг офтоб тегувчи жанубий ён бағирликлари нисбатан қулай шароитларга эга. Бу ерларда ёз деярли илиқ, июлнинг ўртача ҳарорати 22—24°C. Шунга қарамай баланд тоғли районларда қиш қаттиқ ўтиши сабабли қишлоқ уйлари бир-бирига ўхшаш, яъни ихчам тузилишда қурилади. Уйларни асосан совуқ қиш шароитига мослаштириб, ёпиқ ҳолатда фойдаланиш катта ўрин олган. Бундай уйларда ёзги хоналар ва ҳовли сатҳи деярли қисқартирилиб, уй режаси яхлит ихчам ҳолга келтирилган. Мавжуд ёзги хона очиқ ҳолда қолдирилмай, олдидан ойнаванд қилиб ишланиб, асосан жанубга қаратилган. Хоналарнинг деразалари кам ва кичик, деворлари қалин, хоналари нисбатан пастқам ишланган.

Юқорида баён қилинган ёпиқ, очиқ ва ихчам лойиҳадаги уйлар ҳар бир иқлим зонаси учун характерли бўлиб маҳаллий кўринишда қурилган. Демак замонавий

қишлоқ уйларини лойиҳалашда ҳам худди шундай тарихий таркиб топган илғор услуб ва тартиботларга амал қилишимиз керак.


Шуни эътиборга олиб мутахассисларимиз ҳар учала ҳурилиш — иқлим зоналарига мўлжалланган қишлоқ уйларини лойиҳалаш ва қуришда ҳисобга олиниши шарт бўлган қуйидаги асосий типологик талабларни ишлаб чиққанлар.

Авваламбор шуни таъкидлаш керакки, бу талаблар асосида нафақат зоналарнинг табиий-иқлим шароитларини, балки халқимизнинг ижтимоий-демографик, ижтимоий-иқтисодий ва этнографик хусусиятлари ҳамда тарихий шаклланган турмуш анъаналарини ҳам эътиборга олиш ётади. Шунинг учун ҳам бу талаблар, одатда, қишлоқ уйларини кўп, камида тўрт, беш ёки олти хонали қилиб, алоҳида ҳовлили уйлар шаклида, шунингдек лойиҳалашда катта (6—9 киши) ва, айниқса, йирик (10 ва ундан кўп кишилик) оилаларни ҳам эътиборга олиш керак.

Мутахассисларимизнинг фикрича, жумҳуриятимиз қишлоқ оилаларининг ижтимоий-демографик ва иқтисодий талабларига кўра ҳовлили уйлар қуйидаги типларга эга бўлиши керак: бир қаватли 3, 4, 5 ва 6 хонагача, икки қаватли икки сатҳда жойлашган 4, 5, 6 хонали хонадонлар билан, бир ва икки қаватли 6—7 хонали ярим ҳовлилаштирилган уйлар (кўп болали ва қариндош уруғли иккита оилага мўлжалланган).

Биз юқорида қишлоқ оилаларининг таркибида бир неча қондош авлодлардан ташкил топган мураккаб оилавий бирикмаларнинг мавжудлиги ва бу қолатнинг муҳимлигини курган эдик. Бундай оилаларнинг ташкил топиши ҳам ўзига хос бўлиб, улар бирданига вужудга келмай, босқичма-босқич, оила устига янги қондош оила қўшилиши билан ташкил топади. Шуни эътиборга олиш керакки, уйларни лойиҳалашда уларнинг тархини умумий ҳовли чегарасида бир-бири билан узвий боғланган алоҳида уйлар тарзида режалаштириш муҳим аҳамиятга эга (18-расм).

I-чи ҳурилиш-иқлим зонасида, яъни иссиқ чул иқлими шароитида қуришга мўлжалланган уйлар тархи туташ ҳовлили композицияда, қуёш тафти ва чангли шамоллар таъсиридан сақлаш қобилиятига эга бўлган қурилмалар ва ёзги хоналар билан лойиҳалаш зарур. Яшаш хонала-



18-расм. Мураккаб оилага мўлжалланган алоҳида яшаш гуруҳларидан тузилган ҳовили уй:

1 — меҳмонхона; 2 — умумоилавий хона; 3 — ётоқхоналар; 4 — отаона хонаси; 5 — терраса; 6 — даҳлиз; 7 — ошхона; 8 — омборхона; 9 — айвон; 10 — ҳаммом; 11 — ҳожатхона; 12 — иситиш хонаси; 13 — молхона; 14 — ем-хашак омборхонаси; 15 — хўжалик ҳовлиси; 16 — дарвозахона; I — тураржой уйи; II — хўжалик уйи; III — гулзор; IV — хўжалик ҳовлиси; V — лойиш; VI — полиз ва бог (уй II қурилиш-иқлим зонасига мўлжалланган).

рини, уй ва уй олди сатҳини қуёш таъсиридан сақлаш тадбирлари билан бир қаторда эрталабки ва тунги салқиндан, шимолдан эсувчи майин шабададан, ертўла ва замин салқинидан фойдаланиш имкониятларини яратиш лозим. Умумоилавий хоналар шу жумладан айвонлар ҳам ёзги саратон кунларида ёпиқ режимда фойдаланишга мослаштирилиши зарур. Ёзги хоналарнинг эни 3 м дан кам бўлмаслиги керак, уларнинг кўпроқ веранда типига бўлиши мақсадга мувофиқдир.

II зонада, яъни қулай иқлимли тоғолди воҳа ва водийларига мўлжалланган уйларнинг композицион тузилиши ташқи муҳитнинг қулай табиий омиллари (тоғолди шабадаси, яшил ва сероб сув таъсири)дан фойдаланишга қаратилиши зарур. Лойиҳаларда хоналарнинг (биринчи навбатда умумоилавий хоналарнинг) ҳовлига очилишини таъминловчи меъморий ва қурилиш тадбирлари ишлати-

лиши лозим. Ёзги хоналарнинг (очиқ айвон) эни 2,7 м дан кам бўлмаслиги керак.

III зона учун мўлжалланган уйларни иложи борица ихчам композицияда лойиҳалаш, уйнинг барча функционал қисмларини ёрдамчи ва хўжалик хоналари билан қулай боғланншини таъминлаш лозим. Хоналарнинг қишда совиб кетмаслиги ва иссиқликни йўқотмаслиги учун барча қурилиш ва меъморий тадбирларни қўллаш талаб қилинади.

Ёзги хона (ойнаванд, веранда) ларнинг эни 2,2 м дан кам олинмаслиги зарур.

Ҳовлили уйларга тўғридан-тўғри кўчадан эмас, балки ҳовли орқали кириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, халқимиз одати буйича илгарилари ҳам аввал ҳовлига, қўл ювиб олингандан сўнг уйга кирилган. Уйдаги хоналарга аксарият ҳолларда айвондан кирилган. Қишлоқ қурилишида қўлланиб келинаётган купгина типовой лойиҳаларда уйга бир вақтнинг ўзида ҳам кўчадан, ҳам ҳовлидан кириш белгиланган. Шундай лойиҳалар буйича қурилган қатор уйларда кўчадан кириш эшиги амалда фойдаланилмайди. Бунинг устига уйга, ҳам кўчадан, ҳам ҳовли орқали кириш ташкил қилинганда ортиқча жой сарфланади, уй режаси ва хоналар орасидаги функционал боғланишлар бирмунча мураккаблашиб кетади. Шу сабабли уйга кўчадан кириш фақат ҳовлисиз уйлар, яъни узлуксиз туташтирилган (блокировкаланган) уйлар учунгина тавсия этилиши мумкин.

Ҳар бир табиий-иқлим зона учун уй лойиҳаларининг алоҳида туркум (сериялари) ишлаб чиқилиши лозим. Уларда шу зоналарга хос барча табиий-иқлим шароитлари, қурилишнинг моддий-техника базаси, айниқса мавжуд маҳаллий қурилиш материаллари, аҳолининг ижтимоий-демографик ҳолатлари ҳамда қурилишдаги халқчил меъморий анъаналарни (услуг ва тартибларни) эътиборга олиниши зарур.

Қишлоқ уйларининг хоналари ва уларнинг сатҳи 1-жадвалда кўрсатилган нормалар буйича лойиҳаланиши мақсадга мувофиқдир.

5—6 хонали уйларда хоналарнинг сатҳи мураккаб оилалар учун уйлар лойиҳалашда ҳам қабул қилиниши тавсия этилади.

Қишлоқлар учун мўлжалланган уйларда яшаш ва ёрдамчи хоналар таркиби ва уларнинг минимум сатҳи, м²

Хоналар	Хонадон типлари			
	3-хонали	4-хонали	5 хонали	6-хонали
I. Яшаш хоналари				
Умумий хона	10	20	22	24
Ота-она ётоқхонаси	14	14	16	16
Ўспиринлар ётоқхонаси	12	12	12	12
Бир кишилик ётоқхона ёки кабинет	—	10	10	10
Бир кишилик ётоқхона	—	—	8	8
Ётоқхона	—	—	—	—
Яшаш сатҳи	46	56	68	78
II. Ёрдамчи хоналар				
Ошхона	10	10	12	12
Ваннахона ҳаммом	4,5	4,5	4,5	4,5
Ҳожатхона	1,5	1,5	1,5	1,5x2
Омборхона	2	2	3	3
Иситиш хонаси	3	3	3	3
Даҳлиз ва коридор	7	8	12	16

Эслатма: 1. Чўл иқлимнинг фаол таъсири шароитида (I зона) 5-ва 6-хонали хонадонлардаги умумий яшаш хонаси сатҳини 27 м² гача кенгайтиришга рухсат берилади.

2. Қишлоқларга мўлжалланган уйларда айрим ёрдамчи хоналар ва уларнинг сатҳи кенгайтирилиши мумкин.

I ва II зона уйларининг ёрдамчи хоналари (ошхона, иситиш қозонхонаси, ваннахона, ҳожатхоналарни) уйдан алоҳида жойлаштиришга, енгил қурилмаларни қуришга, уларнинг баландлигини эса 2,4 м гача пасайтиришга рухсат берилади.

Ёзги хоналар сатҳи иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда I ва II зона учун хонадон умумий сатҳининг юқори кўрсаткичидан 25% гача, III зона учун эса 15% гачасини олиш тавсия этилади.

1989 йили Ўзбекистон давлат қурилиши қўмитаси ходимлари "Меҳнат" нашриётида қишлоқларда қуришга мўлжалланган уйларнинг бир қатор янги намунавий, тажриба ва хусусий лойиқалари альбомини "Сельский

дом" номи билан рус тилида нашр этди. Альбомга республикамиздаги бир қанча лойиҳа институтлари ишлаб чиққан давлат, кооператив ва шахсий қурилиш учун қишлоқ уйларининг бир қатор лойиҳалари киритилган. Ҳар бир лойиҳа туркум уйлар кўринишида ишланиб, 3 дан 7 гача хонали алоҳида ёки жуфт хонадонлардан ташкил топган.

Лойиҳалар республикамизнинг турли учала табиий-иқлим шароитларига мўлжалланган бўлиб, меъморий ечимларида қишлоқ аҳолисининг миллий турмуш анъаналарини эътиборга олишга ҳаракат қилинган.


19-расмдаги уй лойиҳаси чўл зоналари ва чўл иқлими татирида ётган Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё



19-расм. Чўл зонасида қуришга мўлжалланган икки қаватли 6 хонали икки хонадонли уй. 144-40-67 с. 2 шифрли намунавий
1 — даҳлиз; 2 — умумоилавий хона; 3 — ётоқхона; 4 — ошхона; 5 — ҳожатхона; 6 — иситиш қозони хонаси; 7 — ёзги хона; 8 — коридор.

вилоятларининг текисликдаги ноҳиялари ҳамда Хоразм ва Қорақалпоғистон қишлоқларида қуришга мўлжалланган. Уйнинг счими иложи борица берк, ёпиқ режада ишланиб, ҳатто ёзги хоналар (айвон, долонлар) ҳам чўл таъсири-нинг жазирама иссиқ ҳавоси, чанг-тўзонли илиқ шамо-лидан сақланишга мослаштирилган.


20-расмдаги уй лойиҳаси эса тоғ таъсиридаги районлар, воҳа ва водийлар (Тошкент, Наманган, Андижон,



20-расм. Қулай иқлимли воҳа ва водийларда кооператив ва яқка тартибда қуришга мўлжалланган 4 хонали уй. 2386/4975.

1. 4 шифрли лойиҳа:

1 — даҳлиз; 2 — умумоилавий хона; 3 — ётоқхона; 4 — ошхона; 5 — ваннахона; 6 — ҳожатхона; 7 — ёзги хона; 8 — иситиш хонаси. Иккин-чи қаватда болохона жойлашган.





21-расм. Чўл зонасида қуришга мўлжалланган оир, қисман икки қаватли уй:


1 — меҳмонхона; 2 — умумоилавий хона; 3 — ётоқхона; 4 — терраса; 5 — овқатланиш хонаси; 6 — ошхона; 7 — омборхона; 8 — ҳаммом; 9 — ҳожатхона; 10 — иситиш хонаси; 11 — даҳлиз; 12 — айвон; 13 — дарвозахона (гараж); 14 — гулзор; I — тураржой уйи, II — ёзги ошхона ва айвон; III — хўжалик уйлари; IV — теплица; V — полиз ва боғ; VI — хўжалик ҳовлиси.

Фарғона, Самарқанд вилоятлари, Сирдарё, Қарши, Сурхондарё тоғолди ноҳиялари) да қуришга мўлжалланиб, уйнинг меъморий ечимида ёзги хоналар яшаш хоналари ёнида, яшаш ҳовлиси таркибида алоҳида ишланган. Юқорида кўрсатилган уйларнинг кўпчилиги зилзилага қарши тадбирлар (V-бобга қаранг) ишлатилиб лойиҳадан ёки пахсадан қуришга ҳам мўлжалланган. Лойиҳалардаги асосий ғоя уй-жойнинг функционал фойдаланиш сифати ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан бир қаторда бадий даражасини кўтариш, қурилиш материалларини тежаш ҳамда ҳовлида яшашни мақсадга мувофиқ ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратилишига қаратилган.

Қишлоқ уйларининг фойдаланишга қулай ва қишлоқ ҳаётига маъқул лойиҳаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга албатта. Айни пайтда уй лойиҳаси танланган ва ҳовлига зарур участка олингач, уй-жойни тежамли, мустаҳкам ва файзли қуриш учун жуда кўп юмушлар ва билимлар ҳам борки, улар ҳақидаги барча маълумотларни



22-расм. Қулай иқлимли воҳаларда қуришга қўйилган бир қаватли 6 хонали уй:
1 — меҳмонхона; 2 — умумоилавий хона; 3 — ётоқхоналар; 4 — терра-
са; 5 — ошхона; 6 — омборхона; 7 — ҳаммом; 8 — ҳожатхона; 9 —
айвон; 10 — дарвозахона (гараж).



23-расм. Қулай иқлимли воҳа ва водийларда қуришга мўлжалланган бир, қисман икки қаватли 7 хонали уй:



1 — меҳмонхона; 2 — умумоилавий хона; 3 — ишчи хона; 4—5 — ётоқхоналар; 6 — терраса; 7 — даҳлиз; 8 — ошхона; 9 — амборхона; 10 — айвон; 11 — дарвозахона; 12 — очик айвон. I — тураржой уйи; II — хўжалик уйи; III — теплица; IV — гулзор ва лойиш; V — полиз ва боғ; VI — хўжалик ҳовлиси.

илк бор ўзбек тилида "Меҳнат" нашриётида 1990 йили нашр этилган Назарбой Бозорбоевнинг "Уй-жой қурувчилар учун 1001 маслаҳат" китобидан олиш мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу китоб ўз маблағи ва кучи билан уй-жой қурмоқчи бўлган қишлоқ оилалари учун айниқса фойдалидир.

21, 22, 23-расмларда ушбу қўлланма муаллифларидан А. Фармонов, А. Ўролов лойиҳалаган уйлар кўрсатилган бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян қурилиш-иқлим зоналарига мўлжалланган.

ТУРАРЖОЙЛАР ҲУДУДИНИНГ РЕЖАЛАШТИРИЛИШИ ВА ҚУРИЛИШИДАГИ УСЛУБЛАР

Жумҳуриятимиз қишлоқлари шароитида тураржой ҳудудининг режалаштирилиши ва қурилиш услуби, тураржойларнинг қулай микроиқлимини таъминлаш, қишлоқдагиларни яшаш ва турмуш тарзини яхшилаш ва қулайлик туғдириш учун уларга шахсий ёрдамчи хўжаликни юритишида шароит яратиб бериш ва қўлланила-



24-расм. Аҳоли сони жиҳатдан кичик ва ўрта қишлоқларда тураржой ҳудудининг режасини ташкил қилиш услублари. Режалаштиришда тураржой гуруҳлари ва комплекслари услублари қўлланилган. А — Тожикистондаги "Қарадум" қишлоғининг режаси. ТашЗНИИЭПнинг лойиҳа тақлифи:

1 — тураржой гуруҳларининг марказлари; 2 — қишлоқ маркази; 3 — мактаб ва болалар боғчалари; Б — Бухоро вилоятидаги Энгельс номли жамоа хўжалигининг маркази режасидан фрагмент; 1 — тураржой гуруҳларининг марказлари; 2 — тураржой комплексларининг марказлари; 3 — қишлоқнинг умумумий маркази.

ётган услубларнинг тежамкорлиги билан бир қаторда юксак меъморий-бадий сифатга ҳам эга бўлишига эришиш керак.

Бунинг учун табиий сув манбаларига, хушманзара дарахтзорларга яқин, кўркам ландшафти, баҳаво, ёғин сувлари йиғилиб қолмайдиган баландроқ, кўнгай жойлар танланади. Қаттиқ бўрон бўладиган, шомолли районларда тураржойлар атрофига баланд бўлиб ўсадиган дарахтлар экиш ёки бу мақсадда ўрмон ва дов-дарахтлар кўп бўлган жойни танлаш мақсадга мувофиқдир. Бу омиллар тураржой ҳудудини чанг-тузон қумдан, совуқ ва қуруқ иссиқ шомоллар таъсиридан сақлашда, ҳавонинг мусатффо бўлишида катта роль ўйнайди.

Шу мақсадда тураржой ҳудудининг композициясига жойдаги бор яшил дарахтларни, очиқ сув ҳавзаларини, жой рельефининг чиройли қияликларини киритиш аниқса муҳимдир. Кўчалар, торкўча маҳалла ва уйларни режа-

даштиришда ана шу табиий шароитлар эътиборга олиниб лойиҳаланганда қишлоқлар яна ҳам гўзаллашади.

Қишлоқ одатда, бир нечта таркибий қисмлардан иборат бўлиб, бунга тураржой комплекслари, гуруҳлари, маҳалла, дам олиш ва спорт майдончалари, мактаб, боғча, ҳаммом, савдо марказлари, тураржой кўчалари ва бошқалар кирази.

Замонавий меъморчилигимизда кичик қишлоқлар ва посёлкалар учун тураржой ҳудудининг тузилишини тураржой гуруҳлари кўринишида лойиҳалаш кенг қўлланилиб келинмоқда. Тураржой гуруҳлари 10-тадан 40-тагача хонадонга мўлжалланган ва тураржой зонасини шакллантиришда кенг тарқалган илгор композицион услубдир. Бу услубда тураржой ҳудуди бир нечта катта ёки кичик гуруҳлардан ташкил топиб, ҳар бир гуруҳ ўзининг марказига эга. Гуруҳ маркази боши берк ёки боши очиқ кўча ва проезддир. У бошқа гуруҳ ёки қишлоқ маркази билан боғланган (24-расм).

Гуруҳ маркази қилиб жамоа дам олиш рекреацион зонасини олиш мумкин. Унинг таркибида болалар учун ўйин майдончалари, жамоат ва байрам тадбирларини ўтказиш учун махсус жой ташкил этилган бўлиши керак. (2-жадвал).

2-жадвал

Тураржой гуруҳларидаги рекреацион территорияларнинг таркиби ва ўлчовлари

Территорияларнинг вазифалари	Тураржой гуруҳи учун нор- ма, га			Территория элементлари- нинг таркиби
	чўл зонала- рида	водий ва воҳалар	тоғли район- ларда	
Ёши 5-10 да бўлган бо- лалар учун ўйин ва жисмоний машғулотлар территорияси	0,05	0,05	0,05	Болалар ўйини учун комплекс майдонча
Жамоат тадбирлари территорияси	0,02	0,03	0,03	Жамоа ва бай- рам тадбирла- рини ўтказиш учун майдонча
Жами	0,07	0,08	0,08	

Бундай участканинг майдони суғориладиган районларда бунёд этилаётган қишлоқлар учун 0,04—0,08 гектар, лалмикор районлардаги қишлоқлар учун эса 0,04—0,06

гектар бўлиши лозим. Гуруҳ марказининг участкаси яхши ободонлашган, кўкаламзорлаштирилган бўлиши, майдончаларда эса қулай ва муъжаз меъморий шакллар фойдаланилиши керак.

Тураржой гуруҳлари турли хил жойлашув услубларига эга бўлиб, нафақат бир қаватли ҳовилили уйлاردан, балки икки қаватли куп хонадонли ва ёндош уйлاردан ҳам ташкил топган бўлиши мумкин. Ҳамма ҳолларда ҳам уйлар тураржой гуруҳларининг рекреацион маркази атрофида жойлашган бўлади ва турли-туман меъморий композицияларни шакллантиради.



25-расм. Аҳоли сони жиҳатдан катта ва йирик қишлоқларда тураржой ҳудудининг умумий марказ атрофида жойлашган тураржой комплекслари услубида қурилиши. Қашқадаро вилоятидаги Қарши чўли 4 давлат ҳўжализининг бош режаси:

1 — тураржой комплексларининг марказлари; 2 — қишлоқнинг матмурий-жамоат маркази; 3 — тураржой гуруҳлари

Тураржойлар режасида гуруҳ услубини қўллаш куча тармоқларининг узунлигини қисқартиришга, тураржой зичлигини ва тежамкорлигини оширишга ҳамда тураржой зонасининг меъморий-бадий қиёфасини бойитишга ёрдам беради. Кўп хонадонли уйлардан тузилган тураржой гуруҳлари саноати ривожланган катта ва йирик посёлкаларда, шунингдек қишлоқ ноҳия марказлари ва кичик шаҳарларда қўлланилиши мумкин (25-расм). Яшовчилар учун шахсий участкаларини ва блокларини ташкил қилиш керак бўлади.

Бир неча тураржой гуруҳлари режаси тураржой комплексига бирлашади. Тураржой комплекси — бу тураржой ҳудуди режасининг энг катта композицион таркибий қисми ҳисобланади. Тураржой комплексида 500—2000 кишигача аҳоли яшаши мумкин. Унинг нуфузлигини қишлоқ режасининг аниқ ўлчамлари ва таркибий жиҳатларига, тураржой қурилишининг қавати ва тифизлигига, мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг хизмат кўрсатиш доирасига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Тураржой комплексининг композицион маркази бўлиб, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, бошланғич хизмат кўрсатиш пунктлари, болалар ўйинлари, жисмоний машқлар, катталарнинг дам олиш ва жамоа тадбирлари учун мўлжалланган рекрецион майдонлар жойлашган ҳудудлар хизмат қилиши мумкин. Тураржой комплекслари рекреация майдонларининг таркиби ва ўлчовлари 3-жадвалда келтирилган.

Тураржой комплексининг маркази тураржой ҳудудидаги асосий пиёда йўллар йўналишига мос ҳолда жойлашган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Марказнинг майдони кичик бўлгани маъқул. Лойиҳалашда тураржой комплекси марказининг майдонини сугориладиган районлардаги қишлоқлар учун бир кишига 1,0—1,5 кв. м. ажратиш тавсия этилади. Қишлоқларнинг катта-кичиклигига қараб тураржой ҳудуди бир ёки бир неча тураржой комплексидан тузилган бўлиши мумкин.

Ихчам ечимга эга бўлган кичик ва ўрта ҳажмдаги қишлоқларда тураржой ҳудудининг режаси яхлит комплекс ҳолида шаклланган бўлиши лозим. Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қишлоқ жамоат марказига яқин, туташган ёки унинг таркибида жойлашган бўлиши мумкин. Катта ёки йирик ҳажмдаги қишлоқларда, шунингдек қишлоқ ноҳия марказларида ҳамда режаси

чўзинчоқ ёки тарқоқ кўринишли қишлоқларда тураржой ҳудудининг маркази қишлоқ бош кўчаси бўйлаб жойлашган бир неча тураржой комплексларидан ташкил топган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинганда тураржой комплексларининг марказлари қишлоқ асосий кўчасининг меъморий қиёфасини ва бадий ифодалилигини оширишга ёрдам беради.

Жумҳуриятимиз қишлоқ қурилишида кейинги йилларда тураржой гуруҳлари ва комплекслари билан бир қаторда тураржойларни режалаштиришда кварталлар ташкил қилиш услуби ҳам кенг тарқалди.


3-жадвал

Тураржой комплексларидаги рекреацион территорияларнинг таркиби ва ўлчовлари

Территорияларнинг вазифалари	100 кишилик норма, га			Территория элементларининг таркиби
	чўл зоналари	водий ва воҳаларда	тоғли районларда	
6-12 ёшли болалар учун ўйин ва жисмоний машгулотлар территорияси	0,1—0,015	0,15—0,20	0,2—0,25	Болалар ўйини ва жисмоний тарбия машгулотлар ўтказиш учун комплекс майдонча
Катталарнинг дам олиши ва жамоат тadbирлари ўтказиш территорияси	0,05	9,05	0,05	Катталарнинг дам олиши, жамоат ва байрам тadbирларини ўтказиш учун майдонча
Ж а м и	0,15—0,20	0,20—0,25	0,25—0,30	

Тураржой кварталлари икки хил: қошида ҳовлиси бор уйлардан (хонадонлардан) тузилган кварталларга ва ҳовлисиз уйлардан тузилган кварталларга бўлинади. Лойиҳалаш тажрибасида ва қурилаётган қишлоқлар миқсолида учинчи хил, яъни ҳар хил типдаги уйлардан қурилган гуруҳларни ҳам учратамиз. Бундай гуруҳлар одатда аралаш қурилишли кварталлар деб ҳам юритилади.

Кварталлар йиғиқ, ихчам бўлганда аҳолини марказлашган водопровод суви, газ ва электр билан таъминлаш осон бўлади ҳамда йўлларни асфальт қилиш, канализация ўтказиш ва ҳоказоларга қулайлик туғилади.



26-расм. Тураржой ҳудуди кварталлар усулида лойиҳаланган қишлоқ, Самарканд вилоятидаги "Хумор" қишлоғининг бош режаси.

Ҳар учала кўринишдаги кварталлардан биринчи хилга кирувчи ҳовлили уйлардан тузилган кварталлар республикамиз қишлоқларида кенг қўлланилиб келинмоқда (26-расм). Бунга сабаб ҳовлили, кўп хонали уйларнинг қишлоқлилар талабини тўла қондира олишидир. Лекин шунинг ҳам унутмаслик керакки, қишлоқликлар орасида кам сонли кичик оилалар ҳам бўлиб, уларнинг турмуш тарзи ва ишлаб чиқаришда тутган ўрни кўп сонли оилалардан тубдан фарқ қилади. Улар одатда умумий овқатланиш, савдо ва коммунал хизмат турларидан кенг фойдаланадилар. Шу сабабли бундай оилалар учун кўп хонадонли хизмат кўрсатиш системасига эга бўлган ҳовлисиз уйлар қуриш мақсадга мувофиқдир. Лекин бундай уйларнинг сони қишлоқда жуда кам бўлганлиги туфайли улар учун алоҳида тураржой кварталларини ташкил қилиш мумкин бўлмайди. Бундай ҳолларда аралаш қурилишли комплекс тураржой гуруҳларидан фойдаланиш услуби жуда қўл келади. Тураржой уйларининг ўлчовлари ва ҳаватининг чеккадан қишлоқ марказига қараб ошиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бу услуб, биринчидан марказ яқинида кўп аҳолини йиғишга, ик-

кинчидан эса маркашлашган иссиқлик таъминоти ва канализация тармоқларининг узунлигини камайтиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, қишлоқ марказининг фазовий муҳитини яхшилашга, марказий бош ядронинг бадий-эстетик таъсирчанлигини оширишга имкон яратади.

Тураржой ҳудуди ичида жамоат дам олиш ва умумий тадбирларини ўтказиш учун яшил зоналарни ташкил қилиш, шундай зоналар ҳамда кўча ва тураржой муҳитини меъморий-маънавий жиҳатдан ободонлаштириш, уларга бадий-эстетик тус бериш, умумий дам олиш зоналарини тураржой кварталлари билан соя-салқин пиёда йўлаклар орқали боғлаш каби ишлар юқоридаги усуллар билан биргаликда тураржой даҳаси ва бутун қишлоқ архитектурасига манзарали тус берувчи омиллар сифатида рўёбга чиқмоқда.

Шу нуқтаи назардан айниқса жумҳуриятимиз шароитида табиий-иқлим талабларига мувофиқ пиёда йўллар ва умумий дам олиш зоналарининг соя-салқин бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ландшафти ва иқлим шароити қулай бўлган районларда кўкаламзорлаштириш ва ҳар хил қурилмалар ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлса, чўл ва лалмикор яйловли районларда турли-туман мўъжаз меъморий шакллар ва қурилмалар (соябонлар, ишкомлар, галереялар, кўча кўлами устидан ташланган яхлит блоклар ёрдамида бажариш мумкин.

Тураржой ҳудудининг режаси муайян инженерлик омилларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Масалан, қишлоқда очиқ сунъий суғориш системаси-ариқлар қазилса, тураржой ҳудудининг режаси тўғри чизикли кўринишга эга бўлади. Бу омил тоғ этагида жойлашган қишлоқларда ўз таъсирини йўқотади, чунки қиялик жойларда суғориш шохобчалари жой рельефига мувофиқ эгри қилиб ўтказилади ва тураржой режасига деярли таъсир кўрсатмайди.

Келажак суғориш системалари ёпиқ (трубопроводлар бўйлаб) автоматик суғориш шохобчаларидан фойдаланилганда тураржой режаси мазкур омилга боғлиқ бўлмай, исталган кўринишга эга бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда қишлоқ қурилишидаги тураржой биноларининг меъморчилик ҳамда тураржой қурилишининг тежамкорлик сифатларига қўйилган талаблар сезиларли даражада ошиб бормоқда. Қатор тажрибаларда қурилиш ва лойиҳалаш соҳасида қатор камчиликларга йўл қўйилди. Иморатларни яккалаб, алоҳида турган ҳолда

қуриш давом этди ва ҳозир ҳам сақланиб келмоқда. Кўча ва кварталларни бу тартибда қуриш кварталларни, яшаш ҳовлиларини, ҳовли участкаларининг очиқ ва ноизчил қурилишига олиб келди, натижада ҳовли ва кўча чиройининг сифати анча пасайди. Кўча қурилишида бир оҳанглилик-такрорий бир хил услублар, меъморчилик акцентларисиз, хуллас зериктирарли ҳолат рўй берди. Кўча қизил чизигидан уйларнинг анча орқага сурилиши натижасида кўча кўламининг кенгайиши кўча ва кварталлар меъморий масштабининг бузилишига олиб келди.

Қишлоқ тураржой қурилишига хос бўлган қиёфалардан бири кўча шаклларнинг изчиллиги, қиёфасининг оддийлигидир. Кўча қиёфасини бойитиш халқ меъморчилигида тураржой бинолари қурилишига ҳар хил акцентлар киритиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Дарвоза, унга ўрнатилган эшик ёки кўча эшиги ҳамда уларнинг четларига зийнатли безакдор элементлар билан сайқал бериш. Кўпинча, дарвоза устидан иккинчи қаватда дам олиш хонаси — болохона қурилиб, дарвозахонага савлатли тус берилмоқда.

Тураржой қурилиши меъморчилигида бадий савиясини оширишда бир қанча тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, ҳовли участкасининг кўча томонининг энини қисқартириш туфайли тураржой қурилишининг кўча бўйлаб зичлигини оширишга эришиш мумкин. Бу айни пайтда қурилишнинг иқтисодий тежамкорлигини оширишга ёрдам беради.

Иккинчидан, ҳовлили уйларнинг бир-бирига ёндоштирилишини блок-вставкалар (гаражлар, ёпиқ кириш жойлари — дарвозахоналар, долон (узун йўлак)лар, болохоналар ва шунга ўхшашлар) билан амалга ошириш керак. Бу қурилишнинг иқтисодий тежамкорлигини ошириб, унинг осойишталигини таъминлайди ҳамда кўча перспективасининг архитектураси ва бадий қиёфасини яхшилашга ёрдам беради. Тураржой уйлари туркумининг қишлоқ участкаси ва режасининг ҳар хил шароитларига мослигини ошириш билан ҳар хил ориентациядаги ҳовлиларнинг оптимал қурилишига имкон яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қурилишда сифат ва суръатни ошириш, қурилиш харажатларини камайтириш ва қийматини янада арзонлаштириш мақсадида маҳаллий материаллардан анъанавий

вий халқ услублари асосида қуришни му~~.....~~б
лойиҳалар тузиш керак. Бундай лойиҳаларда уйларнинг
муҳандислик жиҳозлари ва сантехника хоналарининг тур-
ли хил кўринишларда ишланишига, оқла аъзолари сонинг
ўсишига қараб уй-жойнинг кенгайиши ва яшаш
хоналарининг қупайишини қисобга олишга эришиш лозим.
Ғиштли ва яхлит керамзит-бетон уйлардан ташқари шах-
сий уй-жой қуриш учун лойдан қурилган яхлит конст-
рукцияли уйларни халқ бинокорлик технологияси асосида
содда ва механизациябоп қурилиш технологияси ва қоли-
пини ишлаб чиқиш ва уни лойиҳалашда татбиқ қилиш
катта аҳамиятга эга. Тураржой уйларининг ташқи
кўринишини ҳар хил кўринишдаги счимлар билан таъ-
минлаш, уйни меъморий безаклар билан безаш, ранг
қўллаш ишларига ҳам катта эътибор бериш керак.

Вилоят архитектура ва қурилиш бўлимлари, район
меъморларида жойларда аҳолини қишлоқ уйларининг на-
мунавий ёки хусусий меъморий безаклари билан таниш-
тирувчи альбомлар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш,
лойиҳалаш ва қурилиш тажрибасида уларга амал қилиш
қишлоқ тураржой архитектурасини ва умуман қишлоқла-
римиз қиёфасини замонамиз талабларига мос равишда
ўзгартиришга, қишлоқларимизни қайта қуриш суръатини
тезлаштиришга ва қишлоқларимизга файз киритишга ёр-
дам беради.

ҚИШЛОҚЛАРДА УЙЛАР ҚУРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ

ҲОВЛИ МАЙДОННИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Қишлоқ уйларини лойиҳалаштиришда меъморчилик, санитария ва гигиена ҳамда ёнгинга қарши тадбирларга риоя қилишни кўзда тутиш керак.

Ҳовли одатда тўртга — яшаш, хўжалик ҳамда ҳовли боғи ва полиз экинлари экиладиган қисмларига бўлинади. Яшаш учун ажратилган қисмга хоналар, ҳовли сатҳи киради. Хоналардан иборат бўлган бино ва ҳовли сатҳи ҳовли участкасининг композицион маркази бўлиб, унда оиланинг кўпгина турмуш жараёнлари ўтади, ёзда очиқ ҳавода дам олинади, меҳмон кутилади. Шунинг учун ҳам уни ободонлаштиришга, бу ерда ихчам муҳит ва яхши микроклим яратишга эътибор берилади.

Ландшафти ва иқлими қулай бўлган ноҳияларда (тоғ этаги воҳалари ва водийларда) одатда ҳовли сатҳининг катта бўлиши мақсадга мувофиқдир. Аммо ҳовли сатҳининг ҳаддан ташқари катта бўлиши уйнинг функционал қисмлари орасидаги боғланишни қийинлаштиради, йиғиштиришга кўп вақт кетади, бу иқтисодий маблағларнинг асоссиз сарфланишига олиб келади. Республикамизнинг ҳар хил иқлимли районлари учун тавсия этилган ҳовлиларнинг оптимал сатҳи 4-жадвалда келтирилган.

Одатда, халқимиз ҳовлисини қўшнилар кўзидан ва ташқи жамоат жойларидан холи қилишга ҳаракат қилади. Бунга тураржой ва хўжалик иморатларини бирлаштириш, уларни бир-бирига ёндоштириб ёки ҳовли чегараси бўйлаб жойлаштиради, қисман девор тўсиқлардан фойдаланиш орқали эришилади. Хўжалик ҳовлиси, ҳовли боғи ва полиз экинлари қисмини кўздан холи қилиш шарт бўлмаганлиги туфайли, улар қўшни ҳовлидан деворлар ёки яшил шох тўсиқлар орқали ажратилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир ҳовли майдони ўзининг аниқ геометрик шаклига эга бўлиши керак. Ҳовли учун одатда тўғрибурчакли шакл энг қулай бўлиб, у қуйидаги афзал-

ликларга эга: а) уйларни қуриш, боғ, полиз ва бошқалар учун энг мувофиқ жой ажратишда имконият яратилади; б) участканинг содда, қулай ва уйғун ички режаси ва қурилиши таъминланади; в) кварталларда ҳовлиларни қулай жойлаштириш, майдонларни ўлчашда, режалаштиришда ва натурага кўчиришда қулай шароитлар яратади.

4-жадвал

Ҳовли саҳнининг табақаланиши (кв. метрда)
(А. А. Маҳкамов буйича)

№	Қурилиш районлари	Ҳовлининг оптимал саҳни	Ҳовлиларнинг бир кишига бел- гиланган саҳни
1.	Чўл иқлимининг фаол таъ- сиридаги зоналар	100—120	12—15
2.	Қулай ландшафтли ва иқлими зоналар	150—200	20—25
3.	Батанд тоғли районлар	60—80	8—10

Эслатма: Ҳовлиси уйга ёндош участка. Чўл зонасидаги ички епиқ ҳовлилар сатҳи 60 кв. метргача бўлиши мумкин.

Бу афзалликларга қарамасдан ҳовлининг тўғри бурчак-ли шаклини лойиҳалаштиришдаги ҳамма ҳолатлар учун ҳам тавсия этишга асос йўқ. Табиий шароитлар ва айниқса жой топографияси, шаклланган ҳудуд режаси, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари (мавжуд аҳоли пунктларини қайта қуришда), кварталлар таркиби, кўчаларнинг умумий композицияси, ҳовли участкалари учун бошқа геометрик шакллари қўллашга ҳам зарурат туғдириши мумкин.

Лойиҳалашда муҳим масалалардан бири ҳовлининг эни ва бўйини аниқлашдир. Кўчанинг ҳаддан ташқари узайиб кетмаслиги ва уларга сарфланадиган жиҳозлаш ва ободонлаштириш маблағларини камайтириш учун ҳовли участкаларининг эни катта бўлмаслиги керак. Ҳовли участкаларининг эни катта бўлганда тураржой жойланишидаги сийраклик кўчанинг ташқи меъморий кўринишига ва шарпаси силуетига салбий таъсир этади. Аммо ҳаддан ташқари қисқа участкалар ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Ҳовлининг эни қурилаётган уйнинг типига, унинг ёнғинга чидамлилиқ даражасига ва уй-жой режасининг умумий ечимига боғлиқдир. Уйлар орасидаги ёнғинга

қарши қўйилган масофани эътиборга олсак, ҳовлининг энг кичик эни 16 метр бўлиб, бу уйнинг қулай жойланиши ва унинг ёнидан ҳовлига транспорт кириши учун 3 метрдан кам бўлмаган ўтиш жойи қолдириш имконини беради. Аммо уйнинг келажакда қурилиш ҳисобига кенгайишини инобатга олинса, ҳовлининг энг қулай эни 16—20 метр чегарасида олинishi керак. Шунда ҳовли ичкараси режасининг энг маъқул ечимига эришилади. Участка майдонининг кенгайиши унинг узунлиги ҳисобидан бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ҳовли ва уй хўжалиги юмушларини қулай ташкил қилиш учун биринчи навбатда уларни бажаришга кетган вақт ва меҳнатни қисқартириш талаб этилади. Бунинг учун хўжалик хоналарини (уларнинг битта ёки бир нечта алоҳида иморатларда жойланишидан катъи назар) санитария ва ёнғинга қарши қўйилган талабларни эътиборга олган ҳолда, уйга нисбатан жойлаштиришда улар билан уй орасидаги ортиқча юришларга йўл қўймасликка ҳаракат қилиш керак. Жумладан, уйга яқин қилиб ёзги ошхона, ундан кейин эса боғ полиз маҳсулотларини сақлайдиган, санитария-гигиена хоналари, ўтин-кўмир сақлайдиган ва бошқа хоналар жойлаштирилиши мумкин. Бунда молхона, паррандахоналар билан яшаш хоналари деразалари ва унга ёндошган айвон оралиғидаги энг кичик масофа санитария нормаларига кўра 15 метрни ташкил қилиши керак.

Ёнғинга қарши эҳтиёт чораларини таъминлаш учун хоналар билан хўжалик иморатлари оралиғидаги масофа 5-жадвалда кўрсатилганидан кам бўлмаслиги керак.

5-жадвал

Бинолар оралиғидаги ёнғинга қарши масофалар

Бионинг ёнғинга чидам-лилик даражаси	Биоларнинг ёнғинга чидамчилигига қараб улар орасидаги масофа, м		
	I, II	III	IV, V
I, II	6	8	10
III	8	8	10
IV, V	10	10	15

Эслатма: биоларнинг ёнғинга чидамлилик даражаси одатда танланаётган лойиҳа паспортларида кўрсатилган бўлади.

Бир-бирига ёндош иккита ҳовли ва уларнинг хўжалик иморатлари худди шундай қўшни икки ҳовли ва хўжалик иморатларигача бўлган масофалар 5-жадвалда кўрсатилган оралиқлардан кам бўлмаслиги керак. Хоналар девори ва верандадан хўжалик саройи ва гаражигача бўлган масофа ҳамда шу сарой ва гараждан қўшни ҳовлидаги жуфт хонадонли уй чегарасигача бўлган масофа 7 метрдан кам бўлмаслиги лозим ёки хўжалик саройи ва гаражни шу жуфт хонадондан бири чегарасида — деразасиз деворга тақаб қуриш кўзда тутилади. Умуман олганда, ёниши мумкин бўлган қурилиш материалларидан ишланган ва алоҳида жойлашган иморатлар оралиғидаги масофа 15 метрдан кам бўлмаслиги шарт. Ярим ёнувчан (деворлари ёнмайдиган, томи ёнувчи) иморатлар орасидаги масофа эса 7 метр ёки ундан ошиқроқ бўлиши лозим.

Кейинги йилларда ҳовли участкаси режасини лойиҳалаш тажрибасида яшаш ва хўжалик ҳовлиларини бир-биридан ажратиш кенг қўлланилмоқда. Хўжалик зонасига хизмат кўрсатиш учун ҳовли этагидан махсус хўжалик поездлари ташкил қилинмоқда.

Афсуски, бу усуллар кўча йўлларини хўжалик поездлари системаси билан такрорлаши натижасида тураржой кварталларининг иқтисодий жиқатдан тежамкорлигини пасайтиришга олиб келмоқда. Бунда биринчидан, моллар ва паррандалар учун иморатларни, албатта ҳовли тўрида жойлаштиришга тўғри келади ва шу сабабли бу хоналар билан функционал боғланиш қийинлашади, бунинг устига улардан фойдаланишда кўп вақт сарф қилиш талаб қилинади. Бундан ташқари, молхонага бориш йўли ҳовли боғидан анча жойни эгаллайди, участка тежамсиз фойдаланилади. Шу сабабли молхонага ва хўжалик иморатларига кириш йўлини умумий кўча билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, лалмикор ва тоғолди районларида узоқ ёз ва куз кунлари улоқ ва қорамоллар одатда далада боқилади. Шу туфайли улар ҳовлига кўп кириб чиқади ва мол боқиш юмушлари кўпаяди. Шуни эътиборга олиб бу ноҳиялар шароитида қуриладиган ҳовлили уйлар учун хўжалик поездларини ташкил қилишга йўл қўйиш мумкин.

Уй, ҳовли, хўжалик иморатлари, боғ, полиз ва бошқа таркибий қисмлар ўзаро функционал боғланган бўлиб, улар ўз навбатида ҳовлининг умумий кўламини белгилайди ва тураржой даҳасининг энг муҳим меъморий

бўлинмаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам нафақат уй ва хўжалик иморатлари, балки ҳовлининг ҳамма қисмлари ҳам яхлит композицияга бирлашиши, ҳовли эса бутун аҳоли пунктининг меъморий режалаштириш ечими билан уйғун мажмуа ташкил қилиши лозим. Ҳовли композициясига манзарали дарахтлар, мўъжаз меъморий шакллар-дарвозалар (тўсиқлар), кўча эшиклари, супалар, айвонлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Уларни безаш ҳовлининг меъморий кўринишини сезиларли даражада бойитади. Шунингдек, ҳовли участкасининг функционал ечими ва қурилишида регионал шароитлар, аҳоли турмушидаги илғор анъаналар ҳамда ҳалқ бинокорлигининг ташкил топишидаги бой тажрибалар эътиборга олиниши лозим.

Маълумки, бобокалонимиз Ибн Сино тураржой қурилаётганда қуёш, доимо шамол йўналиши, қор-ёмғир ёғадиган тарафлар ҳисобга олиниши, у ерда яшовчиларнинг саломатлигини сақлашда катта аҳамият касб этишини уқтирган. Замонавий меъморчиликда бошқа талаблар қаторида ана шулар ҳам кўзда тутилади. Шунинг учун ҳам уй танлашда унинг режасидаги ечимига, қор-ёмғир ювадиган деворларнинг қайси материалдан ишланишига, айвон, терраса ва хона деразаларининг ориентациясига эътибор берилиши керак. Уйнинг кўп деразали томонига ҳамда айвонга қишда қор-ёмғир, ёзда эса шамол уриб турмаслиги лозим.

Умумий хона деразаларини кўча томонга, верандани шимолга, ошхонанинг деразасини яшаш ҳовлиси ва болалар уйнайдиган майдонча тарафга ориентация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳовли юзасини, дам олиш супасини, айниқса уй ва яшаш ҳовлисини жануб ва ғарб томондан тушадиган қуёш нуридан сақлаш катта аҳамиятга эга. Айниқса, ёз кунлари ғарб томондан ҳовлидаги дам олиш жойларига заррача ҳам қуёш тушмагани маъқул.

Жанубий ноҳияларда уйлар, ҳовли қалин соя берадиган дарахтлар билан бирга ўралса, кўкаламзорлаштира, кучли шамолларнинг йўли тўсилади. Уларни вертикал ва горизонтал шамоллатиш эса уларда ҳароратнинг бирмунча пасайишини таъминлайди.

ХҲЖАЛИК ВА МАИШИЙ ИМОРАТЛАР, УЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШИ

Хўжалик ва маиший иморатлар таркибига ёзги ошхона, омборхона ва санитария-гигиена хоналари, паррандахона ва молхоналар киради. Булардан ташқари, бундай иморатлар қаторига хўжалик учун бостирма, моллар учун майдонча ҳамда автомашина ва мотоциклга ёпиқ жой ёки гараж (қўра), айрим хўжаликларда эса махсус пиллахона ҳам кириши мумкин.

Хўжалик хоналарининг таркиби, ҳажми, ечими ва ҳовлида жойлашиш тартиби ҳар бир муайян ҳолатда оиланинг уй ва шахсий ҳовли хўжалигидан қай тарзда фойдаланиш даражасига боғлиқ. Бу ўз навбатида, аниқ маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, жойнинг табиий иқлим ва ижтимоий-демографик белгилари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини соҳаси ва йўналишига, қишлоқнинг ободонлаштирилиш савиясига, унинг ноҳия маркази ва шаҳарга нисбатан жойланиш тартибига ҳамда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси ва ҳоказоларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам қишлоқда шахсий ҳовли хўжалигини юритиш даражаси унинг ҳажми ва характерига кўра, уч хил: кичрайтирилган, ўртача ва ривожланган кўринишларга эга. Бундай кўринишлардаги шахсий хўжаликлар улардаги хоналар таркиби ва сатҳига кўра бир-биридан фарқ қилади. Боғи, полизи ҳамда парранда боқиш хоналари бор хўжалик кичрайтирилган кўринишдаги гурпуага мансубдир. Ўртача шахсий хўжаликлар таркибига юқорида санаб ўтилгандан ташқари, ушоқ моллар асраш учун хоналар киради. Ривожланган ҳолатдаги шахсий ҳовли хўжаликлари эса булардан ташқари сигир, бузоқ, яъни молхоналарга ҳам эга бўлади.

Маълумки, республикаимиз қишлоқ оилаларининг аксарият кўпчилиги шахсий ёрдамчи хўжалик юритади. Шунлардан кўпроғи ривожланган ҳолатдаги хўжалик юритишса, қолганлари асосан ўртача хўжаликларга эгадир. Ҳамма шахсий хўжаликларда ҳам чўл ва айрим баланд тоғли ноҳиялардаги хўжаликлардан ташқари, аҳоли ўзининг шахсий боғ ва полиз экинларига эга.

Ҳовли хўжалиги ва маиший иморатлар таркиби, улардаги хоналарнинг ўзаро нисбати улар хўжалик ҳамда табиий иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда республикаимиз қишлоқларида бир хил эмас. Деҳқончилик ва чорвачилик

районларидаги хўжаликларда мевазор боғлар, полиз экинлари, сабзавот ва меваларни қайта ишлайдиган ва сақлайдиган хоналар, қорамол ва паррандалар тутиш учун иморатлар характерлидир. Бу асосан воҳа ва тоғ этагидаги водийларга тегшли. Чорвачилик ривожланган ва яйлов-қўйчилик хўжаликларига эга бўлган районларда боғ ва полиз экинлари ўртача ривожланган, иморатлар таркиби эса асосан ушоқ моллар учун мўлжаллаб қурилади. Бу асосан тоғли ва чул районларига хос бўлган шахсий хўжаликлардир. Умуман олганда, Ўрта Осиё республикалари қишлоқ аҳолисига ривожланган шаклдаги шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш характерли бўлиб, бу ҳодиса қулай табиий иқлим шароитига боғлиқдир.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан қолда Ўрта Осиё республикаларидаги қишлоқ уйлариининг хўжалик ва маиший иморатлар таркибига

1-ёзги ошхона ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ёрдамчи хоналар (ошхона, тандир-учоқ, озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган ва ёқилги учун омборхоналар);

2-санитария ва гигиена хоналари (душ, кир ювиш хонаси, ҳожатхона, ҳаммом);

3-уй ҳайвонларини асраш учун ёрдамчи хоналар гуруҳи.

Ҳар бир гуруҳга кирувчи хоналар таркиби ва уларнинг юзалари жойлардаги муайян шароитга боғлиқ қолда олинади.

6-жадвалда иқлим шароити ҳар хил бўлган районлардаги тураржой қовлиси хўжалик ва маиший иморатлар таркибига кирувчи хоналар, уларнинг типлари ва юзалари келтирилган. Ёрдамчи хўжалик хоналар таркибида ушоқ ва қорамоллар учун бостирма, паррандахона, қишлоқ хўжалик анжомлари ва ем учун омборхоналар, бостирма ва молларни боқиш учун очиқ майдон ташкил қилинади. Бундан ташқари, шу гуруҳдаги хоналар таркибига теплица (20 кв. метр) ва қуёнлар учун хоналар киради. Пилла тутиш баҳор мавсумига боғлиқ иш бўлганлиги сабабли, сабзавот сақланадиган хоналарни вақтинча пиллага ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Гараж учун жой, иқлим шароитларга қараб ҳовлига кириш жойи — йўлак билан қўшилиши, уй билан ёндоштирилиши ёки яшаш ҳовлиси иморатлари таркибида жойлаштирилиши мумкин. Хўжалик хоналарининг ички ўлчамларига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан ибо-

рат. Бузоқли сигирлар учун хонанинг эни 2—2,5 метр, узунлиги 2,5—3 метрдан кам бўлмаслиги керак. Қўй ва паррандалар ҳамда ем тайёрлаш ва анжомлар учун хоналарнинг эни ва бўйи меъёрга солинмайди. Моллар ва паррандалар хоналарининг баландлиги 2,2 метрдан кам олинмаслиги лозим. Молхонада полдан дераза пастигача бўлган масофа 1,5 метрдан, ушоқ мол ва паррандахоналарда эса 1,2 метрдан кам бўлмаслиги керак. Хоналарнинг эшик ва дарвозалари ташқарига очилишини, тез-тез шамоллатиб туришни эътиборда тутиш лозим.

6-жадвал

Хўжалик ҳамда маиший иморатлар таркибига кирувчи хоналар ва уларнинг юзалари (А. А. Маҳкамов буйича)

Хоналар таркиби	Хоналарнинг юзалари, м ²		
	дашт ва чўл район- лари учун	тоғ этаги- даги воҳа ва водий- лар учун	тоғли рай- онлар учун
I. Ёзги ошхона ташкил қилиш билан боғлиқ ёрдамчи хоналар:	38	33	25
ёзги ошхона (ошхона, тандир-ўчоқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи сақланадиган омборхоналар)	23	18	10
сабзавот ва мевалар сақланадиган хона (баҳорда пилла тутиш учун фойдаланилади)	15	15	15
II. Санитария хоналари:	12,5	12,5	9
душ	1,5	1,5	1,5
кир ювиш хонаси	3,5	3,5	—
ҳожатхона	1,5	1,5	1,5
ҳаммом	6,0	6,0	6,0
III. Ёрдамчи-хўжалик хоналари:	62	62	62
молхона	15	15	15
қўтон	10	10	10
паррандахона (катак)	6	5	6
ем сақлаш учун хона (пичанхонаси)	6	6	6
бостирма	15	15	15
қуёнхона	6	6	6
Ж а м и	118,5	103,5	102,0

Эслатма: 1. Ўрта ва кам сонли оилаларга мўлжалланган уйларда II типдаги хоналар таркибида душ ва ҳожатхона ташкил қилинади.

2. Ёпиқ типдаги гаражни (18 м²) фақат тоғли районлардаги уйларда қуриш тавсия этилади. Қолган районларда гараж уй қошидаги "йўлкада" ёки ҳовли иморатлари таркибида ташкил этилади.

Ёзги ошхона, омборхоналар ва санитария хоналарининг баландлиги 2,2 метрдан, эни 2,4 метрдан, гаражнинг эни эса 3 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Умуман, хўжалик ва маиший иморатларнинг участкада қай тартибда жойлашиши уларнинг ҳажми ва вазифасига, қурилиш характериға (алоҳида ёки уй билан ёндоштирилган ҳолда), ҳовли участкасининг майдони ва шаклиға, табиий иқлим шароитларига, миллий анъаналарға ва ниҳоят тураржой даҳасининг меъмор ва режа ечимларига боғлиқдир.

Хўжалик ва маиший иморатларнинг меъморий ечимлари тураржой биноси архитектурасига мос тушиши лозим. Ҳайвонлар ва паррандалар учун хоналар амалдаги санитария-гигиена талабларни, инсоляция ва шамоллатиш шартларини эътиборға олган ҳолда жойлаштирилган бўлиши керак.

Ўрта Осиё республикалари табиий иқлим шароитида қишлоқ ҳаётиға мос шаклланган анъанавий тураржой биноларига назар ташлар эканмиз, хўжалик ва маиший иморатларнинг ҳовли ичида қай кўламда ва қандай тартибда жойлашганиға амалий мисоллар топа оламиз.


Маълумки, республикамиз шароитида оилавий турмуш жараёнларининг катта қисми йилнинг иссиқ фаслларида очиқ ҳавода ўтади. Қишлоқ ҳаёти шароитида бу жараён анча мураккаб бўлиб, маиший-хўжалик ва хусусан турмуш билан боғлиқ юмушлар (овқат пишириш, уй хўжалиги, мол ва паррандаларға қараш ва ҳоказолар) ҳовли ичида маълум функцияларға мўлжалланган зоналарни ва бу зоналарнинг ўзаро қулай боғланишларини ташкил қилишни тақозо этади. Ана шу функционал зоналар кўлами ва уларнинг боғланиш тартиблари ҳар хил иқлим шароитларидаги тураржой ҳовлиларида алоҳида кўринишларға эга. Бу қонуният қишлоқлардаги тураржой биноларининг шаклланишида ҳам ўз аксини топган. Масалан, иқлими ва ландшафти қулай бўлган районларда оиланинг ёзги турмуши асосан ҳовли ичида кечиб, тураржой биноси (айвон, терраса, супа ва бостирмалар) билан боғланган. Шунингдек, улар эгаллаган ер ҳам бошқа районлардагиға нисбатан анча каттароқ. Чул, саҳро

иқлими бўлган ноҳияларда эса аксинча, кундузги жазирама иссиқларда оила турмуш жараёни кўпинча турар-жойнинг ёпиқ пана жойларида — "соябон"да кечади. Тоғли ноҳияларда ҳовлидан ва очиқ хоналардан фойдаланиш даражаси сутка ёки йил давомида бошқа ноҳияларга қараганда анча паст. Шунингдек, уларнинг ўлчамлари ҳам нисбатан кичик.

Умуман олганда, биз ҳовлили уйларда бир-бири билан узвий боғланган иккита йирик функционал зоналарни кўрамиз. Бу яшаш ҳовлиси ҳамда уй хўжалиги юритиш ишлари билан боғлиқ зоналардир. Яшаш зонаси таркибига ҳовли ва оиланинг маиший талабларини қондиришга мўлжалланган хоналар мажмуи киради. Хўжалик зонасига эса ёрдамчи-хўжалик хоналари гуруҳи ва ҳовлининг боғ-полиз қисми киради. Ҳар иккала функционал зона ҳам ўзларининг ички бўлинишларига ва маълум боғланиш системаларига эга. Бинобарин, ҳовлили уй-бу яшаш ва ёрдамчи хўжалик ишлаб чиқариш функционал зоналарининг чамбарчас боғланган ягона системаси демакдир. Шу зоналарнинг катта-кичиклигига ва уларда хўжалик ва маиший иморатларнинг ўзаро жойлашиши ҳамда уй билан боғланиш тартиблари турли иқлимга мансуб бўлган районларда бир хил эмаслигини юқорида эслатиб ўтдик.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ шароитида оила турмушини қулай ташкил қилишни таъминлаш нафақат функционал зоналарнинг кўламига, балки бу зоналар орасидаги функционал боғланишларнинг узоқ яқинлигига ҳам боғлиқдир. Масалан, ёзги ошхонани уйдан 20 метрга узоқлаштиришнинг ўзи уй билан шу ошхона орасидаги масофани юришга кетган вақтни суткасига 45 минутдан кўпроққа чўзади. Агар қорамоллар учун бостирма уйдан 35 метр узоқликда жойлашган бўлса, шу масофани босиш учун суткасига 40 минутга яқин вақт сарф бўлади. Ҳовли юзаси катта олинса, уй билан хўжалик иморатлари ўртасидаги масофанинг узайиши туфайли хўжалик ишларига кетган вақт анча чўзилади ва ҳовлини кўркем, озодалигига сарфланадиган мўлаб ортади. Майдони 300 кв. метр бўлган ҳовлини йиғиштиришга ва суғориш ишлари учун 1 соатдан кўпроқ вақт йўқотилади.

Шундай қилиб, биз хўжалик ва маиший иморатларни ҳовлидаги функционал зоналарга ва уйга нисбатан тўғри жойлаштириш ва улар орасидаги боғланишларни энг кичик масофаларда олиш, оила турмуш шароитини таш-



27-расм. Хўжалик ва маиший иморатларининг ҳар хил иқлим шароитларига мўлжалланган ҳовлиларда жойлашиши:

- а) чўл зоналарида; б) водий ва воҳаларда; в) тоғли районларда;
 1 — ёзиш ошхона; 2 — сабзавот ва озиқ-овқат омбори; 3 — сигирхона;
 бузоқхона ва бостирма; 4 — санитария-гигиена блоки (ҳаммом);
 5 — қўтон, парранда ва қўёнхона, озиқ омбори; 6 — уй.


кил қилишда, анча қулайликларга олиб келишини кўрдик. Бу ижтимоий омилга амал қилган ҳолда А. А. Маҳкамов ҳовли функционал элементларининг ҳар хил иқлимли шароитлар учун қулай бўлган намунавий схемаларини мисоллар билан ишлаб чиққан (27-расм). Ушбу мисолларда сигир, бузоқ учун ҳовли тўридан алоҳида жой ажратилган, даштли районларда тураржой уйларига хос бўлган бекик ҳовли муҳитини ташкил қилиш кўрсатилган. Чунки бундай районларда саҳро шароитида ҳовли уйларни чанг-тўзонли шамоллардан асраш керак бўлади. Бундай шароитда ҳовлининг катта-кичиклиги, иморатлар, уларнинг ҳажми ва баландлиги шамолга нисбатан жойлашиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам томонлари уй баландлигига тенг квадрат шаклга яқин бўлган ички бекик ҳовли чўл районлари шароити, яъни чанг тўзонли ша-

моллар таъсирига берилган районлар учун энг қулай ҳисобланади.

Маълумки, тоғли зоналарда жойлашган районларнинг бой ландшафти ва қулай табиий иқлим шароити ёзда турмушни ташкил қилиш учун кенг имконият яратиб беради. Бу районларда ҳовлини кенгроқ олиш, ривожлантириш, кўкаламзорлаштириш, суғориш ишларига шароит мавжудки, бу ўз навбатида ҳовли муҳитини юқоридаги ҳолатдан бошқача композицион кўринишда ҳал қилишни тақозо этади (б-ҳолат). Мазкур ҳолатда хўжалик иморатларининг бир ёқлама қатор жойлашуви яшаш ҳовлисининг ривожланган шаклини ҳосил қилади. Қорамол ҳамда қўй-эчкилар учун хоналар аввалгидек бу ҳолатда ҳам ҳовли тўридан жой олган.

Қиши совуқ бўладиган тоғ районларида ҳовли иморатлари одатда тураржой биносига яқин жойлашган бўлиб, яхлит композицион ечимга эгадир. Совуқ иқлим туфайли бу районларда ҳовлили уйлар унча яхши ривожланмаган ёки бутунлай чекланган. Бу омил айрим хўжалик хоналарининг тураржой биноси ичида (ертўла) ёки унинг ён томонида жойлашувини тақозо этади (в-ҳолат). Бу ечим тоғли районлар аҳолиси тураржой биноларига хос бўлган қурилиш тигизлигини таъминлашга ҳам қулайдир.

Иқлими турли хил бўлган районларда ёзги ошхонани ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган хоналар таркиби ва кўлами ҳам ҳар хил. Ёзнинг иссиқ кунлари узоқ давом этувчи районларда кўпинча ёзги ошхонанинг ривожланган шакли хосдир. Бу, биринчи навбатда, чўл, дашт иқлими таъсиридаги текис ноҳиялардир. Ёзги ошхонанинг бу тили хонадон ичида ташкил қилинадиган ошхонани деярли тўлиқ такрорлайди. Аммо, иссиқлик даври узоқ чўзилмайдиган ёки мўътадил иқлимли районларда уйда ошхонанинг ривожланган иккита (ёзги ва қишки) бир хил шакллариغا эга бўлиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун бу зоналарда ёз даврида уй ичидаги ошхонадан фойдаланиш шароитини ва уни холилаштиришни шундай режалаштириш керакки, токи ошхона бошқа яшаш хоналарининг микроиқлимига деярли таъсир кўрсатмасин.



28-расм. Ёзги ошхоналарининг ҳар хил иқлим шароитда табақаланиши: а) ёзги шароитлари энг ноқулай районларда, б) ёзги шароитлари муътадил бўлган районларда; в) ёзги ошхонадан кам фойдаланиладиган районларда. 1 — газ плитаси ёки газ ўчоғи билан жиҳозланган ошхона; 2 — озиқ-овқатлар омбори; 3 — анъанавий ўчоқ ва тандирхона; 4 — ўтинхона; (28, 29, 30-расмлар А. А. Маҳкамов бўйича)

Ҳар хил иқлимли районларнинг хусусиятларини ва фойдаланиш шароитларини эътиборга олиб, тураржой биноларидаги ёзги ошхоналар ечимини қуйидагича табақаланган бўлиши мумкин:

Ёзги пайтда уйда овқат пиширишнинг узоққа чўзилган жараёни мос келмайдиган ва уларни асосан ҳовли ичка-рисига чиқариладиган районларда ёзги ошхона ўзининг ривожланган шаклига эга бўлиши керак (28-расм, а);

Уйда овқат пишириш бошқа хоналар микроиқлимига таъсир кўрсатмайдиган ҳамда ёзнинг иссиқ пайтлари яшаш хоналари турмуш жараёнларидан нисбатан холи бўлган муътадил иқлимли районларда ёзги ошхонани соддароқ кўламда ечиш керак. Ёзги ошхонага газ ўчоқ ва чаноқ (раковина) билан жиҳозланган унча катта бўлмаган алоҳида зона ажратилиб, асосий ошхона билан ҳовли орасида қулай боғланиш ўрнатилиши лозим (28-расм, б);


тоғли районларда ёзги ошхона — бу одатда анъанавий ўчоқ ва тандирга эга бўлган кичкина хона. Чунки, бундай ноҳияларда аксарият ҳолларда, овқат тайёрлаш жараёни асосан уй ичида ўтади (28-расм, в).

Ёзги ва уй ичидаги ошхоналарнинг жойлаштирилиши уларни нафақат яшаш ҳовлиси ва умумоилавий хоналар билан, балки санитария-гигиена хоналари билан ҳам (29-расм) боғланишини таъминлайди. Бу, функционал жиҳатдан ҳам, муҳандислик тармоқларининг қулай ечилиши учун ҳам, муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, молхона ва товўқхона, улар учун озик омбори ҳамда бостирмалар (30-расм) ҳовли билан қулай функционал боғланишда бўлиши, улар билан уй оралиғидаги рухсат этилган гигиеник масофа сақланиши лозим.


Хўжалик ва маиший иморатларнинг кўлами, режасидаги ечимлар ва ташқи кўриниши тураржой уйи архитектурасига боғлиқ ҳолда ечилиши айтиш мумкин.

27-расмда ҳар хил шароитдаги қишлоқ ҳовлиларининг энг маъқул ечимларига намуналар келтирилган.

Қишлоқ йўлларини, тураржой муҳандис тармоқларининг узунлигини қисқартириш ҳамда уларни жиҳозлаш ва ободонлаштириш харажатларини камайтириш мақсадида хўжалик ва маиший иморатларни ўзаро бир участкада ва қўшни участка иморатлари билан бир-бирига ёндаш-



29-расм. Санитария-гигиена хоналарининг ечимлари.
 а) ривожланган тартибдаги хоналар. б) чеklangан тартибдаги хоналар.
 1 — кир ювиш хонаси; 2 — ҳаммом; 3 — ҳовли ҳожатхонаси; 4 — душ.





30-расм. Ёрдамчи хўжалик хоналарининг ечимлари:
1 — ҳўтов; 2 — товуқхона; 3 — озиқ-ем омбори; 4 — сигир ва бузоқхона; 5 — бостирма.

тириш керак бўлади. Бу амаллар иморатлар деворларининг узунлигини қисқартиришдан ташқари ҳовлига ажратилган майдондан янада серунумроқ фойдаланишга ва хўжалик иморатларига транспорт ўтадиган йўлни умумулаштиришга ёрдам беради.

Ҳовли, хўжалик ва маиший иморатлар ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз илгаридан фойдаланиб келган ҳаммом ва унинг жиҳозлари хусусида қисқача тўхталмоқчимиз. Қишлоқ турмуш маданиятининг яхшиланиши туфайли аҳолининг гигиенага ва озодаликка бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Кейинги йилларда қурилаётган ҳовлида тез-тез ҳаммом учраб туриши бунинг яққол далилидир. Дарҳақиқат, қиздирувчи ва намловчи муолажаларнинг самарадорлиги халқимизга азалдан маълум. 7-жадвалда келтирилган хўжалик ва маиший иморатлар таркибида ҳаммом ҳам бўлиб, унинг саҳни ҳамма районлар учун бир хил 6 кв. метрдан ошмайди. Ана шу саҳнда ҳаммом ва ечиниш хонасини жойлаштириш кўзда тутилган (29-расмга қаранг). Ваннахона билан жиҳозланган замонавий қишлоқ уйларида ҳовли ҳаммомидан буғхона сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳаммом учун ажратилган саҳнда албатта ваннахона ҳам ўрнатиш мумкин. Унда буғхонадан воз кечишга ёки ваннахонада буғхона учун шароит яратишга тўғри келади.

Ҳаммом буғхона тарзида фойдаланилганда уни оддийгина жиҳозлаш ва жиҳозларни хонага 31-расмда кўрсатилганидек қилиб жойлаштириш мумкин. Жиҳозлар — ётиб терлаш учун битта тахта раф, иккита тахта ўриндиқ, битта қиздириш печи (электропечь ёки металл печка) ҳамда ювиниш столдан иборат. Тахта раф полдан 1,2 метр баландликда, унга чиқиш ва ўтириб буғланиш учун ўриндиқларнинг бири 50, иккинчиси 90 сантиметр баландликда рафга ёнма-ён қилиб ўрнатилади. Ҳаммомда буғланиб бўлгандан сўнг стол ёки скамейкаларнинг пасткисида ўтириб тоғорада ювиниш мумкин.

31 а-расмда келтирилган ечимда ёзги душга ташқаридан кирилганлиги сабабли у ҳаммом билан узвий боғланмаган. Бу ҳаммомда ювинишни сифатли ташкил қилишда бироз қийинчилик туғдиради. Ҳаммомдаги ювиниш жараёнини, хоналарнинг ҳарорат ва намлик режи-



31-расм. Ҳовлида ҳаммом ва душ хонасининг ҳар хил ечимлари:
 а) ҳаммом ва душхона; 1 — даҳлиз; 2 — ечиниш хонаси; 3 — скамейка; 4 — кийим остич; 5 — бугхона; 6 — электр печи; 7 — ювиниш столи; 8 — ётиб бугланиш учун тахта; 9 — ўтириб бугланиш учун тахта скамейка; 10 — иссиқлик тўсиги; 11 — хонани шамоллатиш дарчаси; 12 — душхона; б) ҳаммом ва душхонанинг бир-бирига функционал боғланиши; 1 — даҳлиз; 2 — ечиниш хонаси; 3 — скамейка; 4 — кийим остич; 5 — душхона; 6 — бугхона; 7 — ётиб бугланиш учун тахта скамейка; 8, 9 — ўтириб бугланиш учун тахта скамейка; 10 — печка; 11 — иссиқ сув қозони; 12 — хонани шамоллатиш учун дарча; 13 — ўтинхона ва печка ёқиш хонаси

мини ҳамда ҳовли хўжалик ва маиший иморатлари таркибига кирувчи санитария-гигиена хоналарга белгиланган саҳн меъёрларини эътиборга олиб, 31 б-расмда ҳовли ҳаммомининг қулай ечимини кўрсатдик. Ушбу кўринишда ҳаммом ечиниш хонаси, душ ва буғхоналардан иборат. Буғхона ётиб ҳамда ўтириб буғланиш учун текис тахта рафлар, ўриндиқ, печка ва иссиқ сув қозони билан жиҳозланган. Печка ўтин ё тошкўмир, керосин ёки газ билан, шунингдек 2—5 киловаттли электр иситгич билан иситилиши мумкин. У одатда пишиқ ва оловбардош гиштдан ёки металлдан ишланади.

Печка 31-расмда кўрсатилганидек тайёр ўтинлар жойлашган алоҳида хонадон ёки буғхона ичидан қиздирилиши мумкин. Иссиқ сув қозони кўпинча печка билан бирга унинг ёнида ёки устида ўрнатилади. Печка қиздирилганда буғхона намлиги ҳаддан ташқари ошиб кетмаслиги учун иссиқ сувнинг қайнашига йўл қўймаслик керак. Сув исигач, уни алоҳида идишга олиб қуйиш мумкин. Ҳаммомнинг ҳавосини тозадаб туриш учун печка ўрнатилган деворнинг полга яқин қисмидан юзаси 0, 12 кв, метрдан кам бўлмаган форточка (дарча) ясалади. Ҳаммом марказий водопровод системасидан сув билан таъминланиши зарур. Ҳаммом хоналарининг баландлиғи 2 метрдан 2,3 метргача олиниши керак. Буғхона эшиги тахтадан ясалиб, ўлчамлари 70×170 сантиметр бўлиши керак.

Кўп хонадонли уйларда яшовчилар ҳамда ҳовли хўжалик ва маиший иморатлари таркибда алоҳида ҳаммом хоналари қуришга имконияти йўқ oilалар ўз хонадонлари ваннахонасидан фойдаланиб ҳаммомга хос бўлган шифобахш муҳит яратишлари мумкин. Бунинг учун хонадон ваннахонаси жиҳозланиб, унда нафақат ювинишга, балки бадан қиздириш, терлаб буғланиш, уқалаш-массаж қилиш каби қатор шифобахш ва гигиеник муолажалар қабул қилишга ҳам шароит яратиш мумкин. Ваннахонани жиҳозлаш учун сара ёғоч тахталардан ваннахона деворлари ва шифти текис ёпиб чиқилади. 2—3 киловаттлик электр плита ва металл идиш топилиб, унга қора юмалоқ тошлар солинади. Ванна устидан 0,6—1 метр баландликда олиб қўйиладиган, эни 60 сантиметрли тахта раф ишланади. Унга тақаб қўйилган тахта нарвон орқали чиқилади. Ваннахонага 2 метр баландликда тахтадан қўшимча шифт ишланади. Одатда 2,5—3 кв.метр саҳнга эга бўлган

ваннахонанинг ҳажми кичик бўлганлиги туфайли ундаги ҲСҚҚЛК даражасини 100 градусгача етказиш мумкин. Тошлар ва электр плитасини раф баландлигида ёки бироз пастроққа жойлаштирилади. Бунинг учун умивальник чаноғи устидан ёки ванна ёнидан махсус жой қилинади. Ваннахона қиздирилиши олдидан ундаги металл ва пластмассада ишланган нарсаларни ташқарига чиқариш керак, чунки металл буюмлар тез қизиб кетиб уларга бадан текканда куйиши, пластмасса буюмлар эса юқори ҳароратда деформация олиши мумкин. Қулайлик яратиш мақсадида ваннахонани тайёр стеклопластик парда билан бўлиб, буғхона ва ечиниш бўлмаларига ажратиш мумкин. Аммо ваннахонага розетка ва электр улатгич ўрнатиш қатъиян ман қилинади. Шунини айтиш керакки, ваннахона ҳаммоми ҳам, бошқа хил ҳаммомлар қатори мутахассислар томонидан лойиҳаланиши ва тегишли инстанция билан келишилган бўлиши керак.

ҲОВЛИ-ЖОЙНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

Ҳовлини саранжом тутиш, хўжалик иморатларини ўрнига жойлаштириб, ҳовлисини чиройли ва обод қилиш ҳовлили уй қурган ҳар бир оиланинг орзу ниятидир. Бу ишлар қанча тўла ва сифатли бажарилса оила ҳаёти шунча файзли ва ширин кечади, ҳовлидан фойдаланиш осон ва серунум бўлади.

Ҳовлини ободонлаштириш ишлари участкани функционал зоналарга бўлиб чиқишдан бошланади. Ҳовли одатда қуйидаги зоналарга бўлинади: 1-уй ва яшаш ҳовлиси; 2-полиз экинлари майдони; 3-мевазор-боғ; 4-хўжалик ва маиший иморатлар. Ҳар бир зона учун ҳовли юзасидан мақсадга мувофиқ фойдаланишга қулай бўлган жой танланиши керак.

Хўжалик ва маиший иморатлар зонасига одатда ҳовлининг ичкари, тўр қисмидан жой ажратилади. Хўжалик зонаси таркибига кирувчи омборхона ёки кладовка, ўтинхона, молхона, емхона ва бошқа хоналар бажарадиган хизмат турига қараб жойлаштирилади. Бунда улар ҳовлининг бутун энини ёки бир қисмини эгаллашлари мумкин. Хўжалик ва маиший иморатлар, уларнинг таркиби ва ҳовлида жойлашиш тартибларига алоҳида тўхталиб ўтамай.

Полиз экинлари учун участканинг қуйи томонидан хўжалик иморатлари ёнида ёки унинг атроф-четларида жой ажратиш мақсадга мувофиқдир. Полиз экинларининг сувга талабчанлигини эътиборга олиб, уларни ҳовли юзасидан нисбатан пастроқда эккан маъқул. Бу, куз пайтлари ёмғир сувларининг оқиб тушишига ҳам қулайлик яратади. Одатда, полиз учун участка майдонининг 25—30%, резавор мевалари ўсимликларга, яъни фақат боғнинг ўзига 30—40%, яшаш уйи, хўжалик ва тирикчилик иморатлари ҳамда проездлар учун ҳам 30—40% ажратилади.

Дастлабки 5—10 йиллар давомида полиз экинлари мевали дарахтлар қатор ораларига экилиши мумкин. Боғбонлар тажрибаси шуни кўрсатадики, олма боғи вақти-вақти билан қирқилиб туриладиган майсазор ёки бедапояда ҳам яхши етилиши мумкин, чунки бедапоя тупроқ тузумини сақлашга ва ундаги биохимик жараёнларга шароит яратади. Бундан ташқари беда моллар учун энг яхши қўшимча емиш сифатида ҳам фойдалидир.

Уй ва яшаш ҳовлиси зонаси, айвон, пешайвон, умумий ҳовлининг олд қисми, уйга киравериш жойи ва уйдан сўнгги ҳовли ичкарисига чиқишдаги жойлар гуллар ва манзарали дарахтлар билан безатилиши мақсадга мувофиқдир. Қалин соя берувчи баланд дарахт ва буталарни уйга яқин масофага экмаслик керак. Чунки шундай қилинганда яшаш учун хоналар кун бўйи соя остида қолиб кетиши, уйни зах босиши мумкин.

Гулларни танлашда уларнинг очилиш мавсумига эътибор бериш лозим. Умуман, гулларни шундай экиш керакки, бири очилиб тугаса, иккинчиси гуллай бошласин. Халқимиз гулларни танлаб экишда қадимдан анъанага айланиб қолган маҳаллий ва замонавий гуллардан фойдаланади. Шундай гуллардан айримларини санаб ўтамиз: райҳон, атиргуллар, бинафшалар, намошомгул, наргиз, гулираъно, нилуфар, шаббўй, гултожикўроз.

Манзарали дарахтлар орасида қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб ўсувчи арчасимон нинабаргли дарахтлар ҳам бўлиши мумкин. Шундай қилинганда уй атрофидаги кириб-чиқиш жойларининг саранжом-саришта, тартибли ва манзарали бўлиши таъминланади. Нина баргли дарахтлар ва гуллар ўзларидан хушбўй ҳидлар чиқариб, ҳавони тоза ва соғлом қилади, уй-жой ва ҳовли кўринишига ўзига хос гўзаллик бахш этади.

Қишлоқ ҳовлиларининг аксариятида кўп болали оилалар яшашини эътиборга олган ҳолда ҳовли ичида уйга яқин жойдан болалар учун махсус майдонча ажратилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай жой болаларнинг ёз кунлари кундуз, айниқса, кечқурунлари ҳовлида очиқ ҳавода яйраб уйнашлари учун қулайлик туғдиради. Болалар майдончасининг усти енгил ёпилиши, ёнлари эса очиқ бўлиши мумкин. Майдонча жанубий-ғарбий ва ғарб томондан соя берувчи манзарали дарахтлар ва буталар, қолган томонлардан эса яшил тўсиқлар билан тўсилиши лозим.

Айрим хонадонларда уй атрофидаги кириб-чиқиш жойларга мевали дарахтлар зич экилганлигини кўрамиз. Бундай ҳолларда ёз пишиқчилигида дарахтлар ости тагига тушган мевалар билан тўлиб босилиши, ифлосланиши, ҳар хил қурт-қумурсқалар ва бесаранжомлик кузатилиши мумкин. Бундай жойда ёз пайтлари очиқ ҳавода супада ўтириб ҳордиқ чиқариш анча ноқулай, қишда эса манзарадан анча бой берилиши мумкин. Бундан ташқари мевали дарахтлар болалар кўзига яқин бўлмаганлиги маъқул. Шунинг учун ҳам мевали дарахтлар зонасининг катта қисми, яъни бог ҳовлининг тўрроғида, полиз экинлари билан яшаш ҳовлиси оралигида ёки уларга туташиб жойлашганлиги мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ шароитида ҳовли боғи уй орқасида, унинг ён томонларида қўшни участка боғи билан ёнма-ён жойлашган бўлиб, бу ҳовли жойлар бўйича бир бутун яшил массив яратишга ва тураржой иморатлари микроиқлимини яхшилашга ёрдам беради.

Мевали дарахтлар зонасида аввал йўнгишқа, беда учун жой тайёрланади. Бедазордан алоҳида-алоҳида жойлар ажратилиб, улардан бирига анор, иккинчисига беҳи, учинчисига — шафтоли, тўртинчисига эса нок экилиши мумкин. Ёзда қиш ва баҳор фаслларига нисбатан сабзавот, қовун, тарвузлар кўп бўлганлиги сабабли ҳўл мевага талаб камроқ бўлади. Шунинг учун ҳам ҳовлидаги мевали дарахтлар орасида кўпроқ кечки олма, нок навлари жами экиладиган дарахтларнинг 70—80% ини ташкил қилиши мақсадга мувофиқдир.

•
Тураржой ҳовлисида экиш ва кўкаламзорлаштиришга тавсия этилган дарахт ва буталарнинг навлари ҳақида 2-иловага қаранг.

Ота-боболаримиз яратган боғлар қуйидаги икки хил кўринишда бўлганлиги маълум: 1) геометрик шаклда ташкил топган боғлар; 2) табиат хушманзаралари асосида ташкил этилган боғлар. Биринчи хил боғларда боғ майдони турли исталган (тўртбурчак, тўғри тўртбурчак, кўпбурчак ва ҳ.к.) шакллarga бўлиб чиқилиб, шу бўлақларда ҳар хил дарахтлар ва гулзорлар ташкил этилган. Иккинчи хилдаги боғлар эса табиий кўринишида ёки уларга баъзи бир тузатишлар киритилган ҳолда барпо қилинган.

Ҳовли ичида дарахтларни жойига қўйиб экишда, дарахт ва гуллар танлашда ота-боболаримиздан мерос қолган миллий боғдорчиликка риоя қилиш фойдадан холи эмасдир. Бу борада ўтмишда Ниёзий ёзиб қолдирган "Ирошоду зироат фи илмил харосат" (экин экиш йўриқлари ва деҳқончилк илми) китобида чорбоғлар ташкил қилиш йўсинида баён этилган фикрлар диққатга сазовордир: "Қоида шуки, чаҳорбоғнинг гирдини девор тагидан уч зирот (1 зирот 70 сантиметрга яқин) ташлаб, бир зирот келадиган ариқ қазилади. Ариқнинг девор томонидаги қирғоғига бир-бирига яқинлаштириб сафидори Самарқандий (оқ терак) экиладики, у хушнамомир. Кажу (қарағай) у қадар латофатли эмас, шунинг учун унинг ҳожати йўқ. Боғ тарафдаги ариқ қирғоғига савсан (гулсафсар) экиш муносибдир. Кейин яна раҳрав учун уч зарот (заротгаз, 107 сантиметрга тенг) арқ (йўл) ташлаб, бир зиротлик ариқ қазилади. Унинг арқ томонидаги қирғоғига савсан, сафидордан беш зирот узоқликда бўлган пуштасига зардолу экилади; ҳар икки зардолунинг оралиғига гули сурх ва шафтоли (экиш) муносибдир. Мазкур зардолунинг ҳар бирдан кейин боғ ичкараси томон беш карч оралиқ ташлаб, ё зардолу экиб, олу, узум, пайванд қиладилар. Шундан кейин ораликдан иморат олдидаги ҳовузга боралиган тўғри ариқ чиқазилади. Унинг қирғоғига ҳамиша баҳор, савсани расмий ва ханжарий экиладики, улар хушнамомир. Мазкур шох ариқнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб раҳрав учун атрофи ўралган арқ ташланади. Кейин себарга (йўнгичка, беда) учун жой тайёрланади. Себаргазор томонда алоҳида-алоҳида баланд чаҳорзамон (тўрт гулзор) ажратилади. Биринчи чаман — анор, иккинчиси — беҳи, учинчиси — шафтоли ва шадир (шафтолининг бир тури); тўртинчиси амруз (нок) бўлади. Чанор — чаман-

лардан кейин боғчалар тузилади. Биринчи (боғча)га кук бинафша. Элчи савсан ва зебо гул ҳисобланган садбарг; иккинчисига заъфарон наргиз ва бирор оддий зебо гул; бошқасига боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гуш, дардари қокилий, оддий савсан, саҳройи ва оқ савсан, оддий шакойик; яна бошқа боғчага оқ ёсуман, сариқ аргун, сариқ бинафша, лолайи ду табақа, шаббуй ва сариқ лола, насрин, бағдодий, казго; яна бирига гули раъно, буларнинг оралиқларига хашхош (кукнор гул); кейинги боғчага сариқ ёсуман, гули шаш моха, замбак (нилуфар); карнфулгул, лиму савсани, савсани хатмий, уни яна гулхайри ҳам деб атайдилар; яна бир боғчага хатм хитойи, оқ ёсуман, шаб ба дўстон, чаман афруз, лолайи хитойи, бўстон афруз (гултожихўроз) экиладики, бу гуллар бирин-кетин очилади. Боғчаларнинг этагига уларнинг шарқ ва ғарб томонларига настарин; унинг ёнидан ҳовузнинг шимол томонидан яна икки бута настарин экадилар. Ҳовуз иморатдан 20 заръ ёки қанча муносиб топсалар, шунча узоқликда бўлиши керак. Иморат атрофига чинор, толтут экадилар. Иморатга яқин жойларга, унинг шарқ томонига олуболу, ғарбий томонига — гилос, улар оралиғига қизил аргун экилади. Иморатнинг жануб томонидаги лулапулга (атрофи ариқ бўлган супа) олма экилади. Чунки иссиқ офтоб кунлари (олма дарахти) унинг тафтини қайтаради..."

Юқорида келтирилган парчадан кўринадики, ҳовли боғдорчилигида ҳам иқлим шароитларига қараб дарахт ва гуллар танлаш, деққончилик ва экиш қоидаларига амал қилиш халқчил маҳаллий анъаналар қаторига кирган, токи улар асрлар давомида боғ усталари томонидан ишлатилиб ва ривожлантириб келинган.

Айрим ҳолларда яшаш ҳовлисидаги супа атрофларини қатор узум ишкомлари билан ёпилганини кўрамиз. Бундай услуб фақат шу супа атрофлари учунгина маъқул бўлиб, уни бир томондан ёпиши мумкин. Уй атрофларини эса пастак қатор ишкомлари билан ёпиш ярамайди, чунки улар ёзда шамолни тўсиб қўяди ва манзарани оддийлаштиради. Шунинг учун ҳам узум ишкомлари супадан анча кўтарилган, ҳаводор бўлиши керак. Супа ва айвондан ҳовлига чиройли ва соз табиий манзара очилишини таъминлаш лозим.

Баъзан супа ҳовлининг ичкарироғига жойлашган бўлиб, атрофига ариқ қазилган, олдига қувур билан сув олиб борилиб, мўъжаз шаклдаги фаввора ишланган бўлиши

мумкин. Фаввора ва супа атрофларига қизил олма дарахти экилса, пишиқчиликда олмалар фавворадаги сув устига тушиб тафтини олади.


Иссиқ ва қуруқ иқлимли республикамиз шароитида соя-салқин жойлар, чорпоя, ишком, ҳовузча ва ариқлар ҳовлининг муҳим элементлари ҳисобланади. Ана шундай муъжаз ҳовли элементларидан фойдаланишни яхши билган ота-боболаримиз, ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ҳам улар ёрдамида ҳовлида салқин, баҳаво микроиқлим вужудга келтиришган, остидан ариқлар ўтган чорпояларда ишкомлар соясида ўтиришиб, ишдан бўш пайтларда ҳангома қилишган, мириқиб дам олишган.

Халқимиз тажрибасида супалар асосан уч хил материалдан: тупроқ ва тош аралашмасидан, ёғоч тахтадан ва темирдан (чорпоялар) ишланган. Тупроқ ва ёғочдан ишланган супалар доимий, темирдан ишланганлари эса йиғма бўлади. Ёғоч ва темир супалар кучма бўлганлиги учун фойдаланилишга қулай, айниқса темир супалар жуда қулай бўлиб, улар қишда йиғиб қўйилиши ҳам мумкин.

Ҳовли ичи йўлакларининг сони иложи борича кам бўлгани маъқул: уларни зарур жойлардагина ўтказиб соя билан таъминлаш керак. Йўлаклар ғиштдан, ғишт синиқларидан, табиий тошлардан, шағал қўшилган бетондан ишланиши мумкин. Уларнинг эни 1 метр атрофида бўлиши керак. 32-расмда ғиштдан тўшалган йўлакларнинг турли хиллари кўрсатилган.

Бир-бирига қўшни уйларнинг деразалари ёки ҳовлиларининг орасида деворлар ҳосил қилувчи чирмашиб ўсадиган ўсимликларни қўллаш яхши натижалар бериши мумкин. Бунда шох девор-чакалак ғовнинг баландлиги 1—1,5 метрдан ошмаслиги керак. 33-расмда республикамизнинг ҳар хил табиий иқлим зоналарида хўжалик иморатларига эга ҳовли участкасининг қулай ечимларига, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мисоли келтирилган. Уларда шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун шароит, яшаш ва ҳордиқ чиқаришга эстетик қулай муҳит яратишни таъминловчи омиллар ҳамда маҳаллий шарт-шароитлар эътиборга олинган. Маълумки, водопровод билан таъминланмаган ёки ёмон таъминланган ҳар бир хонадон ҳовлисида қудуқ бор.

Қудуқ қазиш учун энг аввал унга боп жой танлаш керак. Қудуқ имкони борича ҳовлининг энг баланд жойидан, молхона, ҳожатхона ва шунга ўхшиш иморат-




32-расм. Табиий тошдан тушалган йўлаклар:

- а) тош ораларига майса экилган йўлак қирқими: 1 — тош; 2 — қум;
 б) тош ораларига қоришма солинган йўлак қирқими: 1 — тош.
 2 — қум; 3 — бир текис қилиб солинган қоришма; в) ораларига
 қоришма солинган чағиртош йўлак қирқими: 1 — майдаланган
 чағиртош, 2 — қум; 3 — текис тарашланган тош-бордюр; 4 — текис со-
 линган қоришма; г) автомашина йўлакчасининг қирқими: 1 — бетон,
 2 — майда харсанг тошдан ишланган замин; 3 — қоришма;
 4 — чигиртош ораларидаги қоришма, 5 — пештахта; д) табиий тош
 тушоваларининг хиллари: 1 — содда; 2 — тўғри қаторлаб; 3 — йирик
 тошлардан; 4 — қаватлаб тушаиш.


лардан ҳамда кир ўрадан 20—30 метр нарида ёзги ошхона яқинида бўлгани маъқул.

Қудуқ девори учун турли материаллар, бетон, темир-бетон, тош, гишт, ёғоч ишлатилади. Ёғочнинг сифати яхши бўлиши лозим; қайрағоч, эман, тут, тилоғоч қудуқ яхши. Қудуқ девори ер юзидан камида 1 метр кўтарилиб туриши керак. Агар қудуқ оғзи ёғоч билан кўтарилиб ишланса, атрофини яхшилаб пишитилган лой билан қават-ма-қават қилиб шиббаланади, кенглиги 0,3 метр, чуқурлиги камида 1—1,5 метр бўлади. Қудуқнинг ер остки қисми атрофига (шибаланган жой устига) 1,5 метр радиусда тош (гишт) ёки гишт қудуқ томондан қия қилиб ётқизилади. Қудуқ оғзига зич ёпиладиган қопқоқ



33-расм. Ҳовли участкасини ободонлаштиришга мисоллар: а) чўл зонаси учун мўлжалланган ҳовли участкаси; б) қулай иқлимли водий ва тоғ воҳаларига мўлжалланган ҳовли; в) тоғли районларга мўлжалланган ҳовли; д) Фарғона водийсига мўлжалланган типовой уйнинг ҳовлиси:

1 — тураржой уйи; 2 — хўжалик ва маиший иморатлар; 3 — ҳовли (олма, нок, шафтоли ва шунга ўхшаш паст бўйли мевали ва манзара-



ли бог, гуллар экиш учун жой); 4 — мевали бог; 5 — сабзавот ва полиз экинлари; 6 — чорпо; 7 — болалар ўйнайдиган жой; 8 — узум ишкоми; 9 — шахсий транспорт турадиган жой; 10 — жийда, бодом ва бошқа дарахтлар; 11 — берк девор; 12 — пастқам тўсиқ; 13 — яшил девор; 14 — гўнг сақлаш жойи; 15 — ариқ. Хужалик ва маиший иморатнинг жойлашиш тартиби.

27-расмдаги а, б, в вариантларга гўри келади.

ўрнатилади. Сув лойқаланмаслиги ва қудуқни тозалаш осон бўлиши учун қудуқ тагига йирик қум, йирик шағал, тош 20—30 см қалинликда солинади, шунда сув филтрланиб, доимо тиниқ бўлади.

Қудуқ атрофи ҳамиша тоза бўлиши шарт, қишда қудуқ атрофида пайдо бўлган музни кўчириб олиб ташлаш керак.

Унга чуқур бўлмаган ер ости сувидан фойдаланиш учун трубади қудуқни қўллаш мумкин. Уни қўриш учун трубади ерга ўриб ёки пармалаб киритилади. Сув чиқариш учун поршенли цилиндр ва тутқичли штанга ўрнатилади.

Қишлоқларимиз электр энергияси билан таъминланганлиги туфайли қудуқдан сув олиш учун электр насосларидан кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирда бундай сув насослари хўжалик магазинларида қўплаб сотилмоқда. Қудуқга шундай насос ўрнатишда қудуқ юзини ердан баландликка қўтариш шарт эмас. Қудуқ атрофлари тоза ва текис бўлиши лозим.

Юқорида баён қилинган таклифларга риоя қилиш уй-жойни шинам, қовлини файзли қилишга ва қовли участкасидан серунум ва қулай фойдаланишга ёрдам беради.

РАЙОН МАРКАЗЛАРИ ВА КИЧИК ШАҲАРЛАРГА МОС ҲОВЛИЛАРНИНГ ЯНГИ ТИПЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Замонавий тураржойлар счимининг яна бир долзарб қирраларидан бири — бу майда шаҳарлар, қишлоқ ва район марказларида қуришга мўлжалланган уй-жойлар масаласидир. Гап шундаки, майда (аҳолиси 10—20 минг атрофидаги) шаҳарлар (бунга йирикроқ қишлоқ ва район марказлари ҳам киради) Ўзбекистондаги мавжуд барча шаҳарларнинг 60,5% ташкил қилиб, уларда 5 миллион аҳоли ёки жумҳуриятимиз шаҳар аҳолисининг 42,1% истиқомат қилади.

Майда шаҳарлар аҳолисининг турмуш тарзи қишлоқ аҳолисига жуда яқин ва шу жиҳатдан у ўртача, катта ва йирик шаҳарлардаги аҳолининг турмуш тарзидаш деярли фарқ қилади. Биринчидан, майда шаҳарларда оила таркиби ва унинг ўртача катталиги катта шаҳарлардаги оилалар таркибидан ўзининг серфарзандлиги ва тузилишдаги мураккаблиги билан фарқ қилса, иккинчидан, майда шаҳарлардаги оилалар томорқадан, ҳовли-жойдан, ердан худди қишлоқ оилаларидек воз кечмасликка интиладилар.

Маълумки, қозирги вақтда майда шаҳарлардаги кам қаватли тураржой бинолари қурилишининг 30%и замонавий тураржойларга қўйиладиган талабларга жавоб беролмайдиган эски типовой лойиҳалар бўйича амалга оширилмоқда. Булар 210, 310, 77 туркумларга тегишли икки, уч ва тўрт қаватли уйларнинг ҳамда 1—2 қаватли ҳовлили уйларнинг лойиҳаларидир. Ушбу лойиҳаларда халқ маҳаллий уйларига мос қулайликлардан фойдаланилмаган меъморий счимлар мавжуд бўлиб, энг муҳими хонадонлар (квартиралар) ҳовлисиз, ҳовли билан узвий боғланмаган ҳолда лойиҳаланган. Хонадонлар ёзги хоналари (лоджия, веранда)нинг эни эса 1,7 метрга яқин бўлиб, умумий яшаш хонаси ва ошхона олдини тўсиб қўйганлиги туфайли оиланинг, айниқса катта оилаларнинг ёзги турмуш тарзини қаноатлантирмайди.



1966 йили Москвадаги "ЦНИИЭП жилища" лойиҳа институти Тошкент шаҳри учун тажриба Э-94 туркумли 2 қаватли уйлар лойиҳаларини ишлаб чиқди. "ТашЗНИ-ИЭП" институти эса 144—101 туркумидаги намунавий лойиҳаларни такомиллаштириш устида иш олиб борди. Аксарият ижодий изланишлар ушбу уйлар лойиҳаларида, дастлабки босқичда, биринчи қаватда ёзги хоналарни тараққий эттиришни, кейинги босқичда эса хонадонлар олди боғларини ташкил қилишни таклиф этдилар. Аммо қаватларга қўйиладиган хонадонлар олди боғлари иқтисодий жиҳатдан тежамсиз бўлиб, бизнинг тез ўзгарувчан иқлимли музофотимиз шароитида, айниқса қиш пайтларида фойдаланишга номуносибдир. Бу эса уйлардаги ёзги хоналарни самарали, тежамли ва мақсадга мувофиқ тарзда ечиш зарурлигини, тураржой таркибида ички ҳовли ташкил қилиб, уни уй хоналари билан қулай боғлаш масаласини тақозо этади.

Ушбу маънода асрлар давомида халқимиз томонидан яратилган ички ҳовлили уйлар зўр қизиқиш уйғотади. Бухоро, Самарқанд, Хоразмдаги анъанавий уйларнинг меъморий тузилиши халқимизнинг уй-жойларга бўлган барча талабларини қондиришга ёрқин амалий мисол бўла олади. (34, 35, 36-расмлар).



Ушбу уйларнинг ҳажм-фазовий композицияси асосида барча яшаш ва ҳўжалик хоналари билан мутаносиб боғланган муъжаз ички ҳовли ётади.


Бухоро ва Хоразм уйларида ички ҳовли муҳити уйнинг ҳажм-фазовий композицияси билан омукта тарзда боғланиб кетиб, унинг таркибий қисмини ташкил қилади. Ички ҳовлилар суғорилмасида, қисман кўкаламзорлаштирилган, бир-икки мевали дарахт, токзор ва муъжаз гулзорлар билан ободонлаштирилган. Вазифаси, фазовий тузилиши ҳамда қўлланилган ечимлар услуги бўйича Хоразм уйларида катта ва кичик айвонли яшаш хоналарининг ички ҳовли атрофига жойлашиши, яшаш хоналари айвонларининг бир-бирига қарама-қарши тарзда шимол ва жануб томонларга қараб жойлашиши кўзда тутилган (36-расм). Шимолга қараган хона катта, яъни "уллу-айвон" икки ошён баландлигида, қолган хоналар ва жанубга қараган кичик, яъни "терс-айвон" бир ашён баландликка эга.

Бухоро уйларининг ҳажмий-фазовий композицион тузилишида қуйидагича ечимлар ажралиб туради: ички



34-расм. Бир ҳовили Бухоро уйи. Қаватлар тарҳи:
 А — биринчи қават: 1 — долон; 2 — ошхона устидаги суфа;
 3 — ёзги хона; 4 — даҳлиз; 5 — хоналар;
 6 — мадон; 8 — омборхона; 9 — айвон; 10 — ҳожатхона;
 Б — иккинчи қават; 7 — шоҳнишин; 9 — айвон-галерея; 11 — ним
 айвон; 12 — ошхона





35-расм. Қўш ҳовлили Самарқанд уйи. Тархи, қирқими ва ҳовчининг кўриниши:

1 — ҳовли ва уйга кириш жойи, 2 — омборхона, 3 — ошхона, 4 — айвон (ёзги хоналар), 5 — хоналар, 6 — галерея, 7 — даҳлиз, 8 — ёзги ошхона, 9 — ҳожатхона, 10 — уйнинг иккинчи қавати.

ҳовли атрофида ёзги ва қишки хоналарнинг периметрал жойлашиши, ёзги ва қишки хоналарнинг қарама-қарши, айрим қолларда ички ҳовлининг уч томони бўйлаб жойлашиши кўзда тутилган (34-расм). Ички ҳовли уч томондан иморатлар, тўртинчи яъни кўча томондан девор билан чегараланган. Ёзги хоналар қатъиян шимолга, қишкилари эса жанубга қаратилган.

Халқ уйларининг аъъанавий Самарқанд тили алоҳида хусусиятларга эга эмас. Уларда уйларни икки: ичкари ва ташқарига бўлиш аъъанавий ҳисобланиб, ободонлаштирилган ички ҳовли атрофига жойлаштирилган турли ёзги хоналар кўзга ташланади (35-расм).

Шу муносабат билан биз қуйида жумҳуриятимизнинг асосан майда шақарлари, қишлоқ ва район марказлари ва шаҳар типигаги посёлкаларида қуришга мўлжалланган тураржой биноларини лойиҳалашнинг меъморий ва композицион масалаларига тўхталиб ўтамиз.

МАҲАЛЛИЙ ТАЛАБЛАР АСОСИДА УЙ-ЖОЙЛАР РЕЖАСИ ТУЗИЛИШINI ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Марказий (ЦНИИЭП) ва Ўрта Осиё тураржой биноларини лойиҳалаш ва илмий тадқиқот зонал (ТашЗНИИЭП) институтларининг бу соҳадаги кўп йиллик иш тажрибаларига кўра, иссиқ иқлимли Ўзбекистон шароитида тураржой уйлари ва хонадонлар қуйидаги асосий хоналар гуруҳидан: шахсий яшаш хоналари, умумоилавий яшаш хонаси, шахсий гигиена хоналари (ҳаммом, ҳожатхона, хўжалик хизмати хоналари (ошхона, омборхона, кир ювиш хонаси), боғловчи хоналар (дахлиз, йўлак, холл), турмуш ускуналарини сақлаш ва жойлаштириш хоналари (омборхона, ертўла (подвал) озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган хона ва уларни сўкчакларда жойлаштириш, ҳамда ҳовли сатҳи билан қулай бошлашни ташкил қилишдан иборатдир.

Ушбу хоналар гуруҳидан тузилган ҳовли композицияси ва режасини маҳаллий талаблар асосида лойиҳалаш жумҳуриятимиз табиий-иқлим шароитини аҳолининг ижтимоий-демографик омилларини, оилаларининг кўп болалигини, яшаш анъаналарини, оила турмуш тарзи ва бошқаларга асосий эътиборни қаратиш талаб этилади.

Жумҳуриятимизнинг ёзги иссиқ даври узоқ ва қийин кечганлиги сабабли оила юмушларини асосан салқин мўжаз иқлим ҳосил қилувчи ички ҳовлида ташкил қилиб, ёзги хоналарни ҳовли билан омикта боғлаш, ошхона, ҳамда асосий хоналарни шамоллатиш талаб қилинади.

Замонавий уй-жойлар режасини такомиллаштиришда кўп болали оилалар турмуш тарзининг кечишини, маданий маиший ва ёрдамчи хоналарни ташкил қилиш, улардан фойдаланиш ҳусусиятларини алоҳида ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, кўп болали оилаларда оила турмушини, болалар тарбиясини яхши йўлга қўйиш, оила аъзоларининг дам олишини ва овқатланишини тўғри ташкил қилиш шахсий хоналарни тўғри жойлаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Оила аъзоларининг ортиб бориши маҳаллий миллат аҳолисида асосан 1,5—2 йилни ташкил қилиб, бу болалар ва шахсий яшаш хоналарининг жойлашишига алоҳида эътибор беришни тақозо этади.

Ижтимоий кузатувлар шуни кўрсатадики, шаҳар муҳитидаги уйларда умум оилавий хонадон асосан дам олиб ҳордиқ чиқариш, меҳмон кутиш, оила бошлиқларининг хусусий мутолааси ва шахсий машғулотлари учун фойдаланилади. Айни пайтда ёзги хоналар ва ҳовли, айниқса ёз шароитида барча оилавий юмушларни бажариш жараёнини утказишни ўз зиммасига олади.

Катта оилаларда ётоқхоналарни тўғри жойлаштириш оилада ором ва қулайлик яратиш демакдир. Бундай оилаларда болалар хоналари уларнинг уйинлари билан машғул бўлиш хонаси ва ухлаши учун ҳамдир. Шуни одоб ва тарбия нуқтаи назарида болаларнинг хоналарини катталар ётоқхонасидан иложи борича холироқ жойлашган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Умуман уйни режалашда кўп болали оилаларда болалар ва катталарнинг ётоқхоналарини тўғри жойлаштириш муҳим ҳисобланади. Маҳаллий миллат оилаларига хос бўлган яна бир муҳим нарсa қарияларнинг мавқеи ва оилада тутган ўрнидир. Айни пайтда қария ота-оналар болалар тарбиясида ва уй-рўзғор ишларида оиланинг энг яқин маслаҳатчиси ва кўмакчисидир. Шунинг учун ҳам уларга бўлган ҳурмат эътибор чексиз, ҳовлида улар учун алоҳида хоналар ташкил қилиш эса халқимиз удумидир. Қариялар хоналарини ҳовлида алоҳида кириб-чиқувчи эшиклар билан таъминлаши мақсадга мувофиқдир.

Келажакда ёшларимиз маданияти ва дунёқарашининг тобора ошиб бориши билан, эркин ижод, хусусий мутолаа, малака ошириш каби юмушлар уй хоналари таркибида ҳар бир катта ёшдаги оила аъзоларининг шахсий машғулотлари учун китоб жавонига эга алоҳида ишлаш хоналари ташкил қилишни ҳам тақозо этади.

Шундай қилиб, назарий мулоҳазалар шуни кўрсатадики, яқин келажакда жумҳуриятимиз майда шаҳарлари ва қишлоқ марказларида оиладаги шахсий хоналар қуйидаги кўринишларда бўлиши кўзда тутилади:

— оиланинг ҳар бир аъзоси учун ўзгарувчан (универсал) тусдаги шахсий хоналар (ухлаш, мутолаа қилиш, касб фаолияти, спорт ва бошқалар);

— эр-хотиннинг ётоқ хонаси (3—4 ёшли боланинг кровати билан);

— қарияларнинг хонаси;

— ёзги ётоқхоналар.

Маҳаллий аҳолининг қадимий удумларига кўра, хонадондаги овқатланиш жойи оила аъзоларининг иш, уқиш ва бошқа уй юмушларидан бўш пайтларида бирга бўладиган асосий жойдир. Бу жой рус тилидаги "кухня", яъни учоқ боши маъносини ҳам англатадиган сўздан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам хонадонда овқатланиш жойи Ўзбекистон шароитида кам қаватли уйларда ўзига хос шарқона тарзда ечилиши лозим. Ундан хонадон аъзолари учун доимо бирга овқатланидиган, ўзаро йиғиладиган ёзги хона ёки меҳмонхона тарзида ҳам фойдаланишлари мумкин.

Шундай қилиб, турли типдаги ижтимоий-демографик оилалар учун хонадондаги хўжалик хоналарини ошхона, овқатланиш хонаси, ёзги ошхона ва овқатланиш жойи; овқатланиш жойи ва меҳмонхона каби кўринишларда лойиҳалаш мумкин.

Ўзбекистонда тураржой меъморчилигининг асосий муаммоларидан бири хонадонда ёзги турмуш тарзини ташкил қилишни такомиллаштиришдир. Расмий қурилиш меъёрлари ва қондалари (СНиП) га биноан уйларнинг ёзги хоналари одатда балкон, лоджия, веранда ҳисобланиб, улардан уйларнинг ташқи кўринишига бадиий-эстетик тус беришда меъморий восита сифатида ҳам фойдаланиб келинмоқда. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек бу ҳилдаги ёзги хоналар иссиқ иқлим шароитида ёзги турмуш тарзини тулиқ қаноатлантираолмаяпти.

Ёзги хоналарнинг асосий вазифаси рўзгор юмушларини бажаришни осонлаштириш, хонадонда қулай био-гигиеник шароит яратишдир, хоналарни ташқи муҳит — табиат, қуёш ва тоза ҳаво билан боғлашдир. Ўрта Осиё шаҳарлари меъморчилигида одатдаги уйларнинг тузилиши шундайки, уларда ички ҳовли бутун уй композицион ўзаги, яъни маркази ҳисобланиб, хонадоннинг барча хоналарини ташқи муҳит билан боғлаб туради. Уларда қўлланилган турли айвонлар уй билан ҳовли ўртасида боғловчи қисм ҳисобланади (34-36-расмлар).

Хўш, ёзги турмуш тарзини қулай таъмин этувчи таркибий функционал қисмлар нималардан иборат? Халқимизнинг кўп йиллик тажрибалари шуни кўрсатадики, кам

қаватли ҳовлили шаҳар уйларида ёзги хоналар асосан ички ҳовли, айвон, йўлак, очиқ терраса, пешайвон, сўрилар орқали тўсилган томлардан иборатдир. Шулардан энг кўп тарқалгани ички ҳовлилар, айвонлар ва усти ёпиқ узун йўлак(далон)лардир. Уйнинг меъморий ечими, оила аъзоларининг сони ва оиланинг тузилишига қараб, ёзги хоналар кўриниши турличадир. Умуман ёзги хоналар халқ уйларида хонадон аъзоларининг ёзда доим бўладиган, овқатланадиган, ухлаш ва ўз шахсий юмушлари билан шугулланадиган жойи вазифасини ўтаб келмоқда. Айни пайтда бу хоналар уй-жой микроиқлимини яхшилашга ёрдам берадиган муҳим таркибий қисмлардир.

Ёзги хоналар ва ҳовли микроиқлимияни текшириш ва уни бошқа текширув натижалари билан таққослаш шуни кўрсатадики, хонадонда ҳовлининг бўлиши ва унда ёзги хоналарнинг қулай ташкил этилиши, иссиқ ҳаво ҳароратини 10°C тушириб, намликни 20—25 фойз оширишни таъмин этади.

Хонадондаги ёзги хоналар ва ҳовли сатҳини меъёрлаш, оила аъзоларининг сони, миллий-турмуш таомили, фойдаланиш услуби ва табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқиши лозим. Уларни қуйидагича вариантларда:

- айвонни умумий хона ва ухлаш хонаси ёнида жойлаштириш;

- террасани умумий хона ва ошхона ёнида ёки алоҳида, иккинчи қаватда, ухлаш хоналари ёнида жойлаштириш;

- хоналар ҳовлининг икки томонида;

- хоналар ҳовлини айлантирилган ёки ярим айлантирилган, яъни уч-тўрт томонида;

- ҳовли майдонини ёзги хоналар (айвон ёки терраса) ёрдамида икки-уч булақларга бўлинган ҳолда лойиҳалаш мумкин.

Ҳовлининг шакли ва ўлчовлари хоналар ва ҳовли майдонига қуёш нурунинг қай даражада тушиши ва ориентациясига қараб аниқланиши мақсадга мувофиқдир. Айвонларни турли баландликда, катта (кенг) ёки кичик шаклларда қўллаш мумкин. Террасаларни эса алоҳида турган, яшаш хоналарига туташган ёки хоналар оралиғида жойлаштирилгани маъқул. Шундай қилиб, жумҳуриятимизнинг иссиқ иқлимли шароитида ёзги хоналарни шакллантириш ва ривожлантириш уй қуришнинг нафақат таркибий қисми, балки хона микроиқлимини тартибга

солиш ва ташқи очик муҳит билан қулай боғланишини таъминлашдир. Айни пайтда бундай хоналарга ёзда дам олиш, меҳмон кутиш, ухлаш, хўжалик юмушларини бажариш каби вазифалар ҳам юклатилиб, улар аҳолининг ёзги турмуш тарзини таъминлаш билан бир қаторда, уйнинг бадиий-эстетик кўринишини тантанавор тусга киритувчи ўзига хос меъморий восита ҳамдир.

Маданий — маиший ва ёрдамчи хоналар. Ижтимоий кузатишлар шуни кўрсатадики, замонавий хонадонларда маданий-маиший мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган умумоилавий яшаш хоналарининг вазифаси сезиларли даражада кенгайиб бормоқда. Оила аъзоларининг биргаликда телевизор кўриши, янги ахборотлар ва видеомагнитофон кўрсатувларини томоша қилиши, оила аъзоларини қизиқтирувчи, хонадонга қўшимча даромад келтирувчи ақлий ва жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш учун ижодий устахоналар, шунингдек хонадонда алоҳида оилавий соғломлаштириш спорткомплекс жиҳозини ўрнатиш шулар жумласидандир.

Техника тараққиёти ва ҳозирги иқтисодий қайта қуриш жараёни умум оилавий хоналар таркибида махсус кутубхона ва шахсий компьютерлар билан жиҳозланган замонавий иш кабинетлари ҳам ташкил қилишни тақозо этмоқда. Бундай иш кабинети махсус хона тархида ёки кичикроқ оилаларда, умумий хона таркибидаги алоҳида иш зонаси тарзида шаклланиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда маҳаллий миллат аҳолисининг телекўрсатувларини томоша қилиш мақсадида ахлоқ ва одоб муносабатларини назарга олиб алоҳида хона ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кўриб турибмизки, умум оилавий яшаш хоналарининг вазифалари кундан-кунга ошиб бормоқда. Овқатланиш, тантанали маросимларни ўтказиш, дам олиш, телекўрсатувлар томоша қилиш, қизиқарли машғулотлар билан шуғулланиш, меҳмон қабул қилиш ёки ухлаш учун қўшимча жой сифатида фойдаланиш — булар умумий хонанинг ҳозирги кундаги ўзига хос турли-туман кўринишларидир.

Хуллас, умумоилавий яшаш хонасини қуйидагича кўринишларда талқин этишимиз мумкин:

овқатланиш хонаси — меҳмонхона;

— овқатланиш хонаси — меҳмонхона — ойнаижаҳон олдида дам олиш.

— овқатланиш хонаси — меҳмонхона — иш хонаси (кутубхонали кабинет тарзида) — ойнаижаҳон олдида дам олиш;

Демак умумоилавий функцияларнинг хилма-хиллиги, уларнинг яхлит тарзда жойлашиши, биринчидан меъморий-режалаштириш воситалари ёрдамида оилага самарали хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, қулай муҳит яратиш, иккинчидан, турли қимматбаҳо техника воситаларидан воз кечиш ва ҳоказолар.

Ҳовлиларнинг янги типларини лойиҳалаш ва уларни маҳаллий шароитда қўллаш бўйича таклифлар. Жумҳуриятимизнинг турли районлари ўзига хос маҳаллий табиий-иқлим шароитларига эга. Шу билан бирга жумҳуриятимиздаги барча шароитлар учун хос бўлган умумий хусусиятлар ҳам борки, булар: юқори даражадаги қуёш радиацияси, иқлимнинг (кундуз кун, кечқурун, эрталаб) кескин ўзгарувчанлиги ва сувнинг камчиллигидир. Шулардан биринчиси энг бош омил юқори даражада иссиқ ва қуруқ иқлим тураржойларда яшаш муҳитини ноқулайлигини вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам бундай хонадонда яшашга қулай био-гигиеник шароит яратиш жуда муҳимдир.

Айни пайтда уй-жойнинг қулай ечими уларда хоналарни жойлайтириш услуги уларда самарали шабада ҳаракатини шакллантиришга, шамол йўналишини ва тезлигини бошқаришга, об-ҳаво оғир кунлари эса шамолнинг уй ичида (секундига 0,1—0,5 м) ва тураржой гуруҳлари ҳудудида (секундига 1—2,5 м) тезликдаги ҳаракатига мос шароит яратишга, қуёш нури, иссиқ шамол, чанг-тўзоннинг салбий таъсирини пасайтиришга қаратилиши зарур. Бунинг учун қуйидаги меъморий-режавий вазифалар тўғри ҳал этилмоғи лозим:

а) хонадон ички муҳитининг ҳаракатини ўзаро кесиш-майдиган функционал боғланишларга бўлиб чиқиш;

б) ёзги хоналарни ҳовлида мақсадга мувофиқ жойлаштиришга эришиш;

в) ҳовли муҳитини шакллантириш (1 ёки 2 ҳовлилик тарзида тузиш ва ҳовлини хонадоннинг барча хоналари билан қулай боғлаш);

г) хонадонда қулай био-гигиеник шароит яратиш, уйни 3 ёки 4 томонидан ёндоштириш (блокировкалаш) мақсадида барча хоналарни ички ҳовли муҳитига қаратиш;

д) хонадонни қўшни хонадонларга ёндоштиришда ҳовли муҳитининг қулай ўлчовларини назарда тутиш.

Юқорида баён этилган барча меъморий-режа талаблари мажмуасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистоннинг майда шаҳарларида юқори тигизликда қуришга мўлжалланган, кам қаватли уй-жойларнинг туркумли лойиҳалари ишлаб чиқилди. Туркумга турли катталиқда ва тузилишдаги оилаларга мўлжалланган, хоналар сони 4 дан 7 гача бўлган ўнта ҳовлили тураржой лойиҳалари киритилган (37—45 расмлар).

Улар орасида 1—2 ва 3 хоналик ҳовлилар йўқ, чунки жумҳуриятимиз шароитида, айниқса, демографик турмуш тарзи қишлоқ оилаларига яқин турувчи майда шаҳарлар шароитида 1—2 хонали уйларга зарурат йўқ ҳисоби. Уч хонали уйлар эса 2—4 кишидан иборат ёш оилаларга мўлжалланган бўлиб, асосан катта ёки йирик шаҳарлар шароитига бопдир. Жумҳуриятимизда, айниқса майда шаҳарларда 4—7 хонали уйларга эҳтиёж сезиларли даражада юқори, чунки кўп хонали уйлар халқимизнинг маҳаллий-демографик ва анъанавий турмуш таомилига жуда мос тушади. Бундай уйларни бир-бирига ёндоштириб қуриш эса 2 ёки 3 авлоддан тузилган оилаларнинг ва умуман сони, таркиби ва тузилиши турли-туман бўлган маҳаллий миллат хонадонларининг турмуш тарзи учун қулай имкониятлар яратиб беради.


Туркумдаги уйлар таркибида бир қаватли, аралаш қаватли, яъни қисман бир, қисман икки қаватли, алоҳида икки қаватли ва уч қаватли ҳовлили уйларнинг лойиҳалари ишланган. Бундан ташқари туркум таркибига 4;5 ва 6 нафар хонадонлардан иборат алоҳида уйлар лойиҳаси ҳам киритилган (44—45-расм). Ушбу лойиҳаларни қўллаш туфайли тархи турлича бўлган 50 хил кўринишдаги тураржой қурилишига эга бўлиш мумкин.

Таклиф этилган уйларнинг режалари бир ҳовлили, икки ҳовлили, уч ҳовлили ва аралаш, яъни бир нечта хонадон мажмуидан, Г—, П—, Р—, Ч— ва мураккаб шаклдаги кўринишлардан иборат.

Фойдаланишда қулайлик яратиш учун ушбу уйларнинг типологик таснифи қуйидагига ишлаб чиқилган.


Бир-икки қаватли уйлар бўйича:

Лойиҳалар муаллифи меъморчилик номзоди А. Фармонов, меъмор Р. Тўйчиев.



37-расм. Майда шаҳарлар учун ҳоилили уйлар. Қисман икки қават-
ли тархи П-шаклидаги 7—8 хонали уч амлодга мўлжалланган уйлар.
тархи, қирқимлари:

1 — даҳлиз; 2 — айвон; 3 — меҳмонхона; 4 — ошхона; 5 — санузел;
6 — омборхона; 7 — галерея; 8 — айвон; 9 — хоналар; 10 — зинапоя.



38-расм. Майда шаҳарлар ва қишлоқ район марказлари учун ҳовлили уйлар. Бир қаватли тархи Р-шаклидаги 6 хонали уй, тархи, кўча томондан кўриниши:

1 — даҳлиз, 2 — терраса; 3 — меҳмонхона; 4 — иш кабинети; 5 — ош-хона; 6 — омборхона; 7 — ваннахона (ҳаммом); 8 — айвон; 9 — яшаш хоналари; 10 — дарвозахона (гараж).

тархи Г— шаклидаги уйлар (уч хил типда, 40—42-расмлар);

тархи П—шаклидаги уйлар (икки хил типда, 37-расм);

тархи Р— шаклидаги уйлар (икки хил типда, 38—39-расмлар);

тархи мураккаб шаклдаги қўш ҳовлили уй (43-расм);


Икки-уч-тўрт қаватли 4—6 хонадонли уйлар бўйича:

тархи хоч шаклидаги уй (44-расм);

тархи мураккаб шаклдаги уй (45-расм);

Бир қаватли уйлар П—, Р—, ва Г— шаклдаги режаларга эга.


37-расмдаги уйда барча хоналар ҳовли атрофида жойлашган. Уйга кўча тарафдан даҳлиз ёки долон орқали, шунингдек, айвон орқали ҳам кириш мумкин. Даҳлиздан кирилганда ундан ҳар иккала хоналарга ўтиш, айвондан



39-рasm. Майда шаҳар ва қишлоқ район марказлари учун ҳовлили уйлар. Қисман икки қаватли 4—5 ва 8 хонали Р-шаклидаги уй. Тархлари:

А-биринчи қават: 1-даҳлиз; 2-ошхона; 3-меҳмонхона; 4-иш хонаси; 5-санузел; 6-терраса; 7-омборхона; 8-дирвозахона (гараж); 9-хоналар; 10-айвон; 11-зинапоя; 12-ёзги ошхона (тандир); Б-иккинчи қават тархи.

кирилганда эса сатхи 60 дан 90 кв.м гача бўлган тўртбурчакли ҳовлига ўтиш мумкин. Чап томонда кундуз куни бўлинадиган умумоилавий хона, ўнгда эса ётоқхоналар, кираверишдаги галерея орқали ўтилганда уклаш учун бир гуруҳ хоналар жойлаштирилган. Ҳовли этагида ҳожатхона ва кир ювиш хонаси жойлашган. Уй 6 дан 10-тагача кишидан иборат 2 ёки 3 авлоддан тузилган мураккаб оилага мўлжалланган.




42-расм. Маида шаҳар ва қишлоқ район марказлари учун ҳовилили уйлар. Бир-икки қаватли, яшаш хоналари, 3 тадан 8 тагача ўсиши мумкин бўлган уй. Қаватлар тархи, қирқими.

А-биринчи қават: 1-дарвозахона (гараж); 2-айвон; 3-даҳлиз; 4-ошхона; 5-санузел; 6-омборхона; 7-меҳмонхона; 8-иш кабинети; Б-иккинчи қават: 3-даҳлиз, 5-ҳожатхона; 9-хоналар; 10-терраса; 11-фойдаланувчи том (ним айвон); Б—ўсувчи қаватларнинг тархлари.

гини кутариш орқали бажарилади. Бу типдаги уйларни бир-бири билан ёки бошқа типдаги уйлар билан уч томондан ёндоштириб қуриш имкониятлари мавжуд.

Икки қаватли уйлар уч типда Г— шаклдаги режада ишланган бўлиб, 6—10 кишили оилаларга, шунингдек 2—3 авлоддан тузилган мураккаб хонадонларга ҳам мўлжалланган. Уйга айрим хонадонларда ҳовли орқали, бошқа хонадонларда эса дарвозахона орқали кириш мумкин (40, 41, 42-расмларга қаранг). Ушбу уйларда хоналарни жойлаштириш тик, яъни қаватлар бўйлаб қал қилинган. Кундуз кунги, яъни умумоилавий хоналар (ёрдамчи ва хизматчи хоналари билан бирга) ва асосий




43-расм. Майда шаҳар ва қишлоқ район марказлари учун домлили уйлар. Бир, қисман икки қаватли мураккаб тархли 6-хонали уй. Макети, тархи ва қирқими. А-биринчи қават: 1-дарвозахона (долош); 2-даҳлиз; 3-меҳмонхона; 4-иш хонаси; 5-ошхона; 6-айвон; 7-ваннахона; 8-қоҳатхона; 9-хоналар; 10-терраса; 11-галерея; Б-иккинчи қават.

Ўзги хоналар биринчи қаватда, тунги хоналар, яъни ётоқхоналар ҳамда уларга тегишли ўзги хоналар, иккинчи қаватда жойлашган. Қаватлар уй ичидаги зинапоя орқали боғланган. Бақор-куз пайтлари эса қаватлар асосан ташқн, енгил жимжимадор ишланган зинапоя орқали боғланади.

Оиланинг ўсиши жараёнида уйдаги хоналар сони уйнинг бирор қисмига иккинчи қават қуриш йўли билан амалга оширилади. Хоналарни шамоллатиш аралашига, яъни бурчакдан, ётиқ ёки тик кўринишларда бажарилади. Уйларни 3—4 қатор бўйлаб, 2—3 ва 4 томонлама ёндоштириб қуриш имкониятлари мавжуд.

Бир ва қисман икки қаватли уйлар режаси мураккаб шаклга эга бўлиб, хоналарни ўзаро холилаштириш ва микроклимни яхшилашга ёрдам берувчи алоҳида ҳовлилардан тузилган (38—43-расм).




44-расм. Майда шаҳарлар учун ҳовилии уйлар. Икки қаватли 4 хонадонга мўлжалланган ҳож шаклидаги уй. Тар-
 хи, қирқими ва уйларни ёндоштириб қуриш услублари.
 А-биринчи қават: 1-даҳлиз; 2-ошхона; 3-меҳмонхона; 4-иш
 кабинети; 5-ҳожатхона; 6-яшаш хонаси; Б-иккинчи қават:
 6-яшаш хоналари; 7-зина; 8-фойдаланувчи том (ним
 айвон); В-қуришда ёндоштириш услублари.

Шунингдек, Г — шаклдаги режада ечилган тўртта хо-
 надондан иборат икки қаватли уй лойиҳаси ҳам ишланган
 (44-расм). Унда уй режасининг ечими шундайки, иккинчи
 қаватда қурилган ётоқхоналарни ва фойдаланувчи том
 ўрнини зарурат туғилганда ўзгартиб туриш имконияти
 яратилган. Бу эса, ўз навбатида, уй шарпасини (силуэ-
 тини) ўзгартиришга ва шу аснода, тураржой кўринишини
 чиройли ечишга ёрдам беради. Уйларни бир-бирига ён-
 доштириб қуриш эса ҳар тўртала тараф бўйлаб ҳам
 амалга оширилиши мумкин. Бу каби ўзига хос қулай-
 ликлар ушбу уйларни қуришда турли шакллардаги ер
 участкаларидан кенг фойдаланишга имкон беради.


45-расмдаги уйнинг режаси асосида бундан ташқари
 уч қаватли уй ечимини ҳам олиш мумкин. Бунда учинчи
 қаватдан бошқа қаватларга боғланмаган ҳолатда алоҳида
 фойдаланиш мумкин, чунки учинчи қават 3—4 хонали
 холилаштирилган муъжазгина (саҳни 24 кв.м) ҳовлига
 эга бўлган алоҳида хонадондан иборат бўлиб, унга кўча
 тарафдаги очиқ зинапоя орқали чиқилади. Бундай
 ҳолатда барча хонадонларни ёндоштириб қуриш орқали
 қондош мураккаб оилаларга, умумий ҳовлига эга бўлиш
 мумкин.



Уйларни бир-бирига ёндоштириб қуриш, турли хил
 йўллар билан, масалан хонадонларнинг алоҳида типларини
 олиб ёки аралашган, яъни лойиҳаланган уйларнинг турли
 типларини исталган кўринишда бир, икки ва уч қаватли
 уйлар қўллаб бажарилиши мумкин. Бу эса тураржой
 муҳитининг янада жимжимадор, бағоят маҳобатли
 кўринишлардаги ечимини яратишга имкон беради.

A




D





45-расм. Майда шаҳарлар учун ҳовилили
уйлар. Уч қаватли 6 хонадонга
мўлжалланган уй. Макети, қаватлар тархи
А-биринчи қават: 1-даҳлиз;
2-ошхона; 3-меҳмонхона; 4-иш хонаси;
5-ҳожатхона; 6-ётоқхона; Б-иккинчи қават:
1-даҳлиз; 5-ҳожатхона; 6-хоналар; 7-айвон;
8-зинапоя.



46-расм. Майда шаҳарлар ва қишлоқ ҳоҳия марказлари учун тақлиф этилган уйлардаги яшаш ҳовлиларини ободонлаштириш услублари: А-қўш ҳовлили уйларда ҳовлиларини ободонлаштириш; Б-ёндошлаган уйларнинг ҳовлиларини ободонлаштирилиши.


Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бундай уйлاردан шаклланган алоҳида тураржой гуруҳлари ёки маҳаллаларда нафақат ташқи кўринишидан, балки ҳовли ичи муҳитидан ҳам тантанавор, бадиний-эстетик кўринишларга эга бўлиш имкониятлари жуда катта, чунки ҳовли ичи ободончилиги, ундаги асосий ва ёрдамчи ёзги хоналар, қаватлардаги дераза ва конструктив элементларнинг ўзаро мутаносибликда ва нафис композицияларда ечилиши бундай эстетик ва жонли кўринишларга эга бўлишда ёрдам беради. Шунингдек, ҳовли ичи муҳитида уйлارни алоҳида ёки бир-бирига ёндоштириб қуриб ҳам нафис композицияларга эришиш мумкин. Унда ҳовлидаги гулзор ва дарахтлар, сўри, баланд кўтарилган ишком, супа, мўъжазгина фаввора ва шу каби ҳовли элементлари нафақат табиат гузаллигини, балки қулай микроиқлимни ҳам вужудга келтиришда катта имконият туғдиради (46-расм). Демак бу ерда ҳовли муҳити нафақат хонадонда, балки бир нечта хонадонлардан тузилган уйлар гуруҳини ташкил қилишда ҳам муҳим композицион элемент бўлиб ҳисобланмоқда.

ЯНГИ ТИПДАГИ УЙЛАР ҚУРИЛИШИДАН ТУРАРЖОЙ ГУРУҲЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Лойиҳалари ишлаб чиқилган янги типдаги уйларнинг турли режаларда, аммо ўхшаш конструктив услубларда ечилиши шаҳарсозликда тураржой қурилишининг турлитуман ҳолатларини: алоҳида уй, ёндошган (туташган) уйлاردан тузилган тураржой гуруҳлари (ёки маҳалла), микрорайон ҳамда махсус уйлар мажмуаси каби чексиз хусусий вариантларни олиш имкониятини беради (47-расм).

Энди уйлارни бир-бирига ёндоштириб қуришнинг қуйидаги асосий композицион услубларига тўхталиб ўтамиз.

1. Уйлارни чизиқли қаторлаб ёндоштириш. Бунда ҳовлисига эга булган алоҳида қурилган уйлар томорқаси орқали ёндоштирилади. Икки хил кўринишда: а) алоҳида уйлارни кўча бўйлаб ҳовлилари орқали қатор ёндоштириш ва б) шундай уйлارни кўча қизил чизиги бўйлаб ёки ундан ичкарига бир, икки, уч ёки тўрт қатор ўтказиб жойлаштириш мумкин. Бундай ёндоштиришда тураржой уйларининг кўча бўйлаб ҳам бўйига, ҳам баландга тантанавор кўринишини олишимиз мумкин. Шунингдек, чи-



47-расм. Кичик шаҳарларда маҳалла тузилишидаги тураржой қурилишини ташкил қилиш услублари: А-тураржой гуруҳларидан маҳалла ташкил қилиш услуби; Б-тураржой гуруҳларидаги ҳовили уйларга транспорт хизматини ташкил қилиш, В-ички ҳовили уйлар гуруҳини жамоа майдони билан боғлаш; Г-тураржой гуруҳини ташкил қилишда қўлланилган уйнинг тархи ва қирқими.

зиқли қаторлаб ёндошган уйлар турлича рельефда ёки поғонали участкаларда бўлиши мумкин (48, а-расм).

Ҳар бир алоҳида олинган уйда қулай турмуш шароитларининг бўлишига қарамай, уйларни чизиқли ёндоштиришнинг ўзига хос камчиликлари ҳам бор. Муҳандислик тармоқларининг чузилиб кетиши, қурилишнинг нисбатан паст тифззлиги, аҳолига жамоа ҳаётини ташкиллаштиришга имконият камлиги шулар жумласидандир.

Уйларни гуруҳли ёндоштириш. Тураржой қурилишида уйларни бир-бирига гуруҳли ёндоштириш натижасида фазовий ечими ва имкониятлари турли-туман бўлган тураржой гуруҳларига эришиш мумкин (48 б-расмлар). Гу-

	<i>Ёндоштиришдаги имкониятлар</i>	<i>Уйларнинг қўриғиши</i>
<i>Қаторлаб ёндоштириш</i>		<i>Алоқиди турган</i> <i>Турли пагоналарда</i> <i>Қийинда</i>
<i>Гуруҳли ёндоштириш</i>		<i>Текис жойда</i> <i>Турли пагоналда</i>
<i>Жимжимадор (гиламнуска)</i>		<i>Текис жойда</i> <i>Қийинликларда</i>
<i>Туташ (замжирли ёндоштириш)</i>		<i>Текис жойда ёки гуруҳ ҳамда турли жойларда</i>

48-расм. Таклиф этилган уйлари ёндоштириб қуриш услублари: А—қаторлаб ёндоштириш; Б—гуруҳли ёндоштириш; В—жимжимадор (гиламнуска); Г—туташ ёндоштириш.

руҳлар хилма-хиллигини жойлашадиган оилаларнинг типлари, зарур қурилиш тизимлиги, қурилиш участкасининг шакли, жой рельефи ва бошқалар белгилаб беради. Бунда турли хонадонларнинг ягона тураржой гуруҳига бирикиши ҳар бир хонадон турмушига қулай шароит туғдирибгина қолмасдан, балки ушбу тураржой гуруҳида яшовчиларнинг жамоа ҳаётини ташкил қилишда ҳам қулай шароитлар яратади, чунки тураржой гуруҳида турли мақсадларда: болалар ўйинлари, жамоанинг ўзаро мулоқотлари ва шу каби юмушларини бажариш мумкин бўлган жамоа

ҳовлисини ташкил қилишга эришиш мумкин. Бир неча тураржой гуруҳлари бирлашиб маҳалла жамоа марказини ташкил этиши мумкинки, бу ерда энди болалар муассасалари (болалар боғчаси, мактаб), спорт майдончалари, муъжаз эстрада, савдо дукончалари, миллий таомиллар, чойхона, ҳовуз ва ниҳоят маҳалла клубини ташкил қилиши мумкин (48,в-расм).

3. Уйларни жимжимадор яъни (гиламнусха) ёндоштириш. Уйларни бир-бирига бундай ёндоштириб қуришни (48,г-расм) ясси ҳамда рельефли, шакли мураккаб тузилган нисбатан кичик участкаларда олиб бориш жуда қулайдир. Бунда сезиларли даражада юқори тигизликдаги тураржой қурилишини амалга ошириш мумкин. Уйларни гиламнусха ёндоштириш, аслида шартли равишда номланган бўлиб, тураржой қурилишининг меъморий-фазовий ва режавий тузилиши уларнинг шундай ёндошганда гиламбоп жимжимадор шакллардаги кўринишидан келиб чиққан. Жимжимадор ёндоштириш, рельефи нишаб жойларда, айниқса, уйларни поғоналаштириб қурилганда кишига завқ берувчи меъморий кўринишларга эга бўла олади.

4. Уйларни занжирли (туташ) ёндоштириш. Жумҳуриятимизнинг табиий-иқлим шароити ноқулай (шамол, чанг-тўзонли) ноҳияларида уйларни бир-бирига берк, туташ ёндоштириб қуриш мақсадга мувофиқдир, чунки уйларни бундай қуришда барча хонадонларга кириш асосан ички муҳитдан ташкил этилган бўлиб, ташқарига, фақат ёрдамчи хоналаргагина қаратилган бўлади (48,д-расм). Уйларни бундай жойлаштириш барча яшаш хоналари ва ҳовли муҳитини ноқулай ташқи иқлим таъсиридан (чанг-тўзонлари, совуқ ва иссиқ, "гармсел ва "афғон" шамоллари)дан сақлашда айниқса қулайдир. Бунда ички очиқ ҳовли муҳитни ободонлаштириб ва кўкаламзорлаштириб қулай микроиқлим яратиш имконияти ҳам катта (48,в-расм).

Тураржой гуруҳларининг катталиклари 4 тадан 12 тагача ёндошган уйлардан иборат бўлиб, рельефи (15—20° гача) қия қурилиш майдонларида исталган услубда уйларни бир-бирига ёндоштириб қуришни қўллаш мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, ҳар бир ёндоштириш услубида ҳам уйларнинг поғонали тартибда қуриш имкониятлари мавжуд.

Шундай қилиб, кўриб турибмизки, таклиф этилаётган уйлар типлари ва уларни ёндоштириб қуриш катта

қулайликларга эга бўлиб, тураржой меъморчилигида турли-туман бадний-эстетик композицияларга ва қурилишда юқори тигизликка эришиш, мавжуд табиий иқлим ва анъанавий-миллий шароитларни эътиборга олиш имкониятларини беради.

ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР

Тураржой қуриш танқислиги авж олиб бораётган бугунги кунда қурилишнинг иқтисодий жиҳатдан қулай, мақсадга мувофиқ ечимларини топиш айни муддаодир.

Камқаватли, юқори тигизли ҳовлили уйларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун майда шаҳарлар ва район марказларида ҳозирги кунда қурилаётган бир-икки қаватли томорқали уйлар ва секцияли типовой 3—4 қаватли уйларнинг қурилишидаги иқтисодий кўрсаткичларини ушбу таклиф этилаётган уйлар кўрсаткичлари билан таққослаб кўрамиз. Таққослашда ҳар учала ҳолат учун ҳам бир хил катталиқдаги қурилиш ҳудуди олинган (49-расм).

Таклиф этилаётган ҳовлили уйларни берилган ҳудудда гиламнухса услубида ёндоштириб қуриш кўзда тутилган. Таққослаш шуни кўрсатадики, 1—2—3 қаватли ҳовлили уйлардан тузилган тураржой гуруҳлари 2—4 қаватли секция типидagi уйларга нисбатан 1, 22 марта кўп, бир қаватли томорқали уйларга нисбатан эса, 4 марта кўп аҳолини жойлаштириш имконини беради (7-жадвалга қараиш).

7-жадвал

Қурилиш ҳудудидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини таққослаш

Қурилиш услуби	Уй-жой қурилишнинг тигизлиги (1 гектар ердаги одам сони)	Қурилиш ҳудудидан фойдаланишдаги самарадорлик
Бир қаватли томорқали уйлар қурилиши	82	1,00
2—4 қаватли секцияли уйлар қурилиши	262	1,22
Янги типдаги 1—2—3 қаватли уйлардан гиламнухса услубида ёндоштириб қурилиши	320	4,00




Иқтисодий самарадорликдан ташқари гилам нухса услубда қурилган ички ҳовлили уйларда секцияли уйларга нисбатан био-гигиеник шароит ва оилавий турмуш қулайлиги анча юқори эканлиги қайд қилиб ўтилди.

"ЦНИИЭП жилища" ва "ЦНИИП градостроительства" институтларининг ҳамкорликда олиб борган текширишлари ҳам ички ҳовлили уйларнинг шаҳарсозликда юқори даражада самарадорликка эга эканлигини кўрсатган. Уйлардаги яшаш фондининг тигизлигини таққослаш ҳам буни тасдиқлайди: 1—2 қаватли ички ҳовлили уйларни қуришдаги тигизлик, 2 қаватли ёндоштирилган уйларга нисбатан 52 фоизга, 2—3 қаватли секцияли уйларга нисбатан эса 20 фоиз юқоридир. Тураржой қурилишидаги тигизликнинг бундай ошиши 30 минг аҳолили шаҳар майдонидан 4 мартагача қисқартириб фойдаланиш имкониятини беради.

Ушбу таққослаш таклиф этилган уйлардан 1—2 қаватли ички ҳовлили уйларни қуришда муҳандислик тармоқларини ўтказиш ва тураржой ҳудудини ободонлаштириш харажатлари шундай қаватли оддий ёндоштирилган уйларни қуришдагига нисбатан 1,2 баробар кам; 2 қаватли ички ҳовлили уйларни қуришда оддий ёндошган уйларга нисбатан 1,5 баробар кам ва шундай қаватли секцияли уйларни қургандагига нисбатан эса 2 баробар кам сарф бўлишини кўрсатади.

Булардан ташқари таклиф этилаётган уйларнинг иқтисодий самарадорлигини кенгроқ аниқлаш учун улар жумҳуриятимиздаги паст қаватли қурилишда қўлланиб келинаётган ва лойиҳа-эталон сифатида қабул қилинган 1—2 қаватли ҳаракатдаги намуна (типовой) лойиҳалар билан таққослаб кўрилди.

Улардаги конструктив ечимлар ва қурилиш ускуналари таққосланаётган уйлардаги конструкция ва қурилиш материалларига жуда ўхшаш. Текширишлар шуни кўрсатадики, 1—2 қаватли ички ҳовлили уйлардан (янги типдаги уйларнинг турли ечимлари ўзаро ва лойиҳа-эталонга нисбатан таққослаб чиқилди), бир қаватли уйлар бир хонадонли уйларга қараганда 40 фоизга арзон; 2 қаватли ички ҳовлили уйларнинг 1 кв. м умумий сажинининг нархи бир хонадонли уйларга нисбатан 12 фоиз арзон; 2 қаватда жойлашган икки хонадонли ёндоштирилган (куп хонали уйлардан ташқари) уйлардагига нисбатан эса 10 фоиз арзон ва 2 қаватли секцияли уйлардаги 1 кв. м сажн баҳосига яқинлашиб боради (улардан 2 фоизга қиммат).



Уйларни узун томони бўйлаб ёндоштириш, ҳовлини уй таркибининг марказига жойлаштириш ва ободонлаштиришга кам харажатлар сарфлаш уй-жой қурилиш нархини 15—20 фоизга пасайтиришга имкон туғдиради.

Бундан ташқари хонадонда кондиционерлардан фойдаланишдан воз кечиш бунинг эвазига электр энергияси харажатларини камайтириш ва уй-жой микроиқлимни меъморий-режавий воситалар ёрдамида табиий бошқаришга ўтиш 30 минг кишилик шаҳарда 10 йил ичида 1 миллион сўмни тежаб қолади.

Уйларнинг нархини самарали қурилиш материалларидан фойдаланиб янада пасайтиришга эришиш мумкин. Яқин келажакда ва ҳозирги даврда жумҳуриятимизда самарали асбесцемент, қуйма конструкция, серковак тўлдиргичли енгил бетондан ишланган темир-бетон конструкция, клейфанерли ёғоч, маҳаллий қурилиш материалари, лойбетондан тўлдирилган синч қурилмалар (силикат ва газсиликатли блоклар, керамзит, алгоперит ва бош)ни қўлаш йўлга қўйилиши кутилмоқда.

Шундай қилиб, кам қаватли уй қурилиши индустриясига эга бўлган майда шаҳарларда тураржойларни паст қаватли юқори тиғизли ички ҳовлили уйлардан қуриш мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, бу эса қурилишда қўлланилаётган уйлар таснифини бойитишга, маҳаллий халқнинг оилавий ва ижтимоий турмуш шароитларидан келиб чиқадиган талабларини қондиришга, жумҳуриятимиздаги иссиқ иқлим шароитидан сақланишга ва ниҳоят, қурилиш таннарахини ўртача 10—15 фоизга пасайтиришга имкон туғдиради.

49-расм. Қурилиш ҳудудидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини таққослаш: А—бир қаватли томорқали уйлар қурилиши.

Б—икки-тўрт қаватли секцияли уйлар қурилиши, В—янги типдаги 1—2—3 қаватли ҳовлили уйлардан гиламнусха услубида ёндоштириб қуриш.

КАМ ҚАВАТЛИ ТУРАРЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ ЗИЛЗИЛАГА БАРДОШЛИГИ

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Кейинги ярим аср давомида собиқ иттифоқнинг шиссиқ иқлимли районлари ҳудудида ўнлаб юқори кучга эга бўлган ер қимирашлари қайд этилди. Масалан, Тошкент (1946, 1966 й.), Газли (1976, 1984 й.). Кишинев (1977 й.), Ереван (1989 й.). Исфара (1977 й.), Наманган (1983, 1984 й.) да бўлган зилзилалар шулар жумласидандир.

Булардан олдин ҳам бир қанча катта кучга эга бўлган ер қимирашлар тарихдан маълум ва деярли барча ҳолларда ер қимирашлар содир бўлган ҳудудларда бинолар бузилиши ёки тамомила вайрон бўлиши кузатилган. Шулар қаторига 1620 йили кўҳна Ахси шаҳрида (Наманган яқинида), 1902 йил Андижон шаҳрида 8—9 баллик ер қимирашлар мисол бўла олади. Айниқса кейинги шаҳарда вужудга келган ер қимирашда қисқа вақт ичида учта кучли силкиниш:

Биринчи силкинишнинг кучи 8—9 балл бўлган, иккинчи силкиниш орадан 1—1,5 минут ўтгач содир бўлиб, кучи 9 баллдан юқори бўлган. Учинчи силкиниш тахминан ярим соатдан кейин рўй бериб, унинг кучи 8—9 баллни ташкил қилган. Бу зилзила 4500 дан ортиқроқ кишининг ёстиғини қуритган.

1980 йилнинг ўзидаёқ, дунёда 71 дан ортиқ йирик ер қимирашлар бўлиб, бунда 7 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган. Инсоният тарихида эса ер қимирашлар натижасида ҳалок бўлганлар сони 150 млн. кишидан ошиқдир.

Кўп йиллар давомида Ўзбекистон ҳудудида пахса, синчли хом ва пишиқ ғиштдан тикланган бинолар қишлоқ ва шаҳар қурилишининг асосини ташкил этар эди.

Кўпгина кузатувлар, пишиқ ғиштдан тикланган бинолар зилзилаларга бошқаларига нисбатан бардошлироқ эканлигини кўрсатган. Кейинги ўринларда синчли, хом ғишт ва пахса деворли бинолар туради.

1970 йил 14 майда бўлган Доғистондаги ер қимираш натижасида ҳам ғиштли, пахса деворли биноларнинг 41

фоизи бузилган, харсанг тош деворли биноларнинг эса 54 фоизи бузилган.

Бинобарин, биноларнинг зилзила кучи таъсирига бардоши бир хил эмас, албатта.

1966 йили Тошкент шаҳрида рўй берган ер қимирлашлар шуни кўрсатдики, бузилган кам қаватли тураржой биноларининг 50 фоизидан ортигини аҳолининг иморатлари ташкил қилган.

Кейинги йиллар ичида қурилиш ишлаб чиқариш индустриясининг тараққий қилиши билан бир қаторда, турли-туман қурилиш материаллари тиклашда кенг қўламда қўлланила бошланди.

Шу билан бир қаторда бино зилзилабардошлигини таъминлаш тадбирлари: бино тархининг содда кўриниши, зилзилага қарши чоклар ва камарларнинг қўлланиши ва ҳоказолар ер қимирлаши натижасидаги зарарни бирмунча камайтиришга имкон яратиб бердилар. Бунда фақатгина юк кўтармайдиган конструкцияларгина анча зарарланиши мумкин.

Зилзила бардош тадбирлар қўлланилмаган ҳолларда бинонинг зарарланиш даражасига юк кўтарувчи конструкциялар турлари катта таъсир кўрсатади. Кўпгина ер қимирлашлар натижаси ўрганилганда, мисол учун Қарабек қишлоғи (Қирғизистон, январь 1977 йил, 8 балл), Офтобру посёлкаси (Тожикистон, январь 1977 йил, 8 балл), Ғазалкент (Ўзбекистон, декабрь 1977 йил, 7 балл), Жаланаш посёлкаси (Қозоғистон, март 1978 йил, 8 балл) ва бошқалар, шундай хулосага келиндикки бир қаватли биноларда аввало хом ғиштли бинолар кўп зарар кўрган, кейин пишиқ ғишдан тикланган бинолар кўп зарар кўрган. Йиғма, ёғоч уйлар кам, йирик панелли уйлар эса ниҳоятда кам зарар кўрган.

Каркасли ёғоч уйларнинг зилзила бардошлиги юқорида келтирилган биноларга нисбатан анча мустаҳкам экан. Бу уйларнинг асосий камчилиги бино курсиси билан кесилган ёғоч девор туташган қисмидир.

Турли конструктив схемага эга бўлган биноларни зилзила таъсирига қаршилиқ кўрсатиш қобилияти бўйича (камайиб борувчи қуйидаги кетма-кетлик тартибда) жойлаштирсак хато қилмаган бўламиз: каркасли бинолар, йирик панелли, кесилган ёғоч ва йиғма шчит, юк кўтарувчи тош деворли бинолар ҳамда маҳаллий материаллардан тикланган бинолар.

Маълумки ер курраси кўпгина қатламлардан ташкил топган. Энг юқори қатлам қобиқ деб юритилади ва ўзи ҳам бир қанча алоҳида қатламлардан иборат. Кўп йиллик изланишлар ер қатламининг доимий, аммо жуда секин ҳаракатда эканлигини кўрсатиб беради. Ер қобиғининг баъзи жойлари пасаяди, айрим жойлари эса горионтал йўналишда силжийди. Натижада қурилиш конструкцияларини бузишга олиб келувчи тектоник ҳаракат вужудга келади. Бунда ҳосил бўладиган сейсмик тўлқинлар 6...100 км/с чуқурликда вужудга келиб, 6...15 км/с тезлик билан тарқалади. Энг хатарли сейсмик тўлқин, бу эпицентр устидагисидир.

Ер бир йил давомида миллионлаб сейсмик қимирлашларни ўзида акс эттиради.

Ер қимирлашлар активлиги ер физикаси институти шкаласи бўйича белгиланиб, 12 баллга бўлинган.

Шунга биноан 7 ва ундан юқори балл ер қимирлашлар бино ва иншоотлар учун хавфли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам 7...9 балли сейсмик районлардаги бино ва иншоотларни зилзилага бардош берадиган махсус тадбирларни қўллаб лойиҳа қилиниши ва қурилиши лозим.



50-расм. Ўзбекистон ҳудудининг географик баландликлар ва сейсмик районларга бўлиниши:

1-Устюрт райони, 2-Куйи Амударё региони, 3-Қизилқум региони, 4-Куйи Зарафшон региони, 5-Ўрта Зарафшон региони, 6-Мирзачўл региони, 7-Чирчиқ — Ангрен региони, 8-Фарғона региони, 9-Қашқадарё региони, 10-Сурхондарё региони.

Жумҳуриятимиз ҳудудидаги, I, II ва III сингли хавфли сейсмик зоналарга Фарғона водийсидаги вилоятлар, Сурхондарё вилоятидаги Тожикистонга туташ тоғли районлар, шунингдек Чирчиқ — Ангрен ва Тошкент зоналари ҳамда Қашқадарё, Қуйи Зарафшон ва Қизилқум чуллариининг айрим ҳудудлари киради (50-расм).

АНТИСЕЙСМИК ТАДБИРЛАР

Биноларнинг зилзила бардошлигини таъминлаш бора-сида СНИП П—7—В1 "строительство в сейсмических районах" да асосий норма ва ҳоқдалар белгилаб берилган.

Аввалам бор шуни эслатиш лозимки, ушбу ҳужжатнинг 3,6 бандига биноан шаҳар ва қишлоқларда ҳам сомон гиштли, грунт блокли деворлардан тураржой биноларини қуриш таъқиқланади.

Қишлоқ жойларида зилзила фаоллиги 8 баллгача бўлган майдонларда, деворлар кундаланг боғловчили антисептик моддалар билан ишланган ёғоч чўпкори билан мустаҳкамланган ҳолларда, бир қаватли биноларни юқоридаги материаллардан қуришга рухсат этилади.

Зилзила активлиги юқори бўлган районларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлигини таъминлаш зарурлиги эндиликда ҳаммага аён.

Бу масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши фаол зилзила бўладиган регионларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва шу билан бир қаторда моддий бойликларни сақлаб қолиш ва таъмирлаш ишлари учун сарф-харажатларни камайтириш имкониятини яратади.

Умуман олганда, зилзила эҳтимоли бор районларда унга қарши лойиҳа ва қурилиш ишларини олиб боришда қўлланиладиган тадбирлардан қуйидагиларни таъкидлаб ўтишимиз мумкин:

1. Бош режа (генплан) ечимига оид тадбирлар;
2. Бинонинг ҳажм-тархи ечимига оид тадбирлар;
3. Бинонинг конструктив ечимига оид тадбирлар.

Бош режа ечимига оид тадбирлар

Бу саволга СНИП П—7—81 §1,5 бўйича жавоб топса бўлади. Унда айтилишича, қурилиш майдонининг нишаби 15° дан ошмаслиги керак, ер ости жинслари эса физик-геологик жараёнлар натижасида бузилган бўлмаслиги, силпаниш ва карстлар, тоғ ости ишлари олиб борилмаган, ўпирилиш, тўкилма (яъни тоғ ён бағридаги кўчиб тушган

тош, ҳарманлар улаши, оқма лон каон сенсник жиҳатдан ноқулай шароитдаги қурилиш жойи танланмаслиги керак.

Агарда бундай майдонларга қурилиш ишлари тўғри келса, қўшимча чоралар кўриш лозим, яъни заминни мустаҳкамлаш (шиббалаш), бино ва иншоот қурилмаларини кучайтириш лозим.

Тик кўтарилиб борадиган тоғ ёнбағирларида, жар ёқаларида, қатлам силжиши хавфи бор қияликларда, ботқоқли жойларда иморат қуриш ярамайди.

Зилзила фаоллиги 9 баллдан ошса, бундай майдонларда бино ва иншоат қуриш тақиқланади.

Бинонинг ҳажм — тархи ечимига оид тадбирлар

Бу ерда шуни эътиборга олмоқ лозимки, бино тархи содда шаклда лойиҳаланиши, ҳажми эса кубга яқинлаштирилган, кўндаланг деворлар симметрик жойлашган ва бўйлама деворлар билан мустаҳкам бириккан бўлиши керак.

Деворлар тархда бино бўйи ва эни бўйлаб узлуксиз туташиб кетиши керак. Акс ҳолда бино тархида узилган девор, ўзи туташган иккинчи бир деворга зиён келтириши мумкин.




Агарда бирор сабабга кўра деворнинг узлукли бўлиши талаб этилса, у ҳолда унинг конструктив давомини рама кўринишида олса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу масалалар ечими 51-расмда ўз ифодасини топган. Қурилиш учун енгил материаллардан фойдаланиш, конструкция бирлиги (турғунлиги)ни ва унинг массасининг текис тақсимланишини таъминламоқ лозим. Юк кўтарувчи асосий қурилмалар иложи борица яхлит ва бир жинсли бўлгани маъқул.

Албатта бинонинг тархий ечими иложи борица ихчам бўлгани маъқул. Тархи айлана, квадрат, тўртбурчак ёки мунтазам кўпбурчак шаклидаги биноларнинг зилзилабардошлилиги мураккаб ва чўзиқ шаклдаги бинолар зилзилабардошлилигидан устун туради.


Агарда бино ва иншоот меъморчилик ёки фойдаланиш талабларига кўра тархда мураккаб шакллардан тузилган бўлса, у ҳолда зилзилага қарши чоклар ёрдамида бинони ихчам шаклли қисмларга ажратиш зарур (52а-расм).

Ихчам шаклли биноларнинг деворлари турли йўналишларда нисбатан ўзаро тенг ёки бир-бирига яқин




51-расм. Бино тархида деворларини зилзилабардош қилиб жойлашти-
риш: а — деворлар тўғри жойлашган; б — деворлар ноқулай носим-
метрик жойлашган; в — деворлари хато жойлашган бино.

а)



б)



52-расм. Мураккаб шакли биноларни зилзилага қарши чоклар ёрдамида ихчам шаклларга ажратиш.

мустаҳкамлик ҳамда бикирликка эга бўлади. Шунинг учун ҳам горизонтал сейсмик кучнинг исталган йуналишларида бундай бинолар тенг қаршилик кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Агар бино режаси узун бўлса, унинг барча қисмлари бирданига бир маромда тебрана олмайди. Бино узунлиги меъёрга кўра чекланган бўлиб, меъёрдан ортиқча узунликдаги бинолар зилзилага қарши чоклар ёрдамида кичик қисмларга ажратилади (52 б-расм).

Бино ва иншоот турли қисм баландликларининг фарқи 5 м ва ундан ортиқ бўлса ҳам, бинода зилзилага қарши чок қўйилади.

Баландлиги 10 м гача бўлган бир қаватли биноларда зилзила жиҳатдан хавфлилик 7 баллгача бўлган ҳолатларда зилзилага қарши чок кўзда тутилмаса ҳам бўлади.

Зилзилага қарши чок бино ва иншоотни бутун баландлиги бўйлаб қўйилади. Аммо, пойдеворда чок бўлмайди, уни бўлмай яхлит қолдириш мумкин. Зилзилага қарши қўйилган чок чўкма чок билан тўғри келган ҳоллардагина пойдевор чок билан бўлиниши мумкин. Зилзилага қарши чок қўш девор ёки қўш рама ҳамда девор билан рама тиклаш эвазига бажарилиши мумкин. Бино баландлиги 5 м гача бўлса, чок эни 30 мм дан кам бўлмаслиги керак. Агарда, бино баландлиги 5 м дан ошадиган бўлса, ҳар

бир 5 м баландликка чок эни яна 20 мм дан кенгайтириб борилади. Бундан ташқари чокнинг эни бино максимал силжишларининг иккиланган қийматидан кичикроқ бўлиши керак.

Зилзилага қарши чок бирор материал билан тўлдириладиган бўлса, унинг ҳар бир қисми ўзаро горизонтал силжишига халақит бермаслиги керак. Акс ҳолатда қўшни қисмлар ўзаро урилиб, қаттиқ шикастланиши мумкин.

Узун бинолардаги зилзилага қарши чоклар орасидаги масофа қурилиш меъёрларида белгилаб берилган бўлиб, бу масофа майда ўлчамли элементлардан, йирик блокли ва панел деворли биноларда мос равишда зилзила жиқатдан хавфлилик 7—8 балл бўлганда 80 м, 9 балл бўлганда эса 60 м дан ошмаслиги керак.

Шуни эътиборга олиш керакки, шифохона ва мактаб бинолари баландлиги, қурилиш майдонидаги зилзила жиқатдан хавфлилик 8 ва 9 балл бўлса уч қаватдан ошмаслиги зарур.

Биноларнинг конструктив ечимига оид тадбирлар

Мазкур I ва II тадбирларда келтирилган умумий талаб ва лойиҳалаш қоидалари барча хилдаги биноларда ўз аксини топтоғи лозим. Шу билан бир қаторда бизга маълумки, республикамизда камқаватли бинолар қурилишида деворбоп материал сифатида кенг қўламда хом ва пишиқ ғишт, майда ва йирик табиий ёки сунъий блоklar, йирик панеллар, пахса ва ёғоч синчлардан ҳамда бошқа маҳаллий материаллардан фойдаланилади.

Шунинг учун ҳам қуйида турли деворбоп материаллардан тикланадиган биноларда қўлланиши зарур бўлган конструктив ечимлар билан танишиб чиқамиз. Асосий мақсад ҳар бир бино учун зилзила хавфсизлигини таъминлай оладиган конструктив ечим хусусида фикр билдиришдир.

ПАХСА ДЕВОРЛИ БИНОЛАР

Ҳозирги даврда ҳам ўтмишдаги каби Ўрта Осиё минтақасида якка тартибда қурилаётган уйларда пахса девор кўп қўлланилмоқда. Бунга сабаб пахса учун материалнинг деярли текинлиги ва қолаверса, пахса девор ёзнинг жазирама кунларида хонани салқин, қишда эса иссиқ сақлашидадир.

Пахса девор учун хом ашё сифатида соф тупроқ ва чучук сув ишлатилади. Тупроқ ва сув керакли миқдорда қушилса ва уларга пухта ишлов берилса, мақсадга мувофиқ келадиган лой вужудга келади. Лойга ишлов бериш анча меҳнат талаб қилади. Ҳозирги кунда лойга ишлов беришда техника воситаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Лой қурилиш майдончаларига ёки шу майдонга яқинроқ лой учун яроқли тупроғи бор участкалардан тракторлар ёрдамида девор тиклаш учун қулай майдончаларга етказилиб берилади. Бу майдончаларда уларга керакли ишлов берилиб, устидан плёнкалар билан ёпиб қўйган қолда лойга дам берилса, унинг сифати ошади. Кўпгина вилоятларда лойга маромида етилтириб ишлов бериш, тепкилаш ёрдамида амалга оширилади. Кўнгалдагидек етилтириб пухта пишитилган лой деворни тиклаш учун тайёр материал ҳисобланади.

Пахса уришдан аввал бино пойдевори устига қамиш ёки похол-шоҳ-шабба сингари эластик қатлам солинади. Кўпинча пойдевор билан пахса девор орасига 1—2 қатлам пергамент ёки толь ётқизилади. Бу албатта деворнинг бардошлилигини камайтиришга олиб келади.

Айрим ҳолларда пойдевор устига 3—4 қатор пишиқ гишт териб устига юпқа цемент-қум қорисмаси ёки бир қатлам пергамент ётқизилади.


Бундан асосий мақсад пахса деворга капилляр намлик ўтишга йўл қўймасликдир.

Бу тадбирлардан энг тўғриси амортизатор вазифасини ўтовчи эластик қатламни қўллашдир. Бу қатлам ҳам амортизатор, ҳам нам ўтказмайдиган қатлам бўлиб, икки вазифани бажаради.

Етилтириб, пухта пишитилган лой кўп туриб қолмаслиги керак.

Пахса баландлиги 70—100 см, эни 50—65 см қилиб урилади. Пахсанинг икки томони текисланади, аммо силлиқланмайди. Катта эътиборни пахсанинг икки томони текисланиши билан бир қаторда, шу пахса устининг текисланиши ва бурчакларини тўғри бажаришга қаратиш керак. Акс қолда пахса деворда қуригунча ва қуригандан кейин, ҳатто зилзила кучлари таъсирисиз ҳам дарз кетишлар вужудга келиши ва девор мустаҳкамлигининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Биринчи пахса уриб чиқилгач, иккинчи пахса 3—5 кундан кейин бошланади. Чунки биринчи пахса қуриши




53-расм. Паҳса деворларни арматуралаш:
1-тих қозиқлар; 2-сим; 3-шоҳли ёғоч навада ёки хода; 4-ходалар.

ва натижада иккинчи паҳсани кўтариш учун керакли мустаҳкамликни қабул қилган бўлиши керак. Шу тартибда иккинчи, учинчи ва ҳ. к. паҳсалар урилади. Паҳсалар уриш жараёнида деворлар орасига похол, хашак, майда қамиш, ходалар ёки сертола боғловчи шох-шаббалар солиш зарурдир (53-расм).

Бу материаллар зилзила пайтида бўйлама деворларни кўндаланг деворлардан ажраб кетишига қаршилик кўрсатади. Девор узунликлари чегараланган бўлиши, агарда девор қалинлиги 0,5 м бўлса, унинг узунлиги 8 м дан ошмаслиги лозим.

Дераза ва эшиклар ўрни девор бурчагидан 1,5 м нарироқда қолдирилиши керак. Деразалар орасидаги девор иложи борича кенг, ҳаттоки бир хонани иккита дераза билан ёритиш мўлжалланганда ҳам бу деразалар орасидаги деворнинг кенглиги 120...150 см дан кам бўлмаслиги керак. Қўш дераза қўлланмаган ҳолларда бундан оралиққа зарурият қолмайди, деворнинг зилзилабардошлиги нисбатан ишончлироқ бўлади.



54-расм. Пахса девори бинода девор конструктив қирқими: 1-пойдевор; 2-пахса девор; 3-тахта; 4-дераза ўрни; 5-туташтиргич; 6-тўсин остини боғловчи тахта; 7-пол тахта; 8-тўсин, пўлат скоба; 10-черепица; 11-иморат курсиси; 12-зах ўтказмовчи қатлам; 13-отмостка; 14-цемент-қум қоришмаси; 15-бетон; 16-шағал (қум).

Пахсали биноларда карнизлар иложи борича енгил бўлиши мақсадга мувофиқдир. Карнизнинг девордан кўпроқ чиқарилгани маъқул. Чунки у пахса деворни ёғин-сочин суви тегигшдан асрайди.

Пахса деворли бинода одатда девор конструктив қирқимининг ечими тавсия қилинади (54-расм).

ХОМ ҒИШТЛИ БИНОЛАР

Маълумки, Ўрта Осиёнинг оддий соф соз тупроғидан гувала қилинган, ғишт қуйилган, пахса деворлар солинган. Бундай деворлар қадимдан меъморчиликда кенг қўлланилган. Жумладан, Милодгача VI—IV асрда Балалик-тепа ва Жайтун уйлари сомон аралаштирилган гувалалардан қурилиб устидан сувалган.

Ҳозирги даврда хом ғиштлар 250x120x65 мм ўлчамда оддий соф соз тупроқ лойидан ишлов бериб тайёрланади. Шунга қарамасдан бу хом ғишт бошқа деворбоп материалларга кўра заиф материал ҳисобланади.


Қурилиш нормалари шаҳар ва посёлкаларда хом ғишдан турар жой биноларини тиклашни ман қилсада, қишлоқ бинокорлигида, кичик шаҳарларда якка тартибда бинолар қуришда хом ғишт кенг тарқалган материал бўлиб қолмоқда.

Хом ғишдан тикланган бино чидамлилиги махсус усуллар билан кучайтирилган бўлиши керак. Шундагина 7 балли зилзилага бардош бера олиши таъминланиши мумкин. Хом ғишдан тикланадиган биноларни кучайтириш усуллари А. Шоумаров, ва Б. Хобиловларнинг "Зилзилабардош иморатлар" китобида кенг баён этилган.


Хом ғишдан тикланадиган биноларда бурчаклар ҳамда бўйлама ва кўндаланг деворларнинг туташув ерлари бошқа бинолардаги сингари энг заиф жойлардир. Хом ғиштнинг лой қоришма билан нисбатан яхши ёпишмаслиги заиф жойларни янада хавфлироқ қилади.

Бундай заиф жойларнинг кучайтирилиши бинонинг умумий мустаҳкамлигини оширади. Ана шу мақсадда мутахассислар деворнинг заиф қисмларига қамиш, похол, чипта, шох-шабба сингари боғловчи материаллар ётқизишни тавсия этадилар.

Боғловчи материаллар фақат бурчак ва туташув ерларига эмас, балким бутун девор қуйилса, янада яхшироқ бўлади.



55-расм. Ёғоч туташтиргичнинг конструктив ечими.
1-ёғоч туташтиргич; 2-тоъё ёки перогамент; 3-тахта; 4-лой қоричма.



56-расм. Зилзилага қарши ёғоч камарлар ва уларнинг конструктив ечимлари:

1-ёғоч антисейсмик камар; 2-тўсини; 3-тўсин устини тоъё билан қоплаш; 4-бириктирувчи тахтакач; 5-бурчаклик; 6-мауэрлат; 7-стропил тўсини, 8-мих; 9-қоплама тахта; 10-устин ости тўсини.

Бўйлама шох-шаббалар орасига кўндаланг тола ўтқазиб жойлаштириш, йўгон қамишларни эса лой билан яхшироқ ёпишуви учун пачақлаш тавсия этилади. Қамиш тўқималар ҳар 50—60 см га, яъни ғиштнинг ҳар 7—8 қаторига қўйиб борилади (55-рasm).

Қамиш ёки бошқа қўшувчи тўқималар девор орасида узоқ вақт чиримай сақланиши учун уларни суюқ битумга ёки петролатумга ботириб олиш ёки лойга битум аралаштириш зарур.

А. И. Волгарев қамишларни хом ғишт қаторлари чокларининг ҳаммасига солиш лозим деб ҳисоблайди. Бунда қамиш биринчи чокка бўйлама йўналишда солинса, иккинчи чокка кўндаланг йўналишда солинади. Қўлланиладиган қамиш яхши пишган, қуруқ, пусти тозаланган ва чиримаган бўлиши керак. Қамишлар ораси 4—5 см бўлиб, бурчаклари ва туташув ерларида лой билан яхши ёпишсин учун ёғоч болғачада уриб пачақланади. Қамиш поялар устига ётқизиладиган лой уни буткул ёпиб туриши керак. Тажрибалар яна шундан далолат берадики, лой қоришмага битум аралаштириш деворнинг эластиклиги ва мустаҳкамлигини оширибгина қолмай, балки уни нам тортишдан ҳам асрайди.

Хом ғиштли уй хоналари мумкин қадар ихчам бўлмоғи, уларда деворлар узунлиги 5 м дан, баландлиги эса 3—3,5 м дан ошмаслиги керак. Акс ҳолатда, хом ғиштли деворнинг мустаҳкам эмаслиги туфайли, зилзила вақтида девор силжиши, қулаши, парчаланиши ёки чоклари ажралиб қолиши мумкин.

Деворнинг дераза ёки эшик ўрни устига туташтиргич қўйилади. Хом ғиштли деворларда ёғоч туташтиргичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатда туташтиргичлар ғишт деворларга камида ҳар томонига 250—350 мм дан кам киритмаслиги лозим (55-рasm).

Барча бинолардаги каби хом ғиштли биноларда бўйлама ва кўндаланг деворларнинг устига тўсин (болор) ташлашдан илгари, ёғоч тахталардан зилзилага қарши камар ётқизилади. Бу камарлар қалин ёғоч тахталарни бир-бирига тахтакачлар ёрдамида жипслаштириб михлаш эвазига вужудга келади. Зилзилага қарши камарлар бионинг барча деворларини ягона яхлит системага бирлаштириб туради, деворнинг тўсин қўйиладиган қисмларини эса эзилиб кетишдан сақлайди. Томнинг тўсинлари-болорлар зилзилага қарши камарлар устига қўйилиб, пулат

бурчакликлар ёрдамида камарга михланади. Кундаланг ёки буйлама деворлар яқинига қўйилган тўсинлар ҳам камарларга маҳкамланади.

Яна бир жумбоқ, бу зилзилага қарши ёғоч камарларнинг хом гишт билан ўзаро мустаҳкам бирлигини таъминлашдир.

Стропил қурилмалар тўсинлар воситасида зилзилага қарши камарлар билан бирикиб, ягона фазовий системани ташкил этиши лозим (56-расм).

Карнизларни девор сиртидан анча чиқариб, оғир қилиб ишлаш ёки хом гиштдан ишлаш уларни қулаб тушишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларни ёғоч, фанер ёки енгил ихчам қилиб таъминлаш зарур.

Бино пойдевори остига ҳамда пойдевор билан девор оралиғига қамиш, похол, шох-шабба сингари эластик қатлам солинса, зилзиланинг зарби анча камаяди. Бу қатлам амортизатор вазифасини бажариб, айниқса вертикал тебранишларда катта аҳамият касб этади.


СИНЧЛИ (КАРКАС) БИНОЛАР

Каркас бинолар зилзилага қарши қўйилган талабларни тўғри ҳисобга олган ҳолда бажарилса, бинонинг ер силкенишларига чидамлилиги юқори бўлади. Улар якка синч ёки қўшсинч бўлиши мумкин. Одатда, юк кўтарувчи ташқи деворлар қўшсинч, ички деворлар эса яккасинч қилиб бажарилади.

Синч деворли биноларда қўлланиладиган конструктив тадбирларни кўриб ўтишдан аввал уларни ташкил қилувчи асосий элементлар билан танишиб чиқамиз (57-расм).

Синч деворли бинолар зилзилабардошлилигини таъминлаш учун аввалам бор унинг фазовий бикирлигини таъминламоқ зарур. Синч деворли биноларнинг камчиликларидан бири — бу синч девор билан пойдевор туташган жойларнинг етарлича жипс конструктив ечимга эга эмаслигидир. Бу тугунни ечишга жиддий эътибор бермоқ лозим.


А. Шоумаров, Б. Хобиловлар бино синчларининг пойдеворга анкерли болтлар ёрдамида пухта маҳкамланиши бино фазовий бикирлигини оширишдан ташқари тагсинч-ни, зилзила кучлари таъсирида пойдевор бўйлаб силжитишдан асрашини таъкидлайдилар. Зилзила характерига кўра кескин зарбали бўлса, пойдевор узра синчли бино



57-расм. Синч деворнинг таркибий қисмлари:
1-пойдевор; 2-тагсинч; 3-устунлар; 4-сарров; 5—6-ховонлар; 7-пуштак;
8-эшик ўрни.

силжиши мумкин. Анкерли болтлар иморат бурчакларида ва деворлар кесишув ерларида қолдирилгани яхши, чунки устун ва тагсинчлар ана шу болтларга мақкамланади.

Устунлар тўғрисида гап борганда шуни эътиборга олиш керакки, улар орасидаги масофа бир хилда, яъни бино баландлигига нисбатан $\frac{1}{3}$ қилиб белгиланмоғи лозим. Бу қиймат модул (миқёс) хизматини ўтаса, синч деворларнинг зилзилага бардошлилиги юқори бўлади. Аммо, бу қиймат устун кесимига боғлиқ бўлиб, кўпинча 60,90 ва 120 см ни ташкил қилади. Тагсинч ва устун бирикиш



58-расм. Тагсинч ва устун
бирикиш тугунлари.


тугуни қуйидагича ечимга эга бўлади (58-расм). Устунлар тол ёки теракдан қилинса, мақсадга мувофиқдир. Пойдевор ёки ертўла девори гиштлири цемент қоришма билан териблиб, унинг устки қисмига полнинг тўсинлари ўрнатилади.

Пол тўсинлари устига тагсинчлар ўрнатилади ва ўзаро бурчаклик ёки планка ёрдамида михланади. Тагсинчлар 80×80 ёки 100×100 мм ли ёғочдан тайёрланади.

Устунлар тепасига сарров уланади, бу уланиш "тирноқли" ёки "тирноқсиз" қилиб бажарилади (59-расм). Синч деворнинг бурчак ва ўрта устунлари ховон ва пушталар билан мустаҳкамланиб қўйилади. Ховон ва пушталар деворни кўндаланг йўналишдаги ер қимирлашларига бардошли қилади, чунки улар бу йўналишдаги зилзила кучини ўзига қабул қилувчи асосий элементлар қисобланади.

Том тўсинлари кўндаланг кесими тўртбурчак бўлган ёғочлардан иборат бўлиб, улар сарров устига михлаб қўйилиши керак. Тўсин қўшсинчли деворнинг ҳар иккала сарровига михланиши лозим.

Синч деворли биноларда томлар вазни енгил қилиб қурилади, бу ўз навбатида, бино зилзилабардошлилигини оширишга имкон яратади.




59-расм. Сарровларни улаш: а—"тирноқли", б—"тирноқсиз".

Синчли биноларда синчлар оралигини тулдириш мақсадида табиий ёки сунъий енгил материаллар ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Бундай материаллар тури кенг. Уларга минерал пахта, газбетон, кўпикбетон, қамиш плита: солomit, оргалит, енгил бетон, сопол блок ва ҳоказолар киради. Енгил маҳаллий материалларни ишлатиш яна ҳам қулайдир. Сувоқ ишларини бажаришда сомон сувоқнинг аҳамияти юқори ҳисобланади.

МАЙДА ЎЛЧАМЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРДАН ҚУРИЛАДИГАН БИНОЛАР

Биноларни тиклашда деворбоп материаллар сифатида тўғри шаклга эга бўлган табиий ва сунъий ғишт ва тошлар ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Уларнинг кўринишлари ва ўлчамлари 60-расмда келтирилган.



60-расм. Майда ўлчамли деворбоп элементлар.

75 ва ундан юқори маркали пишиқ ғишт еки ичи ковак ғиштлар 50 ва ундан юқори маркали бетон, тош, тула ва ичи ковак майда блоклар (ҳажмий массалари 1200 кг/м^3 ва юқори девор тиклашда ишлатилади. Табiiй тош ва блоклар, яъни чиғаноқтошдан ишланган ғиштларнинг маркаси 35 дан юқори, улар туфдан бўлганда 50 ва ундан юқори маркали бўлиши мумкин. Девор термаси учун йўлланиладиган мураккаб қоришма маркаси ёз пайтлари 25 дан юқори, қиш пайтларида эса 50 ва ундан юқори бўлиши керак.

Деворбоп материал ва қўлланиладиган қоришманинг ёпишиш кучи (ўзаро ёпишиш мустаҳкамлиги):

I категориядаги ғишт териш ишларида $1,8 \text{ кг/см}^2$ дан,

II категориядаги ғишт териш ишларида $1,2 \text{ кг/см}^2$ дан юқори бўлиши керак.

Девор агарда арматура тури ёки темир-бетон кирит-малар билан кучайтирилган бўлса, зилзила жиҳатдан хавфлилиги 7,8 ва 9 балл бўлган ҳолларда бино қавати-нинг баландлиги шунга мос равишда 5,4 ва 3,5 м дан ошмаслиги лозим.

Агарда девор арматура тури ёки темир-бетон кирит-малар билан жиҳозланган бўлса, баландлик шунга мос равишда 6,5 ва 4,5 м ни ташкил қилиши мумкин.

Шуни эсда тутиш лозимки, бинода иккита бўйлама юк кўтарувчи девордан ташқари, яна камида битта ички бўйлама девор бўлиши зарурдир.

Қўндаланг деворлар орасидаги масофа эса, қуйидагича белгиланади;

Ғишт териш ка- тегорияси	Масофа, м, зилзила жиҳатдан хавфлилик, балл		
	7	8	9
I	18	15	12
II	15	12	9

Лойиҳа ишларини бажаришда қўндаланг деворлар орасидаги масофа юқорида келтирилган қийматдан оширилмаслиги зарур.


Деворнинг айрим элементларига тегишли ўлчамлар эса қуйидаги қиймат миқдорларини қониқтириши лозим:

Девор элементлари	Зилзила ҳаётдан асқин- лик балл			Эслатма
	7	8	9	
1. Деразалар ораси- даги масофа, м				1. Девор бурчаги- дан деразагача ора- лиқ эни бу қиймат- лардан 25 см катта қабул қилинади;
I категория	0,64	0,90	1,16	
II категория	0,77	1,16	1,55	
2. Дераза учун мўлжалланган ора- лиқлар, м	3,5 м дан ош- масли- ги керак	3 м дан ошмасли ги керак	2,5 м дан ошмасли ги керак	2. Деразалар ора- сидagi масофа кур- сатилган қиймат- дан кам бўлса, оралиқ темир-бетон қирит- ма ёки арматура тўри билан муст- аҳкамланади
3. Деворнинг чиққан қисми	2 м дан кичик	1 м дан кичик	—	
4. Чиқарилган кар- низ, м: — агарда девор материалидан бўлса, 0,2	0,2	0,2	0,2	
— темир-бетон эле- ментдан қилиниб зилзилага қарши камар билан боғланган бўлса, 0,4	0,4	0,4	0,4	Сувоқ қилинмай- диган чиқарилган ёғоч карнизлар 1 м гача чиқари- лиши мумкин
— ёғочдан чиқарилган ва те- мир тўрга сувоқ қилинган бўлса	0,75	0,75	0,75 дан ошмасли ги керак	

Бинонинг қаватлараро ва чордоқ ёпма плиталари сатҳида яхлит ёки йиғма темир бетондан бўйлама ва кўндаланг деворлар бўйлаб зилзилага қарши бутун девор қалинлиги бўйича камар қилинади. Ташқи девор қалин-лиги 500 мм дан ошса, камар энини 100—150 мм га қисқа қилиш ҳам мумкин. Камар баландлиги 150 мм дан кам бўлмаслиги, бетон маркаси эса 150 дан юқори бўлиши керак.

Зилзилага қарши камар тўртта бўйлама пулат арма-тура билан мустаҳкамланиб, бу арматуранинг ҳар бирини диаметри зилзила жиҳатдан хавфлилик 7; 8 балл бўлганда 10 мм, 9 балл бўлганда 12 мм қабул қилинади.

Девор бурчакларига ҳамда бўйлама ва кўндаланг де-ворлар туташув ерларига арматура тўри ётқизилади.



61-расм. Туташтиргичнинг деворга таяниш чизмаси.

Оралиқлар устига қўйиладиган туташтиргичлар эни девор қалинлигига тенг олинади ва деворга 350 мм киритилиб мустаҳкамланади. Дераза ёки эшик ўрнининг эни 1,5 м дан ошмаса, у ҳолда 250 мм киритиб мустаҳкамланиб қўйилса ҳам бўлади (61-расм).

Ёғоч ва темир-бетон карнизлар анкерлар орқали зилзилага қарши камарлар билан мустаҳкам боғланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Майда блоклардан девор тикланганда қуйида келтирилган майда блокли деворлар конструктив қирқимида бино зилзилабардошлигини таъминловчи айрим тадбирлар эътиборга олиниши катта ақамиятга эга бўлади (62-расм).

Ғишт пардеворлар туғрисида қуйидагиларни билиш зарур. Пардеворларнинг узунлиги 3 м гача ва баландлиги 2,7 м гача, ғишт пардеворларнинг қалинлиги чорак ғиштга, пардевор бундан узун ва баланд бўлганда ярим ғиштга тенг қилиб те-рилади.

Пардеворларни теришда маркаси 25 дан паст бўлмаган қорисмани ишла-тиш зарур. Пардеворлар диаметри 6 мм дан ошмайдиган пўлат арматура симлари билан маҳкамланади, асосий деворлар билан кесишадиган жойларда эса пўлат арматура юмшоқ сим билан боғланиб борилади.

Терим қаторларнинг вертикаллиги ва горизонталлиги вақти-вақти билан шовун, газчўп билан текширилиб, отан девор эса тўғриланиб борилади.

ИНДУСТРИАЛ УСЛУБДА ҚУРИЛГАН БИНОЛАР

Кейинги йилларда қишлоқлар ва посёлкаларда ҳам индустриал услубда қурилган бинолар кўзга ташлан-моқда. Бу биноларга йирик панелли, йирик блокли ва бошқа бинолар ми-сол бўла олади. Йирик панелли би-нолар туғрисида тўхталар эканмиз, уларнинг носейсмик районларда кенг қўламда қўлланилишини таъкидлай-миз.


Йирик панелли бинолар қуйидаги схема асосида лой: қаланади:

— юк кўтарувчи бўйлама девор-ли;

— юк кўтарувчи кўндаланг деворли;

— икки йўналиш бўйича юк кўтарувчи деворли.

Сейсмик районларда ёпма плитахона ўлчамига мўл-жалланган ва тўрт томони билан деворга миндириб қуриладиган схемада қўллаш тавсия этилади. Натижада йирик панелли биноларда сейсмик кучни қабул қилувчи



62-расм. Майда блокли девор кон-структив қирқими; 1-цоколь; 2-гидроизо-ляция; 3-майда блок; 4-туташтир-гич; 5-карниз; 6-том; 7-ёпма пли-та; 8-дараза ўрни; 9-пол; 10-темир бетон камар; 11-пойдевор.

ягона фазовий система ҳосил булади. Ташқи деворбоп панеллар бир, икки ва уч қатламли қилиб тайёрланади.

Бу панеллар учун минимал бетон синфи қуйида келтирилган 8-жадвалга биноан олинади.

8-жадвал

Девор панеллар учун бетоннинг минимал синфи


Конструктив элементлар	Зилзила жиҳатдан хавфлилик, балл		
	7	8	9
Бир қатламли юк кўтарувчи панеллар, тўлдиргич го-вакли	В 7,5	В 7,5	В 10
Худди шундай, юк кўтармайдиган панеллар	В 5	В 5	В 7,5
Икки қатламли панелларда юк кўтарувчи икки қатлам ва уч қатламли панелларда ташқи қатламлар	В 15	В 15	В 20
Ички деворлар	В 15	В 15	В 20

Деворбоп панеллар фазовий каркас ёки пайвандланган турлар билан ҳисоб қилиниб арматураланиши зарур.

Девор ва қаватлараро ёпма плиталар конструкцияларда чиқарилиб қолдирилган арматуралар орқали ўзаро кавш-арланади. Арматуралар ўзаро кавшарлангач, чоклар кичик киришувчан бетон билан тўлдирилади.

Панелли биноларда горизонтал ва тик чоклар мавж-уддир. Уларни тўғри ҳал қилиш бинонинг зилзилабардо-шлилигини оширишда катта ақамиятга эга. Горизонтал чокларнинг қуйидаги турлари мавжуд: контакт, платфо-рмага оид, комбинацияланган ва яхлит (монолит). Шу-лардан зилзилали районларда панелли уйлар қурилишида яхлит чок қўлланилади. Бу яхлит чок хорижий давлатл-арда ҳам сейсмик, ҳам носейсмик шарт-шароитларда қўлланилмоқда (63-расм).

Горизонтал чокларда пўлат боғловчининг кундаланг кесим юзаси ҳисоблаб белгиланади ва беш ҳамда кам қаватли биноларда зилзила жиҳатдан хавфлилиги 7—8 балл бўлганда, уни бир метр чок учун $0,5 \text{ см}^2$ қабул қилиш мумкин.





63-р а с м. Ташқи деворнинг горизонтал аяллит чоки:
1-ташқи девор панели; 2-қаватлараро ёпма пли-
та; 3-плитанинг таянч "бармоғи"; 4-бетон
қоришма.

Вертикал чоклар эса шпонкали ва шпонкасиз бўлиши мумкин. Шпонкали чоклар бетонли ҳамда темир-бетон шпонкали турларга бўлинади.


Бетон ва темир бетон шпонкали чоклар мустаҳкам ва қаттиқ бўлиб, чузилиш ва сиқилишга бардошли. Шунинг учун ҳам бундай чокларни сейсмик районларда йирик панелли қурилиш ишларини олиб боришда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бино бўйлаб деворлар узлуксиз бўлишини таъминлаш ҳам зарур тадбирлардан. Ёпма плиталарнинг девор панелларига тиралиш қисми панель қалинлиги 12, 14 ва 16 см бўлса, шунга мос равишда 5,6 ва 7 см олинади. Ёпма плиталар девор панеллари устига тушалган маркаси 100 дан ортиқ бўлган цементли қоришма қатламига ўрнатилади. Натижада юқори қават элементларининг оғирлигини остки қават деворларига бар-ча тиралиш юзалари бўйича бир меъёрда узатилиши таъминланади. Панелли биноларда эркерлар қилиниши тақиқланади.

Йирик блокли биноларнинг ҳам икки конструктив схемаси мавжуддир: кам қаватли биноларда бўйлама юк



64-расм. Арматура каркасларини блокда қўзланган оралиқларга тортиб қўйиш.

1-искана; 2-арматура каркаси; 3-қозиқ.



65-расм. Йирик блокли биноларни конструкциялашда зилзилага қарши тадбирлар:

1-туташирғич блок; 2-дережа оралиғи блоки; 3-қўйдаланг арматура; 4-арматура каркаси; 5-ёппа плиталар.

кўтарувчи деворли ва кўп қаватли биноларда эса кўндаланг юк кўтарувчи деворли. Деворлар улардаги блоклар қаторига қараб 4 қаторли, 3 қаторли, 2 қаторли (3 блокли) ва 2 қаторли (2 блокли) кесимда лойиҳаланади.

Икки қаторли кесимда лойиҳаланган йирик блокли бинолар сейсмик районларда қурилиш ишлари олиб борилганда мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Йирик блокли бинолар зилзила бардошлигини таъминлаш мақсадида бажариладиган тадбирлардан бири блок қирғоқларида вертикал арматурани таранглаб тортишдир. Бунда арматура девор танаси бўйлаб пойдевордан бошлаб карнизгача тортиб маҳкамланади. Бу арматураларни тик тортиш учун туташтиргич блокларида махсус тешиklar (новлар) қолдирилади. Арматура ўтказилгандан кейин новларга цемент қоришма ёки майда тўлдирувчи бетон қуйилади. Арматура ёки арматура каркаслари блокка маҳкамланган исканаларга пайвандланади (64-расм).

Б. Хобилов "Главголодностепстрой" томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон жумҳурияти қишлоқ қуришларида кенг тарқалган икки қатор кесимли силикальцит блокли бинолар конструктив ечимларини "Иншоотлар динамикаси ва зилзилабардошлиги" китобида кенг ёритиб ўтган. Бундай биноларда бўйлама ва кўндаланг деворларнинг туташтиш ерларига Т ҳамда бурчак шаклидаги блоклар қўлланилади (65-расм).

Яна бир асосий тадбир тариқасида блоклар орасига темир-бетон каркас тавсия этишдир. Бу каркас элементи туташтиргич блок билан ёппа плиталар орасига горизонтал йўналишда ҳам жойлаштирилади.

ИЛОВАЛАР

I-илова

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ҚУРИЛИШ-ИҚЛИМ ЗОНАЛАРИГА КИРУВЧИ МАЪМУРИЙ РАЙОНЛАР РЎЙХАТИ

Қайд №	Вилоятларнинг номи	Маъмурий ноҳиялар номи	Зоналар		
			I	II	III
1	Қорақалпоғистон	Амударё	•	—	—
		Беруний	•	—	—
		Бозатов	•	—	—
		Қораўзақ	•	—	—
		Кегейли	•	—	—
		Қунғирот	•	—	—
		Ленинобод	•	—	—
		Мўйноқ	•	—	—
		Нукус	•	—	—
		Тахтақўпир	•	—	—
		Ходжайли	•	—	—
		Чимбой	•	—	—
		Шимонаи	•	—	—
		Элликқалъа	•	—	—
2	Андижон вилояти	Олтинқўл	—	•	—
		Андижон	—	•	—
		Балиқчи	—	•	—
		Бўз	—	•	—
		Жалолқудуқ	—	•	—
		Избоскан	—	•	—
		Комсомолобод	—	•	—
		Қўрғонтепа	—	•	—
		Марқамат	—	•	—
		Москва	—	•	—
		Пахтаобод	—	•	—
		Хўжаобод	—	•	—
3	Бухоро вилояти	Олот	•	—	—
		Бухоро	•	—	—
		Вобkent	•	—	—
		Газли	•	—	—
		Ғиждувон	•	—	—

Қайда №	Вилоятларнинг номи	Маъмурий ноҳиялар номи	Зоналар		
			I	II	III
4	Жиззах вилояти	Когон	•	—	—
		Қорақўл	•	—	—
		Пешку	•	—	—
		Ромитан	•	—	—
		Жондор	•	—	—
		Шофрикон	•	—	—
		Ариасой	•	—	—
		Бахмал	—	•	•
		Ғаллаорол	•	—	—
		Жиззах	•	—	—
		Дўстлик	•	—	—
		Зомин		•	•
		Зарбдор	•	—	—
		Мирзачўл	•		
5	Қашқадарье вилояти	Октябрь	•	—	—
		Пахтакор	•	—	—
		Баҳористон	•	—	—
		Ғузор	•	•	—
		Деҳдонобод	•	•	—
		Қамаши	—	•	—
		Косон	•	•	—
		Қарши	•	—	—
		Китоб	—	•	—
		Кукдала	—	•	—
		Муборак	•	•	—
		Нишон	•	—	—
		Таллимаржон	•	—	—
		Ульянов	•	—	—
		Усмон Юсупов	•	—	—
		Чироқчи	—	•	—
		Шаҳрисабз		•	—
6	Навоий вилояти	Яккабоғ	—	•	—
		Конимех	•	—	—
		Қизилтепа	•	—	—
		Навбаҳор	•	—	—
		Навоий	•	—	—

Қайд №	Вилоятларнинг номи	Маъмурий ноҳиялар номи	Зоналар		
			I	II	III
7.	Наманган вилояти	Нурота	—	•	—
		Томди	•	—	—
		Учкудук	•	—	—
		Хатирчи	•	—	—
		Задарё	—	•	—
		Косонсой	—	•	—
		Наманган	—	•	—
		Норин	—	•	—
		Поп	—	•	—
		Тўрақўрғон	—	•	—
		Уйчи	—	•	—
		Учқўрғон	—	•	—
		Чортоқ	—	•	—
		Чуст	—	•	—
8	Самарқанд вилояти	Янгиқўрғон	—	•	—
		Оқдарё	—	•	—
		Большевик	—	•	—
		Булунгур	—	•	—
		Жомбой	—	•	—
		Иштихон	—	•	—
		Каттақўрғон	—	•	—
		Қўшрабод	•	—	—
		Нарпай	—	•	—
		Пойариқ	—	•	—
		Пастдарғом	—	•	—
		Пахтачи	—	•	—
		Самарқанд	—	•	—
		Советобод	—	•	—
9	Сурхондарё вилояти	Ургут	—	•	—
		Олтинсой	—	•	—
		Бойсун	•	•	—
		Ангор	•	—	—
		Сариосиё	•	—	—
		Денов	—	•	—
		Жарқўрғон	•	—	—
		Қумқўрғон	•	•	—

Қайд №	Вилоятларнинг номи	Маъмурий ноҳиялар номи	Зоналар		
			I	II	III
10.	Сирдарё вилояти	Ленин йўли	+	—	—
		Термез	+	—	—
		IШеробод	+	—	—
		Шўрчи	+	—	—
		Оқолтин	+	—	—
		Боёвут	+	—	—
		Ворошилов	+	—	—
		Гудистон	+	—	—
		Ильич	+	—	—
		Комсомол	+	—	—
		Меҳнатобод	+	—	—
		Сирдарё	+	—	—
		Ховос	+	—	—
11.	Тошкент вилояти	Оққўрғон	—	+	—
		Оҳангарон	—	+	—
		Бекобод	—	+	—
		Бўстонлиқ	—	+	—
		Бўка	—	+	—
		Талаба	—	+	—
		Калинин	—	+	—
		Коммунист	—	+	—
		Орджоникидзе	—	+	—
		Паркент	—	+	—
		Пискент	—	+	—
		Ўртачирчиқ	—	+	—
		Тошкент	—	+	—
		Чиноз	—	+	—
		Янгийул	—	+	—
12.	Фарғона вилояти	Олтиариқ	—	+	—
		Охунбобоев	—	+	—
		Бағдод	—	+	—
		Бувайда	—	+	—
		Кирон	—	+	—
		Қувва	—	+	—
		Ленинград	—	+	—
		Риштон	—	+	—

Қайд №	Вилоятларнинг номи	Маъмурий ноҳиялар номи	Зоналар		
			I	II	III
13	Хоразм вилояти	Тошлоқ	—	+	—
		Ўзбекисто	—	+	—
		Термиз	+	—	—
		Фарғона	—	+	—
		Ёзёвон	—	+	—
		Тошлоқ	—	+	—
		Ўзбекистон	—	+	—
		Фрунзе	—	+	—
		Богот	+	—	—
		Гурлан	+	—	—
		Қўшқўпир	+	—	—
		Ургенч	+	—	—
		Ҳазорасп	+	—	—
		Ҳонқа	+	—	—
		Хива	+	—	—
		Шовот	+	—	—
		Янгиариқ	+	—	—
		Янгибозар	+	—	—

**ТУРАРЖОЙ ҲОВЛИСИДА ЭКИШ
ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН ДАРАХТ
ВА БУТАЛАРНИНГ НАВЛАРИ**

Мевали дарахтлар

Олма навлари: Ренет, Симеренко, Жонатан, Оқ розмарин, Делишес, Вайнсеп, "Спур" тип. Нок навлари: Ласточка, Любимица, Клаппа, Бере рояль, Лесная красавица, Оливье де Серр, Қишки напшати. Беҳи навлари: Йирик қува беҳиси, Нок беҳи, Изобильная, Совхозная. Ҳрик навлари: Кўрсодиқ, Арзани, Заря Востока, Мирсанжали, Субҳони, Исфарақ, Хурмой. Шафтоли навлари: Ватан, Лола, Оқ шафтоли, Старт, Фарҳод, Эльберта. Олхўри навлари: Курортная, Пионер, Бертон, Исполинская. Гилос навлари: Пушти наполеон, Воловье сердце, Қора гилос, Дрогана желтая. Олча навлари: Подбелская, Қора шпонка, Самарқанд олчаси. Анор навлари: Қизил анор, Қозоқи анор, Оқ дона (туя тиши), Аччиқ дона. Анжир навлари: Ўзбекистон сариқ анжири, Смирин қора анжири, Чапла, Кадота. Хурмо навлари: Тамонан, Зенжи-Мару, Ўзбекистон пионери, Хиакуме. Ёнғоқ навлари: Гвардейский, Идеал, Пионер, Ўзбекистон эртаги ёнғоғи. Бодом навлари: Косонсой, Бўстонлиқ, Угом, Чидамли. Жийда навлари: Майда мевали нордон н.в, Та Ян-Цзао

Манзарали дарахтлар

Виргин арчаси: устунсимон ва пирамида шаклидаги турлари, Ғужаноқ арча: паст бўйли турлари. Қора қарагай: зангори ва кумушранг турлари.

Учқур баргли заранг: шохлаб кетган ва шар шаклидаги турлари. Мирзатерак-пирамида шаклидаги терак. Япон Сафораси, Қайрағоч.

Манзарали буталар

Атиргул навлари. Япон беҳиси, Вефела: оқ, пушти, қизил гулли навлари. Дулана, Дейция изящная: тилла ва оқ мармар гулли навлари. Шилви: гулловчи учқат.

Бодзерак. Шамшод венгер сиреки: бинафша ва оқ гулли
навлари. Лигуструм.

Чирмашиб ўсувчи буталар ва чирмовиқ ўсимликлар

Амур ёввойи токи. Япон токи. Девичий виноград
пятилисточковый. Клематис витальба. Япон шильвясси.
Камрифоль. Печак, Ломоносов жакмана, Ломонос Восточ-
ный (илонўт). Текома.

АДАВИЁТЛАР

1. *Бозорбоев Назарбой*. Шахсий уй-жой қурувчилар учун 1001 маслаҳат. Тошкент, "Меҳнат", 1990.
2. *Зоҳидов П. Ш.* Самарқандская школа зодчих. Ташкент, "Наука", 1965.
3. *Ишченко И. И.* Ғишт-тош ишлари. Тошкент, "Ўқитувчи", 1990.
4. *Мартемыанов А. И.* Сейсмостойкость зданий и сооружений, возводимых в сельской местности. Москва, Стройиздат, 1982.
5. *Мартемыанов А. И.* Проектирование и строительство зданий и сооружений в сейсмических районах. Москва, Стройиздат, 1985.
6. *Махмудов Л. С.* Сейсмостойкое крупнопанельное домостроение. Москва, Стройиздат, 1987.
7. *Махкамов А. А.* Сельские жилые дома юга страны. М., Стройиздат, 1984.
8. *Махкамов А. А.* Современное село. Альманах. Архитектура Узбекистана. Ташкент, 1985.
9. *Назиев Д. А.* Архитектура горных районов Узбекистана. Ташкент, "ФАН", 1984.
10. Правила застройки сельских населенных пунктов в Узбекской ССР. РСН 94-83. Госстрой. УзССР. Ташкент, 1983.
11. *Шоумаров Н., Хобиев Б.* Зилзилабардор иморатлар. Тошкент, "Меҳнат", 1989.
12. *Ўралов А., Назиев Д., Тўракулов Ш.* Қишлоқ уйлари. Тошкент, "Меҳнат", 1988.
13. *Қосимов И.* Қурилиш материаллари. "Ўқитувчи", Тошкент, 1972.
14. *Қосимов С., Валиев Т.* Сейсмик микрорайонлаштириш нима? Тошкент, "Фан", 1970.
15. *Собиров М. К.* Томорқа боғ парвариши. Тошкент, 1985.

Кириш	3
I-боб. Халқ меъморчилигида анъанавий уйлар	8
Текис географик районлардаги анъанавий уйлар	10
Тоголди воҳалари ва водийлардаги уйлар	15
Тоғли районлардаги уйлар	24
II-боб. Замонавий қишлоқ уйлари ва тураржойларни режаш- штириш	33
Қишлоқ уйлари, уларнинг жойланиши ва архитектураси	33
Қишлоқ уйлари лойиҳалашдаги асосий талаблар	44
Тураржойлар ҳудудининг режашштирилиши ва қурилиши- даги услублар	55
III-боб. Қишлоқларда уйлар қуришини режашштириш ва обо- донлаштириш	65
Ҳовли майдонини режашштириш	65
Хўжалик ва маиший иморатлар, уларнинг жойланиши	70
Ҳовли-жойни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	83
IV-боб. Район марказлари ва кичик шаҳарларга мос ҳовли- ларнинг янги типларини лойиҳалаш	93
Маҳаллий талаблар асосида уй-жойлар режаси тузилишини такомиллаштириш	100
Янги типдаги уйлар қурилишидан тураржой гуруҳларини ташкил этиш	118
Иқтисодий масалалар	122
V-боб. Кам қаватли тураржой биноларининг зилзилага бардо- шлиги	126
Умумий маълумотлар	126
Антисейсмик тадбирлар	129
Пахса деворли бинолар	133
Хом гиштли бинолар	137
Синчли (каркас) бинолар	140
Майда ўлчамли элементлардан қуриладиган бинолар	143
Индустриал услубда қурилган бинолар	147
Иловалар	152
Адабиётлар	159

Ахтам Синдорович Уролов, Додо Авазович Нозилов, Абдухамид
Фармонов, Сапарбай Матъязов

ОСНОВЫ ПЛАНИРОВКИ И ПОСТРОЕНИЯ СЕЛЬСКИХ ДОМОВ На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон" — 1994, 700129, Ташкент, Навои, 30

Бадий муҳаррир И. Кученкова
Техник муҳаррир С. Собирова
Мусаҳҳиҳ М. Мажитхўжаева

Теришга берилди 20.01.94. Босишга рухсат этилди 29.06.94.
Формати 84×108/32. "Таймс" гарнитурда офсет босма усулида
босилди. Шартли бос. л. 8,40. Нашр л. 8,68. 6 000 нусхада босилди.
Буюртма № 1004 Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Нашр № 30—93.

Оригинал-макет маъсулияти чекланган "Ношир" жамияти
техникавий ва программавий воситалар базасида тайёрланиб
картфабрика "Ўзгипрозем" институтида босилди.
700096, Тошкент, Муқимий кўчаси, 182.